



Har qanday taraqqiyotning asosi fandir

# ТАМАДДУН nuri

Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy,  
madaniy-ma'rifiy, adabiy-badiiy jurnal

№2-сон,  
2015 йил

Қоқалпогистон Республикаси Беруний тумани ҳокимлиги ва «Беруний авлодлари» жамоат фонди муассислигидаги илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадиий журнал

## УШБУ СОНДА:

Олмос сўзлар сочади ҳикмат	
<b>Ислом Каримов.</b> Шу азиз Ватан – барчамизники	2
Эътироф	
<b>Каримбой Курамбоев.</b> Зиё тарқатадиган яна бир журнал	4
<b>Рустам Абдуллаев.</b> Шарқ тароналари халқаро мусиқа фестивали	5
Манбашинослик	
Берунийнинг «Геодезия» асаридан	6
<b>Земфира Курбанова.</b> Женшины богатырши каракалпакских сказаний	12
<b>Тохир Розимов.</b> Ўғилими ёки қиз?	15
Тарихинедир минг асрлар	
<b>Ғайратдин Хўжаниёзов.</b> Қурбон Шониёзов.	
Ал Беруний таваллуд топган юрт тарихи	16
Қоқалпоқ мумтоз адабиётидан	
Ажиниёз ва қиз Менгеш айтишуви	22
Ботиний уйғунлик сирлари	
Алибек Абдураҳмонов. Алифбеи тайр	26
Жаҳон адабиёти	
Вольфганг Хилдесхаймер. Оч кулранг ёмғирпӯш	38
<b>Самандар Исмоилов.</b> Қадимги Хоразмда қурилиш ва месъморчилик тараккӣти	40
<b>Муҳаммадсоли Машарипов.</b> Ойнаи жаҳон	48
Резюме	52

## Азиз муштари!

«Тамаддун нури» журнали ўз саҳифаларида илм-фанга оид жиддий тадқиқотлар, тарихимизга доир илмий янгиликлар, адабиётга дахлдор мазмунли мақолалар ҳамда сара бадиий асарларни, шу билан бирга мамлакатимиз ижтимоий, маънавий ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар, ҳалқимизнинг бунёдкорлик фаолиятини ёритиб боради. Журналга обуна бўлсангиз ўйл давомида ушбу маънавий бойликтдан баҳраманд бўласиз. «Тамаддун нури» қимматли умрингизни сарф қилишга эмас, бойитишга кўмаклашади! Реклама ва эълонларини журналимизда чоп этмоқчи бўлган ташкилотларни ҳамкорликка чорлаймиз.

Обуна бўлишини унутманг. Обуна индекси 960.



## МУАССИСЛАР:

Беруний тумани ҳокимлиги  
«Беруний авлодлари» жамоат фонди

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Мухаммад АЛИ  
Ўрзобой АБДУРАҲМОНОВ  
Сирожиддин САЙЙИД  
Икбол МИРЗО  
Комил АВАЗ  
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ  
Дониёр ЎТАРБОЕВ  
Куванишбек ЎРОЗИМБЕТОВ  
Дониёр ҲОЖИЕВ  
Мурат ЖУМАНОВ

## БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

## БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ:

Қурбон ШОНИЁЗОВ

## БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

## ТАҲРИР ҲАЙБАТИ:

Кенгесбой КАРИМОВ  
Нагмет АИМБЕТОВ  
Бахадулло НУРАБУЛЛАЕВ  
Ғайратдин ХЎЖАНИЁЗОВ  
Гулистон МАТЁҚУБОВА  
Ахмад ОҚНАЗАРОВ  
Ваҳоб РАҲМОНОВ  
Бахтиёр КАРИМОВ  
Шодмон ВОХИДОВ  
Яхшибек АБДУЛЛАЕВА  
Рахбар ХОЛИҚОВА  
Машариф АБДУЛЛАЕВ  
Баҳодир ЭШОВ  
Неъмат ПОЛВОНОВ

Саҳифаловчи: Улугбек САИДОВ

Рассом: Алибек АБДУРАҲМОНОВ

Ушбу сон “Тамаддун нури” журнали таҳририятининг компььютерида саҳифаланди.

Манзилимиз: Қоқалпогистон Республикаси, Беруний шаҳри “Халқлар дўстлиги” кўчаси, 14-йй. e-mail: beruniyavlodlari@mail.ru; тел/факс: (0 361) 524-01-55; (+99894) 452-71-95.

Босишига 20.11.2015 йилда руҳсат берилди. Қоғоз бичими 60x84 %. Наширт хисоб табоби 6,5.

Журнал 2015 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва аҳборот агентлиги томонидан №0843раками билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчириб босилганда “Тамаддун нури”-дан олини деб изоҳланishi шарт. Матн ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масгуллар. Журналда нашр этилган мақолаларда муаллифларнинг таҳририят нуктаи назарига мувоғин келмайдиган фикр-мулоҳазалари бўлиши мумкин. Таҳририятга келган кўлёзмалар тақриз килинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

“HIOL-MEDIA” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Адади 500 дона. Буюртма № Ташкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесиши маси.

ISSN 2181-8258



Ислом КАРИМОВ

# Олу азиз Ватан – барчамизники

\* \* \*

Халққа ва Ватанга садоқат ота-онага садоқатдан бошланади.

\* \* \*

Биз меҳр ва муҳаббатни, садоқат ва фидо-йиликни мунис оналаримиздан, бебаҳо Ватанимиздан оламиз. Ва бизнинг ҳам жамики эзгу ниятларимиз, хайрли ишларимиз уларга аталгандир.

\* \* \*

Ўзбекистон – муқаддас Ватан, Ота-боболаримиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш – бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

\* \* \*

Ўзимиз ўз қўлимиз билан курган мустақил давлатчилик пойдевори узра Ўзбекистон деб аталган юксак ва кўркам бино қад кўтармоқда. Унинг илк ғиштини қўйганлардан, келажак авлод истиқболи деб яшаган ва меҳнат қилаётганлардан Яратганимиз ҳам, халқимиз ҳам рози бўлғай, иншооло.

\* \* \*

Ўзбекистон Оллоҳнинг назари, меҳри тушган, файз ва барака ато этилган бетакрор заминдир.

\* \* \*

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради.

\* \* \*

Биздан озод ва обод ватан қолсин.

\* \* \*

Ватан, эл манфаати – муқаддасдир.

\* \* \*

Шу азиз Ватан – барчамизники. Унинг баҳту саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун баҳтдир.

\* \* \*

“Шу давлат, шу жамият менга нима берди?” деб эмас, балки “Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?” деган ўй-хаёл ва қараш билан яшашимиз керак.

\* \* \*

Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ.

\* \* \*

Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдек муқаддас, саждагоҳдек пок ва улуғ бўлмоғи керак.

\* \* \*

Ватан ва халқ мангу қолади.

\* \* \*

Биз учун Ватан битта! Мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Ўзбекистон манфаатлари!

\* \* \*

Ватан озодлиги – олий саодат.

\* \* \*

Миллий туйғу инсон учун табиийдир.

\* \* \*

Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қиласиган ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас.

\* \* \*

Жаҳон – кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакор онга юртимиз, Ўзбекистонимиз – яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган.

\* \* \*

Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгашга қодир.

\* \* \*

Томирида миллий ғуур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди.

\* \* \*

Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.

\* \* \*

Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак.

## Олмос сўзлар сочади ҳикмат...



\* \* \*

Юрти тинч, ҳаловатли элнинг баҳори ҳам, ёзи ҳам, кузию қиши ҳам – қўйингки, ҳар бир куни файзли-тароватли бўлади.

\* \* \*

Бизнинг муқаддас вазифамиз – Ватан шону шуҳрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишдир.

\* \* \*

Ўзбекистон – буюк олимлар ва мутафаккир зотлар, азиз-авлиёлар ва енгилмас саркардларга бешик бўлган муқаддас диёр.

\* \* \*

Ўзбекистоннинг истиқболи – Қорақалпоғистоннинг истиқболи, Қорақалпоғистоннинг истиқболи – Ўзбекистоннинг истиқболи.



Мустақиллик ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизнинг барча соҳаларида эркинлик мухитини яратди. Эмин-эркин яшаш, меҳнат қилиш, айниқса, ижод ахли, матбуот ходимларига хоҳлаган шакл ва мазмунда қалам тебратишлари учун имкониятлар эшигини кенг очди. Матбуотимиз тараққиётига халақит берадиган тўсиқлар олиб ташланди.

# ЗИЁ ТАРҚАТАДИГАН ЯНА БИР ЖУРНАЛ

Эътироф



Халқимиз эҳтиёжидан, муҳлислар талабидан ке-либ чиқиб, нашриётлар ташкил қилиш, истаган форматда газета-журналлар чоп этиш хуқуқи берилди. Ва истиқполимизнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу улкан тадбирга киришилди.

Бугун бу саъӣ-ҳаракатларнинг ажойиб натижаларини кўриб турибмиз. Мамлакатимиз матбуоти ҳаётида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, янгидан таъсис этилган матбуот органлари, газета-журналларнинг муваффақиятли фаолияти фикримни яна бир бор тасдиқлаши мумкин.

Беруний тумани ҳокимлиги ҳамда “Беруний авлодлари” жамоат фонди муассислигига нашр этила бошланган “Тамаддун нури” журнали Республикализдаги адабий-бадиий, илмий, маданий-маърифий журналлар орасида ўз салоҳияти, савиаси, безалиши, ўқувчилар қалбига йўл топа олиши жиҳатидан, ўйлайманки, ўз ўрнига эга бўлади.

Бу нашр мақоми бўйича: “Илмий, маданий-маърифий, адабий-бадиий журнал” дейилган. Эътибор берадиган бўлсангиз, журнал ёритмоқчи бўлган фан тармокларининг қамрови жуда кенг, халқимизнинг интеллектуал даражасини белгилайдиган деярли барча илм-фан йўналишларини ёритишини журнал жамоаси ўз зиммасига олган.

Албатта, бу осон вазифа эмас, ўта масъулиятли иш. Ушбу мезондан мен “Тамаддун нури”нинг биринчи сонини варақлаб кўрдим. Журнал мақомида кўрсатилган фан йўналишлари унда қай даражада акс этганига кўпроқ эътибор қаратдим. Ва шу хуносага келдимки, журналдан ўрин олган аксарият мақолалар давр руҳига мослиги, Ўзбекистон ва Қорақалпогистоннинг маънавий-маърифий ҳаёти,

адабиётига тегишли янгиликларнинг, тарихнинг очилмаган янги қатламларига доир маълумотларнинг берилгани менда яхши таассурот қолдирди.

Журналда босилган ҳар бир мақола ёки бадиий ижод намуналарига номма-ном баҳо бериш имкони йўқ. Агар журналнинг бундан кейинги фаолияти ҳам шундай давом этса, бериладиган илмий-бадиий материаллар, мақолалар юксак дид билан танланиб, сараланиб, кимнингдир кўнгли учун эмас, журнал ва унинг муҳлислари манфаати учун хизмат қиласиган бўлса, ҳеч шубҳа йўқки, “Тамаддун нури” ўқувчиларнинг орзиқиб кутадиган энг севимли журналига айланади.

Энг асосийси, у Ўзбекистон ва Қорақалпогистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий ҳаётига доир долзарб мавзуларни бир неча тилда, мунтазам ёритиб бориша ўзига хос кўзгу вазифасини ўтайди. Журнал жамоаси бу ишни муваффақиятли уддалашига ва у ҳар икки республика маданий ҳаётининг нурли саҳифалари бўлиб қолишига умид қиласман.

Яна бир истак. Журналнинг қомусий олим Абу Райхон Беруний ватанида чоп этилишида ҳам катта рамзий маъно бор. Илм-фаннынг бир неча соҳаларида буюк кашфиётлар қиласиган ватандoshimiz, бетакор аллома Беруний бобомизнинг оламшумул мероси, асарлари журнал жамоасига илҳом бериб, ҳар бир сонини нашрга тайёрлашда зиё, нур таратиб туришини жуда-жуда хоҳлаган бўлардим. Бу нафақат менинг, балки, “Беруний авлодлари”нинг ҳам орзу-истаги бўлса ажабмас.

Каримбой Курамбоев,  
профессор



# ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ



**Мамлакатимизда санъатнинг янада равнақ топиши, миллий қадриятларимизнинг юксалишида, жаҳон халқлари билан санъат соҳасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда асосий омил бўлаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, 1997 йилдан буён ҳар иккى йилда бир марта ўтказиб келинади. Ушбу фестиваль бу йил ҳам ўнинчи марта ўз меҳмонларини Самарқанд шаҳрига чорлади.**

Юртимиз тарихига назар ташласак, миллий мақом куй ва қўшиқлари мумтоз мусиқанинг етакчи услуги сифатида XIII-XV асрларда тараққиёт чўқисига кўтарила бошлаганини англаймиз. Луғатларда "тарона" сўзига "шодлик сурури", "ҳаётбахш қўшиқ" деб тушунча берилади. Дарҳақиқат, бизнинг миллий мақом қўшиқларимиз ўз оҳангি, ўз оромбахшлиги, вазминлиги ва жозибадорлиги билан ажralиб туради.

Мустақиллик даврига келиб, қадимиий "тарона" тушунчаси янги маъно ва мазмун касб этди. У бир тарафдан, мусиқий меросимизнинг халқ фольклор қўшиқларига туташиб кетган ҳаётбахш қатлами бўлса, иккинчи томондан ўзбек миллий санъати соҳасида янгидан кашф этилган эстрада санъатининг асоси бўлиб майдонга чиқди.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида асл шарқона миллий қўшиқларимиз ҳамда турли халқларнинг гўзал ва бетакор куй-қўшиқлари янграйди. Тан олиш керакки, бу нуфузли фестиваль дунё халқларининг миллий мусиқа санъати ва қўшиқчилик анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатларни ўзаро бирлаштириб, гўзаплик, нафосат ва эзгулика ошно этишга хизмат қилмоқда. Шу боис ҳам фестивалга қизиқиш йил сайин ортиб, иштирокчилар сафи кенгайиб бораётir.

Илк бора ташкил этилган «Шарқ тароналари» фестивалида 31 мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, бу йилги ўнинчи анжуманда дунёнинг 66 давлатидан келган мусиқа ва санъат намояндalarи қатнашди.

Фестивалнинг ер юзининг сайқали деб эътироф этилган Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида ўтказилиши унинг мазмун-моҳиятини янада бойитади десак муболага бўлмайди. Иштирокчилар сафининг тобора кенгайиб, ҳар гал илк бор иштирок этаётган давлатлар сони ортиб бораётгани бу йирик кўрикка бўлган қизиқишнинг юксалиб бораётганидан далолат беради.

Бугунга келиб фестиваль доирасида ўтказиладиган тадбирларга юкори савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан республика ташкилий кўмитаси томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Тадбирнинг тантанали очилиш маросими ҳамда оммавий саҳналарда иштирок


этувчилик, фольклор жамоалари сараланиб, репетициялар ўтказилди. Шаҳардаги музейлар, миллий ҳунармандчиллик марказлари халқимиз мусиқа маданияти ва тарихига оид янги экспозициялар билан бойитилди. Тадбир доирасида бўлиб ўтадиган миллий чопғу асбоблар кўргазмаси ҳамда тарихий либослар намойиши бўйича ташкилий ишлар олиб борилди. Мухтасар қилиб айтганда, "Ер юзининг сайқали" бўлмиш Самарқанд шаҳри меҳмонларни кучоқ очиб кутиб олди. Фестивалнинг очилиш маросимида давлатимиз Президенти Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқи иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ёш ижодкорлар, санъатшунос олимлар ва тадқиқотчилар иштирокида ўтказиладиган Шарқ халқлари мусиқа меросига оид илмий анжуманга фестивалнинг муҳим воқеаларидан бири сифатида алоҳида ҳозирлик кўрилди.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига Ер куррасининг турли мамлакатларидан кўплаб санъаткорлар ташриф буюради. Улар танловда иштирок этиш билан бирга, азиз меҳмонимиз бўлиб, миллий мусиқа маданиятимиз, соҳир санъатимиз ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлишади. Турли миллатга мансуб созандва хонандалар биргаликда битта қўшиқни кўйлаганда мусиқа санъатининг буюк қудрати намоён бўлади. Бу фестиваль йилдан-йилга кенг қамровда ўтказилмоқда ва кўплаб мамлакатлар санъаткорлари ўртасида ижодий ҳамкорлик ришталарини боғламоқда. Ўтган фестивалда Мадагаскардан, Лотин Америкаси давлатларидан келган вакиллар қатнашди. Тан олиб айтиш керакки, ёшларимиз дунёда шундай юртлар борлигини билишади, лекин бу халқларнинг санъат соҳасидаги ютуқларидан ҳамма ҳам хабардор эмас. «Шарқ тароналари» эса халқимизга турли халқлар маданияти билан яқиндан танишишга, уларга ҳам ўз санъатимизни намойиш этишга имконият яратиб беради. Бу йилги фестивалда ҳам кўплаб янги номлар, янги истеъоддлар кашф этилди.

**Рустам Абдуллаев,  
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси,  
санъат арбоби**





# БЕРУНИЙНИНГ «ГЕОДЕЗИЯ» АСАРИДАН\*

Ақлий далиллар билан, мантиқий қиёслар билан жаҳоннинг, дунёнинг янгидан пайдо бўлганлигидан (ҳадасул олам) огоҳ бўлдик, лекин унинг қачон пайдо бўлганлигини, яратилганидан буён қанча вақт ўтганлигини билмаймиз. Оламнинг пайдо бўлиш ҳодисасини шундай тасаввур қиласиз: ҳар бир жисм ўзига жипслана-диган нарсалардан узоқ бўлмайди. Ҳар нарса-ки бошқа нарса билан жипсланадиган бўлса, у (ҳадис) пайдо бўлгандир. Демак жисм янгидан яралган бўлиб, азалий эмасдир. Оламнинг пайдо бўлганлиги натижа бўлади, лекин жисмга биррикадиган нарсалар бепоён эмас, яъниким охирни бўлади, зеро бундай бўлган тақдирда, вақт – замон азалий туюлади, бундай бўлиши эса мумкин эмас. Зеро ўтган замон замоннинг бир бўлаги, яъни замонда айланиш мавжуд, санашга лаёқатлик. Ҳар бир саналадиган нарса бир нарсадан бошланади ва маълум бир ерда тугаши ҳам мумкин. Демак, замонда бошланиш бор ва у фаразан бир жойда тугайди. Аввалги тартибга кўра замон ҳам, аниқки, янгидан пайдо бўлган.

Аммо ўтган замонларнинг бўлакларини – яъни ўтган кунлар, ойлар, йилларнинг ҳаммасини са-наш, уларнинг қанчалигини билиш ва қиёслаш ҳеч мумкин эмас. Лекин маълум бир лаҳзани замон шундан бошланган деб фараз қиласиз. Мумкинки, қайсиdir замон шундан ёки ундан минг-минг йиллар олдин бошланган. Мазкур масалада ростгўй далилга суюнамиз, бу борада бизга Оллоҳнинг китоби ва ҳадислар ёрдам беради.

\*Бошланиши ўтган сонда.

Аммо жуҳуд ва насронийлар, бутпаст ва мажусийлар барчаси тарихнинг бошланишини Одам Атога боғлайдилар, лекин вақтини белгилашда жуда кўп ихтилофга борганлар. Дунёнинг яратилиши тўғрисида “Таврот”даги мана бу маънени истисно қилмаганда, ҳеч нарса демаганлар: “Аввалда Худо Осмонни ва Ерни яратди. Ер у пайтда бўш, ҳеч нарса йўқ эди. Худонинг шамоли сувнинг юзида эсар эди”. Бу ҳафтанинг биринчи кунидаги яратиш деб гумон қиладилар. Лекин бу кун бизнинг кеча ва кундузимиз қўёшнинг ботиши ва чиқиши билан содир бўлади. Қуёш ва ой ўша пайтда чоршанба куни яратилган бўлса, қандай қилиб ўша замондаги кун ҳозирги кунга тўғри келади?! Қуръон бу борада шундай деган: “Дарвоқе, Парвардигорингиз наздидаги бир кун сизларнинг ҳисоб-китобингиздаги минг йилга барабардир”. Бошқа ўринда эса “... миқдори узунлиги эллик минг йилча бўлган бир кунда...” деб келган. Шундан билинадики, бу муддат бизнинг замонамиздаги муддат билан ўлчанмайди. Шундай экан, дунёнинг яратилган вақтини қандайдир вақт билан ўлчаш мумкин эмас. Яна Тавротда келтирилганки, инсоннинг яратилиши жума куни рўй берди, деб. Бу тўғрида Худо Қуръонда фаришталар тилидан шундай дейди: “У ерда бузғунчилик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани халифа қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан сени улуғлаймиз ва сенинг номингни мудом пок тутамиз”.

**Ер тўғрисида ундаги ҳар хил аломатлар ва узоқ вақт ўтиши билан ерда пайдо бўлган нарсаларни кўришдан бошқа нарсани билмаймиз. Шунингдек, баланд тоғлар, тупроқ ва қумлардан соф тош парчалари пайдо бўлади, бунинг сабаби бир-бирига қаттиқ жипслашганидандир. Кимки бу тўғрида ўйласа ва билим эшигидан кирса биландики, мана шу тош парчалари ва қумлар тоғларнинг емирилиши ва парчаланиши туфайли пайдо бўлган.**

Сувлар ўтиши, шамоллар эсиши, бир-бирига ишқаланиш натижасида уларнинг чеккалари ва бурчаклари емирилиб кетган. Кичкина тошларни ва тоғдаги тупроқни кўл билан ушлаб кўрганда, бу нарса яқол сезилади. Кичкина тошлар ва қумлар селларнинг оқиб ўтадиган жойларида ётганида тупроқ ва лойлар улар орасида қолиб кетади ва ернинг ёриқ жойларига кириб қолади. Совуқ, ҳарорат таъсирида улар тошга айла-

надилар. Чунки нимаики совуқда қотса, иссиқ ҳароратда юмшайди, нурайди, нималардир яна таъсир қиласиди, биз бу жараён қандай кечганидан бехабармиз. Шу боисдан ҳам ер юзидағи ободончилик түрли хил бўлган: ернинг баъзи бир жойлари бошқа ерга кўчади (зилзилалар оқибатида), шу билан бирга ундаги тошлар ҳам кўчади. Шундан кейин, ер тарафлари орасида тафовутлар пайдо бўлади, чунки Ер, қачонки оғирлик маркази оламнинг маркази бўлган пайтдагина қарор топади. Ер мувозанатда бўлмоғи учун тафовутни йўқотади, натижада унинг оғирлик маркази ернинг муайян қисмини бир жойдан иккинчи жойга кўчиради. Йиллар ўтиши билан Ер марказидан узоқлашган ер парчалари бошқа жойга оқиб борганида, у ер баланд бўлиб қолади, сувлар камаяди, чашмалар водийга қараб оқади ёки даралар пайдо бўлади ҳамда бундай жойларда ободончилик йўқолиб, яшаш оғир бўлиб қолади. Шундай бўлгандан кейин одамлар ўша жойдан бошқа манзилга кўчиб кетадилар. Бу вайронага айланган жойни ернинг қарилиги, обод бўлган жойларни эса ернинг ёшлиги деб атайдилар.

Аббул Аббос Эронشاҳрий ёзадики, у Кирмон шаҳарларидан бири Сиржондан бир фарсанг узоқдаги Баизо қальасида узоқ йиллар ўтиши билан қуриб, фақат томири қолган хурмо илдини кўрган. Лекин ўша қалъанинг атрофида 20 фарсанггача хурмо қолдиги кўрилмаган. У яна ёзадики, бунга сабаб ернинг кўтарилиши, дарёлар ва ариқларнинг йўлини ўзгартириб, бошқа томонга оқиши натижасида унинг атрофидагилар кўмилиб кетганлигидандир.

Шунингдек, йиллар ўтиши билан дарёлар, денгизлар қуруқликка, қуруқлик эса денгизга ўзгаради, алмашади. Агар бу ҳол дунёда одамлар пайдо бўлишидан аввал рўй берган бўлса, у номаълум, агар одамлар пайдо бўлгандан сўнг юз берган бўлса, бу ҳодиса унтилиб кетган, зеро узоқ вақтлар ўтиши билан ҳодисалар одамларнинг эсларидан кўтарилиб кетади, чунки воқеа-ҳодисаларни орқасидан келаётган ҳодисалар йўқотиб бораверади. Бу ҳодисаларни фақат баъзи кимсаларгина эслashi мумкин...

Ҳозирги Арабистон жазираси аввалда денгиз бўлган, бунинг нишонаси қудук ва ҳовузлар қазиганда ошкор бўлади. Чунки қумлар тагидан тошчалар, харсанг тошлар, сопол ва шиша парчалари ёки ҳайвонларнинг суяклари чиқсан, уларни кимдир қасдан кўмиб қўйган бўлиши мумкин эмас, албатта. Шунингдек, тошлар орасидан дур, садафлар ва гумшоҳи деб аталадиган чиройли тошлар ҳам чиқсан. Уларнинг баъзилари ўз ҳолида турган бўлса, баъзилари чириб,

йўқ бўлиб кетган, уларни фақат турган жойини текширибгина аниқлаш мумкин. Бундай нарсалар Хазор денгизи қирғоқлари бўйида Бобул Абвоб (Каспийнинг ғарбида) жойлашган Дарбанд шаҳрида ҳам топилган. Албатта, бу денгизнинг қуруқликка айланиши, айланиш вақти ва тарихи ҳеч кимнинг ёдида эмас, ҳатто ўша ерларда яшаган арабларнинг ҳам. Ўша вақтларда араб саҳроси ўрнида денгиз бўлиб, араблар Яман тоғларининг тепасида яшаган бўлишлари мумкин. Бу одамлар жуда қадимги арабларнинг аждодларидир, улар тоғларнинг тепасида атрофларини девор билан ўраб умр кечирганлар. Сув ўша ергача бориб турган ҳамда ўнг ва чап томонларини бояға роғга айлантирган. Кейин эса жуда қаттиқ шамол эсиб, деворларни бузиб, сувлар тошиб боғистонлар гиёҳистонга дўниб, вайронага айланган: “Биз уларнинг устига тўғон билан тўсиб қўйилган селни очиб юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ-тажир мевали, юлғунзор ва яккам-дуккам бутазор “боғлар”га алмаштириб қўйдик”.

Ичида садаф жойлашган тошларни Хоразм билан Журжон орасидаги Шино саҳросида ҳам учратиш мумкин. Бу саҳро ўтган замонларда денгиз бўлган. Балх дарёси Жайхун ўша ердан ўтган. Батлимуснинг ёзишича, дарё Балхан шаҳри яқинидан оқиб ўтиб, Уркание (Гургон) денгизига қўйган. Биз билан Батлимус даври орасидан 800 йилга яқин вақт ўтиб кетди. Ўша вақтларда Жайхун саҳрони кесиб, Зам (Карки) ва Омувия (Чоржўй) оралиғидан оқиб ўтган, атрофида Балханга боргунча шаҳарлар ва қишлоқлар бўлган ва Хазор қавмининг ерларига бориб денгизга қўйган. Кейин сув ўтадиган жой тўсилган ва сув “Ғуз” қавми ерларига қараб оқсан ва унинг олдини бир тоғ тўсиб чиқсан, ҳозирда уни “Шер оғзи” (фамул асад) дейдилар. Хоразм халқи эса “Банди шайтон” (сихруш шайтон) деб аташади. Сув шу ерда жуда баландга кўтарилганки, ҳозиргача тўлқин мавжларининг келиб урилганлик аломатлари бу тоғда билиниб турибди. Сўнгра тоғнинг тошларини оқизиб бир манзил жойгача борган, кейинчалик йўлини ўнгга – Фороб томонга бурган. Бу ерда ўз йўлини топиб олган, ҳозирда уни “Алфаҳмий” деб аташади. Орадан бир қанча вақт ўтиб, унинг атрофиға одамлар уч юздан ошиқроқ шаҳарлар ва қишлоқлар барпо қилишган. Ҳозиргача бунинг аломатлари турибди. Шундан кейин аввалгига ўхшаб сув йўли тўсилиб, чап тарафга оқа бошлаган. Бужноқ қавми ерларигача борган. Хоразм ва Журжон орасидаги саҳрова Маздубаст деган дарага қўйган. Бу ерда ҳам кўп ➤

Ииллар фаровончилик хукм сурган, кейин вайрон бўлгач, одамлар Хазор денгизи қирғоқларига кўчиб кетишган. Ҳозиргача ўша ҳалқлар бор бўлиб, тиллари хоразмлик ва бужноқликлар тилига ўхшайди.

Бу вақтдан сал олдинроқ ушбу водийнинг суви Хоразм тарафга оқа бошлади, олдида-ги тўғонни бузиб юборгач, бутун Хоразм ерини сув босди, натижада бир кичкина денгиз ҳосил қилди. Ўша дарадан оқсан сув лой билан аралаш эдики, бир жойга тўплангандан кейин тупроқ ва лойлари пастга тушди, тинди. Шунинг натижасида қуруқлик юзага келди. Кейин денгиз узоқлаша борди ва Хоразм ерларининг ҳаммаси сув тагидан чиқди. То бир тоғ йўлиқиб, сув уни силжи-та олмай қолгунча денгиз узоқлаб бораверди. Шундан сўнг шимолга томон оқиб туркманлар яшайдиган ерларда қарор топди. Бу денгиз билан Маздубаст дараси орасида кўп очиқлик йўқ.

Суви жуда лойқа бўлганлигидан у денгизни туркийда “Қизил денгиз” дейишади (Сариқамиш кўли ёки Орол денгизи).

**Ибн Амид ўз китобида шаҳарларнинг бино бўлиши тўғрисида шундай ёзган: бундан озигина вақт олдин шундай бир зилзила юз бердики, ҳамма нарса аралашиб кетди. Сув ўтадиган дара йўли тўсилиб қолди, натижада кичик денгиз ҳосил бўлди. Ҳар қаердаки сув ўтадиган йўл тўсилса, ўша ерда денгиз ҳосил бўлади. Урдундаги Ўлик денгиз сувлари ҳам худди шунга ўхшаб тўпланган эди.**

Сурёнийлар тарихида нақл қилинганки 383 ис-кандар йилида Рум подшоҳи Юстинентус даврида Антокия шаҳрида жуда қаттиқ ер силкиниши бўлди, ҳатто ерлар ёрилиб кетди. Тоғ парчалари дарё йўлини тўсиб қўйиб, сув кўтарилиб кетди. Кўп жойларни сув босиб, вайрон қилди. Кейин сув қайтиб, ўз йўлини яна топиб олди.

Миср ерлари тўғрисида Аристотель ўзининг “Олий ёдгорликлар” китобида шундай ёзган: “Нил суви кўп бўлиб оқарди ва бир денгиз ҳосил қилган эди. Кейинчалик суви пасайиб, бориб-бо-риб сувдан чиқиб қолган ерлар қуриди. Одамлар у ерни макон тутиб, шаҳарга айлантириб яшай бошладилар. Ҳозирда бу шаҳар қачон обод бўлганини кўпчилик билмайди”.

Миср ерларидаги ўша шаҳарлар у вақтда Саибо ва Тоиiba дейилар эди. У ҳозирги кун-даги шаҳарнинг тепароғида жойлашган катта шаҳар Мамфиесдан бошқадир. Ўша шаҳарни у вақтларда Манф деб атashган. Янги Мисрда яшаган Хумер деган шоир ўз шеърида Мисрни Саибо деб атаган.

Миср ерлари денгиз бўлган замонларда Эрон шоҳлари Қулзум денгизидан катта дарё қазиши ўйлаганлар. Токи кемада Шарқдаги Мұхит денгизидан унга келиш мумкин бўлсин ва у ердан Ховар денгизига ўтсинлар. Буларнинг ҳаммаси ҳалқнинг фойдаси ва яхши яшаши учун эди. Бу ишга биринчи бўлиб Миср подшоҳи Сосустиротис қўл урди. Анча масофа-гача қазиб бордилар. Кейин Қулзум денгизининг сувини ўлчаб, Нилга нисбатан баланд эканини билишди. Миср водийси вайрон бўлишидан қўрқиб, бу ишдан қўл тортиши. Кейин бу ишни Ғаламос III Арашмидис қўлга зиён етказмайдиган қилиб охирига етказди. Ундан кейин Рум подшоҳларидан қудратли эканлигини кўрсатиб қўйиш учун эронликлар Мисрга кираётганда ўша кўлни сувга тўлдирирган эди.

Каркас номи билан аталадиган биёбонда Сижистон ва Хурросон орасида тоғ пайдо бўлиб, эски вайронагарчиликларга сабаб бўлган. У ерни Батлимус Кирмон ҳаробалари (вайрона) деб атаган. Эронликлар аввал у ер обод манзил бўлганлигини айтадилар. Сижистон атрофидан минглаб чашмалар отилиб чиқиб, у жойнинг ободончилигига сабаб бўлган эди. Афросиёб турк сувларни тўсиб, у тарафга ўтказмади, ободончилик вайронага айланди. Қолган сув эса, олдин мавжуд бўлмаган Зирех деган кичик денгизга равона бўлди.

Сурия (Шом) саҳроларида ва бошқа саҳроларда ҳам қадимда одамлар яшаганлигини мушоҳада қилиш мумкин. Албатта, ўша одамлар сувсиз яшамаганлар. Демак, бу жойларда ҳам аввалда сув бўлиб, кейинчалик қуриб кетган дейиш мумкин. Шунингдек, Басра чакалакзорларини ҳам кўриш мумкин. Дажла авваллари бошқа жойдан оқиб ўтган. Сўнгра йўлини ўзгартириб, шу чакалакзорлардан ўта бошлаган.

Абул Аббос Эронشاҳрий айтадики: одамлар Нишопур яқинидаги қишлоқларнинг бирида ариқ қазир эдилар. Ногоҳ ер сатҳидан анча зиро пастдаги чукурликда учта сарв дарахти томирларига етдиларки, уни арра билан кесиб олдилар. Албатта, бу дарахтлар ва унинг томирлари бир вақтлар ер сатҳида бўлган. Кейин қанчадир вақтлар ўтиб, тош ва тупроқ остида қолиб кетган. Совуқ ва иссиқ таъсирида чириган, албатта.

Журжонда йилда бир марта сув тошган пайтда юзага чиқиб қоладиган дарахт шохлари бор. Шохлар чашма оғзида айланниб юради. Журжон ҳалқи бу тўғрида хурофотга берилиб, ўша шохларни бузрук санашади. Ваҳоланки, у сарв дарахтидан бошқа нарса эмас. Зилзила оқибатида ёрилган ерга, чуқурга тушиб кетган ва тупроқ билан кўмилиб қолган. Кейинчада

лик ўша чуқурдан сув чиқадиган бўлган ва дарахт шохлари кўриниб қолган. Баҳор фаслида сув кўп бўлади, сув ўша шохларни баландга кўтарадиган бўлган, лекин унинг томирларини сувга тушиб тортиб кўрган одамларнинг айтишича, кўмилиб турибдики, юқдан жудо бўлиб, ҳаммаси ташқарига чиқмас экан. Бу нарса фақат сув кўп пайтида бўлади, сув озайса ўша шохлар ҳам кўринмай қолади. У ернинг халқи бу нарсалардан бехабардирлар.

Бас, шундан билиндики, ер юзининг ободончилиги сувга вобастадир, сув билан жой-жойига тушади. Аристотель “Олий ёдгорликлар” китобида ёзадики: қадимги одамларнинг бир гуруҳи айтишига қараганда Ер жуда намнок бўлган: Қуёш ва Ой унинг намлигини буғлантириб, куруқликлар пайдо қилган. Буғланишдан эса, шамоллар пайдо бўлиб, ҳаво ҳосил бўлган. Бу сўз табиий илмларга кўра унчалик тўғри эмас, лекин таъвил қилинса, шарҳ қилинса, мувофиқлаштиrsa бўлади. Чунки илми ҳайъат асосида событдурки – ер айланадир. Курраи замин борлиқнинг ўртасидан жой олган. Ҳар бир нарса ҳар қайси тарафдан марказга ҳаракат қилади. Ернинг айланана эканлигини сув сатҳидан исботлаш мумкин. Сув зарралари бир-бирларига қаттиқ боғланган эмас. Сув сатҳи мавжланган пайтда курравийликдан чиқиб кетади.

**Яна мушоҳадалардан маълум бўлдики, табиатан тупроқ сувнинг тагида жойлашади. Шу далил биланки, тупроқ сувга солинса тагига чўқади. Сувнинг тупроққа ва ерга сингиб кетиши эса, тупроқдаги тешикча - ёриқчалар мавжудлигидандир. Ўша тешикчалар ҳаво билан тўлган, шу сабабли сув ҳаво бор жойгача сингиб бораверади. Шуни айтиш керакки, тупроқ парчалари бир-бирлари билан маҳкам боғланган, Ер – марказ атрофида жойлашган.**

Демак, сув тупроқ(ер) остининг ҳамма жойини эгаллаган. Дунёнинг пайдо бўлишининг бошлиниши тўғрисида Тавротда шундай дейилган: “Ер яратилмасдан аввал Худонинг шамоли сув устида эсар эди”. Бу ҳақда Қуръон ҳам гувоҳлик беради: “Худонинг арши сув устида эди”. Кейин Худойи Таоло одамларни яратишни хоҳлади. Уларнинг ҳаётини энг авал ер ва тупроқ билан боғлиқдир. Бу жуда осон эди, яъни Ерни табиий шаклидан – курраи ҳақиқийсидан ўзгартирмади. Ернинг баъзисини сув тагидан чиқарди. Сувлар тупроқ тагига кетди. Сувлар айланishiдан дарёлар яратилди. Бу ҳақда Собит ибн Қурра ҳам айтиб ўтган. Худо дengиз ва уммонлар сувини шу сабабдан шўр қилдики, бадбўй ҳидлар пайдо бўлмасин ва




одамлар ҳаётини издан чиқармасин. Яна сувларни бир-бирига боғлаб бир жойда қилдики, одамлар шунга муҳтоҷ бўладилар. Чунки инсон ва жониворларнинг ҳаётини сувга вобастадир. Баъзи одамларнинг жойлари сувга узоқдадир, шунинг учун Худо одамлар хизматига қуёш, ой ва кечакундузни тайёр қилган, токи ўшалар ёрдамида сувлар чиқарсинлар, Ернинг куриб сувдан чиқиб қолиши эса, тупроқ ва ҳавонинг бир жойда эканлигидандир, зоро, агар иссиқлик бўлмаса бундай нарсалар бўлмас эди. Худо осмону фалакни кенг қилиб яратди, ҳаво натижасида ўт-оташни яратди. Юлдузларни ҳаракатланадиган қилиб қўйди, токи иссиқлик Ерга ҳам етиб келсин. Бу ҳаракатни мил (ўлчов бирлиги)га бино қилиб, Ерга нисбатан узоқ ва яқинлигини тафовутли қилди, токи бир хил ва ўзгармайдиган бўлмасин. Балки бу ҳаракатни вақтга таалуқли қилиб, узоқ-яқинлигини ҳам ҳархил яратди.

Кейин шамолни яратди, у сувни, масалан булутларни сувсиз ётган ерларга ҳайдаб борсин ва ёмғир ёғиб ўллик ерни тирилтиурсин. Сув тоғлар бошидан жой олди, яъни қор тоғларга ёғиб ундан водийлар, дарёлар тўлсин. Бундан одамлар, жониворлар яшаётган ерларга оқиб бориб, улар сувдан баҳраманд бўлсинлар. Бу сувлар шўр сувлардан бошқачадир, чунки шўр сув тириклар учун носоздир. Шўр сув ширин сувни тезда бузади, ерни тезда қуритади. Ҳар нарсага етса еб йўқотади, асл ҳолидан тезда ўзгартириб юборади. Бу ҳодисани темир ва бошқа металларда синаб кўриш мумкин.

Арастунинг айтган гапи ана шу бўлса керак: денгизлар ва дарёлар бир жойдан иккичи жойга ўтиши туфайли ерлар қурийди, лекин ер бирданига қуриса, жониворларнинг ўлиб кетишига сабаб бўлади. Бу Худонинг устувор тадбиридир.

Баъзи олимлар айтганки, курраи заминнинг жануб тарафига ўхшаш шимолда ҳам қуруқлик бўлиб, у ерда одамзод яшайди. Арасту буни айни ҳақиқатмас, балки шундай бўлиши мумкин деган: “Агар бошқа кутбнинг ери бизнинг еримизга нисбатан бир хил бўлса, шубҳасиз шамол, об-ҳаво ва табиатдаги бошқа нарсалар ҳам биздагига ўхшаш



бўлади". Қандай яхши гап! Чунки икки кутбнинг муаддилун наҳори узоқроқ бўлса, қуёш ҳам самтул масирдан узоқроқ бўлади.

Арастунинг фикри шундай жиҳатни эътиборга олиб айтилган: агар жанубий тараф билан шимолий тараф ўхшаш бўладиган бўлса, яъни сувдан ер чиқиб қолса ҳам иссиқ-совуқлиқда шимол тарафга ўхшаш бўлади. Чунки муаддилун наҳорда узоқлиги натижасида об-ҳаво ўзгариб борадики, иссиқлик-совуқлик таъсири ҳам бу тарафига ўхшаш бўлади. Шимол тарафга қараб иссиқлик-совуқлик ўзгариб бораркан, айнан жануб томонга қараб ҳам баравар ўзгариб бораверади.

Одамлар ва жоноворлар тўғрисида ҳеч нарса демаган, чунки бу бир кишининг кўрганлигига ёки тўғри сўз одамдан эшитганликка боғлиқ. Биз бу тарафда яшаб одамларнинг ҳолатларини мушоҳада қиласиз, улар табиатга, ҳавонинг мижозига қараб ҳар ерда яшаб, ўша жойларни обод қилиб турадилар. Биз ўша жойлардан одамларни холи қилиб, уларни бир жойга тўплашга қодир эмасмиз. Лекин сабаблар мавжуд эканлиги, ҳеч қандай қийинчилик, қаршиликлар йўқлиги ва об-ҳаво бир хил эканлиги сабаб одамзот оёғи етмаса ҳам бу жойларнинг қандайлигини тасаввур этамиз. Жануб тарафининг тўртдан бири сувдан чиқиб турган ер бўлса, ва шимол тарафга қарама-қарши бўлиб чиқса, бу суръатда Ер курравийлик шаклидан чиқиб кетиши мумкин ва текислик суратида бўлиб қолиши мумкин. Ер курраси фаразан тупроқ курраси ва сув куррасига бўлинishi мумкин. Ўрта чизиқ текисликнинг марказидан ўтиб икки тараф баробар бўлади. Бу тақсимотдан ер юзидағи сувлар океанга тўпланиб, ҳатто тоғлар тепасидаги сувлар ҳам йўқ бўлиши мумкин.

Бир гуруҳ олимлар шундай деганки: қуёш намикларни қуришиб, уларни ўзига тортади. Денгиздан сув зарраларини чиқаради, лекин сув шўрлиги кўп бўлса, қалин бўлса унга қуёш таъсир қиласи, аммо денгиздан жудо бўлиши қийин бўлади. Биз шўри йўқ сув билан шўри кўп сувни

бир текис жойга қўйиб (бир томчисини) қуёшда тажриба қилиб қўришимиз мумкин. Шўрсиз сув томчиси қуёшда қуриб, турган жойидан асар ҳам қолмайди. Шўр сув томчиси ҳам қуриб кетади, лекин унинг доги қолади. Қоғоз устида икки хил томчидан қўйиб текшириб қўриш мумкин.

Илми ҳаиъат донишмандлари айтганларки, Қуёш жануб тарафга узоқлашса ва зенит нуқтасидан энг узоқда турса, Ерга жуда яқинлашган бўлади. Шуни биламизки, Қуёш Ерга яқинлашса унинг таъсири кўпаяди. Шўр сувни ўзига тортади, шу жиҳатдан ўша ерда, яъни жанубда сувнинг шўрлиги кўп бўлади. Илми ҳаиъат уламолари бизга хабар беришганки: Қуёшнинг энг узоқдаги ҳаракати авж дейилиб, буржлар орасида ҳаракат қиласи. Шундан биламизки, энг яқин узоқлик Ернинг одамлар яшайдиган қисмida, шимолда воқеъ бўлади. Денгиз бу тарафга, куруқлик эса жанубга кўчиши мумкин. Буларнинг айтган гапларига бир қанча қарама-қарши фикрлар бор:

Биринчидан, агар улар айтган гап тўғри бўлса, биз айтамизки, энг яқин узоқлик жанубда, фалак маркази ташқарисида ёки фалак доираси ичида бир жойда воқеъ бўлмайди, балки айланиб бутун Ер куррасининг бир ерида воқеъ бўлиши мумкин. Шимолдаги энг узоқ ҳаракат ҳам шундайдир. Бундан денгиз бошқа тарафга ўтиб, бошқа тарафда куруқликлар пайдо бўлиши чиқмайди. Шундай экан, нимага Ернинг одамлар яшайдиган қисми қарама-қарши томонида куруқлик бўлмаслиги керак?! Яъни, **Ернинг биз яшаб турган ярми қаршисида (нариги тарафда) куруқлик бор деб тахмин қиласиз.**

Иккинчидан, илми ҳаиъат уламолари қуёшнинг фалак доираси ташқарисида ва ичкарисида ҳаракат қилиши тўғрисида шунинг учун гапирмаганларки, қуёшнинг айланиши ёки қуёшнинг ўзи миқдорини мулоҳаза қилган бўлсалар, балки расадхоналарда қуёш ҳаракати тўғрисидаги ихтилофларни эътиборга олиб ҳеч нарса демаганлар. Қуёшнинг ўзи тўғрисида бундай ихтилоф бўлиши мумкин эмас. Агар Қуёш ҳаракати тўғрисида ҳар хил фикрлар бўлмагандан эди, унинг узоқ ва яқинлиги билинмас эди. Абу Жаъфар Хозин мақоласида айтганки “Қуёш ҳаракати тўғрисидаги ихтилоф унинг олам маркази атрофида айланиши жиҳатидандир”. Шу жиҳатдан Қуёшнинг марказ атрофида ҳаракат қилишидан ойнинг ҳам ҳаракат қилиши билинади. Марказ атрофида ҳаммаси бир хил бўлади. Фалак марказлари ҳаракати фалак кенгликларида марказ доираси ташқарисида ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин сайр қилиш (айланиш) чизиги фалаклар марказига нисбатан бир хилдир. Модомики шундай экан, узоқликлар масаласида баҳслашишга ҳожат йўқ.

Учинчидан, Қуёш жанубда яқинлашиш сабабига күра бу жойлар кенгликларида күйидаги ҳол воқеъ бўлади: Қуёшнинг Ердаги сувни ўзига тортиши натижасида оғирлик кучи ортади. Ернинг марказдан узоқлиги бир хил бўлмай қолади ва бу ибн Умад айтганидек, шимолда яққол сезилади. Бунда, агар Қуёш шимол тарафга майл қилса, жануб тарафда совуқ бўлиши кундай равshan, натижада Ер аввалги ҳолатини ўзгартиради, ернинг ва сувнинг ҳаракати баланд-паст бўлиб қолади.

Тўртингидан, Авж ҳаракати (Қуёшнинг энг узоқдаги ҳаракати) шундай нарсаки, уни расадхоналарда фаолият олиб борган баъзи ҳаиъат олимлари қабул қилган (яъни бор деган), баъзилари эса инкор қилган. Мен ҳам инкор қилганлигим учун у ҳақда гапирмайман, балки унинг қандайлигини баён қилиш учун келтирдим. Мен бундан олдин дунёнинг бошланиши ҳақида озми кўпми гапирдим. Бас, бу замонда авжнинг айланиши мақбул бўлиши ёки мақбул бўлмаслиги ҳам мумкин, айтиш жоизки, кейинги даврларда ҳам. Бу тўғрида пайғамбар хабарларидан бошқа ҳақиқий далил айтиш мумкин эмас.

**Арасту бу тўғрида умуман гапирмай жуда яхши қилган. Бу ҳақда табиат тарозулари ёрдамида сўз юритсан: ер юзидағи тоғлар ва денгизлар ҳақида ўйлаб, улар ёрдамида сўзимизни исбот қиласиз. Чунки Қуёшнинг зенит нуқтасига нисбатан узоқ ва яқин бўлиши ҳар жойда ҳар хил таъсир қилиши табиий интизомлик – суръат пайдо қиласи. Аввал шуни далил қиласизки, жанубда ободончилик йўқлиги шу сабабданки, Қуёш пастда бўлган вақтда бу тарафнинг қайсицир жойда қарор топади. Бу жойларга қуёшнинг қаттиқ таъсири иккита яқинлик сабабидандир. Бири зенит нуқтасига яқин келиши, иккинчиси эса Ер марказига яқинлашишидир.**

Қуёшнинг бу жойларда пастлашиши қишининг инқилоб қилишидир, бинобарин жуда қаттиқ қиш унинг жанубидадирки, бу ерда қиш инқилобини мулоҳаза қиласиз. Биламизки, бу вақтда биринчи иқлим орасидаги одамларнинг кузатиш нуқтасидан Қуёшнинг узоқлиги қирқ даражадир, бундан одамлар озор топадилар. Ҳар қаердаки жануб тарафда қишининг инқилобидан 40 даражага ўлчаш билан ажрим бўладиган бўлса, унинг кенглиги 64 даражага етади. Бу вақтда об-ҳаво аввалги иқлим об-ҳавосига ўхшаш бўлади, у ерда жониворлар бўлиши ҳам мумкин. Энди Қуёш авждаги вақти ҳолатига назар қиласиз. Бу вақтда ёз инқилоби яқинлигини мушоҳада қиласиз. Қуёш авждаги ҳаракати вақтида зенит нуқтасидан узоқлигини эътиборга олиб унинг жанубдаги ўрнини аниқлаганимиздек бир нуқта билан бел-

гилаганимизда, 84 даражага чиқди. Бунда унинг кенглиги 60 даражага баробар бўлади. Қайси жойда шундай кенглик озми-кўпми даражада бўлса, у ерда яшаш мумкин эмас. Бас, қуёш зенит нуқтасидан узоқда бўлса ҳамда совуқ ниҳоятда қаттиқ бўлса яшаш қандай мумкин бўлар эди?

Қуёш кенглиги жанубда 64 даражага бўлган маҳалда бу ҳолат содир бўлиши мумкин. Қуёш паст вақтдаги иссиқлик аввалги иқлимдаги иссиқлик билан ўхшаш бўлади. Шунингдек Қуёш авждаги вақтида бўлган совуқлик шимолдаги 60 даражага кенглиқдаги совуқликдир. Бу миқдордаги иссиқлика жониворлар яшашига имкон бор, лекин совуқлик уларни йўқотади. Жануб кутби тарафда бўлса иссиқ мўътадил, совуқ эса қаттиқ бўлади. Қуёш кенглиги жанубда 84 даражага, экватор чизигидаги иссиқлик ва шимолий кенглиги 84 даражага бўлса, бир-бирининг орқасидан келадиган бундай иссиқ-совуқликни қайси жонивор кўтара олади. Қиши орқасидан баҳор келиши беморлик ва кўнгилсизликларга сабаб бўлади-ку!

Шимолда ободончилик бўлишига сабаб мўътадиллик ва иссиқ-совуқликнинг бир-бирига мувофиқ келишидандир. Қуёш зенит нуқтасига яқин келган вақтда иссиқликка сабаб бўлади, лекин марказдан узоқлиги иссиқликнинг пасайишига сабабдир. Шу боис иссиқ ва совуқ мўътадил ва мақбул ҳолатда бўлади. Лекин жанубда иссиқнинг баланд бўлишига сабаб Қуёшнинг зенит нуқтасига ҳам, Ер марказига ҳам яқин келишидандир, бу эса мўътадил бўлишдан ман қиласи.

Буларнинг барчаси сабабсиз ёки табиат тасодифи бўлмай ҳикматли Худонинг қилган тадбидир. Чунки Худо сувни иссиқ-совуқнинг кучлилигидан яшаш мумкин бўлмаган жойга, ерни эса яшашга имкон бор жойга қиласан.

Ибн Умайд айтганки “агар жанубда қуруқлик бўлиб, у ерда шамол эсадиган бўлса, у шамол куйдирувчи, ўлдирувчи бўлар эди. У ерда сув бор, бу сув шамолнинг бундай бўлишидан сақлаб туради”. Бунга далил шуки, биёбон ва сахроларда эсадиган шамол куйдирувчиидир. Шу жиҳатдан Мисрда гармсер, Шерозда эса сардсер дейишиди. Зоро Судан сахроси Мисрнинг жанубида, Форс дengизи эса Шерознинг жанубида жойлашган.

Бундан олдин ернинг ҳолати ҳақида, унинг баъзилари бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, умуман ер ҳаракати тўғрисида сўз юритган эдикки, бу ер марказидан баъзи қисмлари ўзгариши табиатнинг, об-ҳавонинг ўзгаришига олиб келади. Агар бу ҳаракат қуёшнинг майлига халал етказса, қанчалик секин-асталик билан юз берса ҳам, мумкини, оғирликнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишига олиб келади.

Форс тилидан  
Ҳамидуллоҳ Аминов  
таржимаси

*В каракалпакских эпических произведениях часто встречаются образы женщин – воительниц, женщин-богатыри. Происхождение данных образов не становилось предметом тщательного анализа, но большинство ученых сходятся во мнении, что корни этих образов ведут в эпоху господства матриархата. Конечно, главными героями большей части эпических произведений каракалпаков являются могучие и храбрые богатыри-мужчины, которые борются против зла и несправедливости на*



# Женщины богатырши каракалпакских сказаний

*Земле, ради блага и счастья простых людей.*

*Однако, имеется ряд произведений, где главным действующим лицом является женщина или же она занимает важное место в мужских богатырских сказаниях. Связано это, в первую очередь, с тем, что женщины в развитии общества играли большую роль. В эпосе женщина – мать, невеста, жена, сестра, всегда находится рядом с героем, помогая ему в трудные и опасные моменты.*

Образу женщины в каракалпакских эпических произведениях отводится важное место. Эта роль неодинакова в его различных жанрах. Связано это с тем, что положение женщины на протяжении многих веков, в течение которых формировался эпос, не оставалось неизменным. Имеется ряд произведений, где женщина отведена главная роль и она изображена как храбрая воительница. Обратимся в первую очередь к наиболее известному произведению,

являющемуся наиболее ярким примером, поэме «Кырк кыз» – поэтическому сокровищу каракалпакского народа, отразившему его высокие идеалы.

Эпос связан с важными событиями в жизни каракалпакского народа. В художественных образах произведения нашли отражение воля народа к независимости, борьба за свою землю против захватчиков. Эпос повествует о том, как девушки во главе с Гулаим сражались с калмыцким ханом Суртайшой, чтобы защитить свою Родину. При анализе этого произведения выявляются чрезвычайно архаические пласти, связанные еще с массагетской эпохой первых веков до новой эры. Смелая, гордая, прекрасная Гулаим – олицетворение сильного характера и высокогуманных черт: любви к своей родине, самоотверженности, способности жертвовать личным счастьем для блага своего народа.

«Кырк кыз» считается удивительным фольклорным явлением потому, что в нем рассказывается о каракалпакских девушках-ама-

зонках отдаленной истории. Эпос восходит к древним сказаниям. В нем нашли отражение архаические социальные обычаи древних предков каракалпаков. В основном сюжете дастана можно разглядеть ранний матриархальный вариант, так как он достаточно насыщен матриархальными и амazonскими мотивами. Так, например, в трудах известных античных историков Геродота, Диодора и др. содержатся сведения о большой роли женщины в жизни сако-массагетских племен, о царице массагетов Томирис, нанесшей союзническое поражение персидскому шаху Киру.

Молва народная может быть и приукрасила силу, ловкость и независимый характер каракалпакских богатырь, но не зря мужчины преклоняясь перед ловкостью и силой девушек произносят такие слова:

*Сорок сильных не львиц, а львов:*

*Не давайте нашим врагам  
Жечь огнем наш родимый кров.  
Защищать нас –*

*Вашим клинкам  
Поручаем,  
Сорок бойцов!*

[Кырк кыз, с. 130].

Гулаим и ее сорок подруг, нарядившись в мужскую одежду и облачившись в воинские доспехи мстят за разорение и поругание своего народа. Народ Саркопа, разоренный и лишившийся Родины, в тяжелые для себя минуты обращается не к сынам своим богатырям, а к своей Гулаим:

*Девица она,  
А уж как смела и сильна!  
Средь своих сорока девиц,  
Как тарлан – орлица она  
В стае молодых соколиц.  
Если разъярится она –  
Гору перерубит клинком.  
На коне примчится она –  
Суртайшу потопчет конем.*

[Кырк кыз, с. 240]

Богатырские качества девушек иллюстрируются и в строках, где речь идет об одной из тридцати восьми подруг Гулаим – Алтынай:

*Алтынай играет мечом.  
Алтынай поводит плечом.  
Меч надежен.  
Крепка броня.  
Алтынай подводят коня.  
Вот она садится в седло.  
Пляшет резвый конь под седлом.*

*Солнце яркий луч навело  
На ее высокий шелом.*

[Кырк кыз, с. 202]

Смелость и отвага, соединенные с верностью родине, приводят в конечном итоге к торжеству над врагом.

Для обрисовки образа Гулаим в поэме «Кырк кыз» широко использованы изобразительно – выразительные средства, гипербола, метафорические выражения и т.д. Это искусно сделано не только для обрисовки характеров героев, героинь, но и отдельных персонажей.

В каждом конкретном случае удачно и торжественно использованы образы и сравнения, ставшие традиционными. Так, например, все движения и поступки прекрасной Гулаим исполнены величавого благородства, красота ее несравнима.

Характерные черты главной героини переданы следующими словами: «Щеки Гулаим были румяны, как степной мак весною. Губы у Гулаим были как лепестки еще не вполне раскрывшейся розы. Зубы ... походили ... – на жемчуг. Косы ... черные, тяжелые, длинные. На голове ... золотой убор, на груди – Драгоценная коробочка с талисманом [Кырк кыз, с. 7]. Или вот еще:

*Гулаим – как пери бела.  
Речь – насмешлива, Стан – стрела,  
Ром – наперсток, Румянец – мак,  
Косы – змеи, Губы – каймак,  
Зубы – жемчуг, Стыдливый взор,  
На голове – золотой убор*

[Каракалпакская литература, с. 197].

Образ верной невесты, жены является не только символом чистоты и любви, но и свидетельствует об относительно высоком положении женщины у каракалпаков. Она является не только символом чистоты и любви, но и символом свободной каракалпакской женщины. Жены богатырские в каракалпакском эпосе не только красивы, и на редкость умны, верны своему слову; это подруги и советницы батыров.

Не только в дастане «Кырк кыз», но и в других каракалпакских героических поэмах женщинам отводилась решающая роль. Возьмем к примеру эпос «Кыз палуан». Здесь повествуется о героической девушке – богатырше Толганай. Сюжет поэмы разворачивается вокруг гибели любимого

брата-близнеца Толганай, на поиски убийцы которого она и отправляется. Ее снаряжение, да и весь богатырский облик обрисовывается следующими словами: «Қары́ұ күшин жыйнап, қаршығадай қабак үйип, саýтын иштен кийип, шақмахы қурашты шекесине кийип, Қаражалына минип, найзасын кесе өңгерип, батырлық салтанат тутып, ҳәр кимниң аýзын күтип, арапал батыр келди». [Кыз палуан, с. 418].

Найдя того, кто сразил ее брата, а им оказался Темирхан, Толганай, поклявшаяся отомстить за него вступает с ним в схватку. Описание сцены схватки передает ее недюжинную силу:

*Жағасына қол салды.  
Еки батыр айқасты,  
Хәрким өзине тартып,  
Еки палуан жасагаласты.  
Бири арман тартады,  
Бири берман тартады,  
Еки палуан жарысын,  
Күшлері кем-кем артады*

[Каракалпак фольклоры. Кыз палуан, т. 23, с. 421]

Кыз палуан героически боролась, но все же не смогла одолеть Темирхана. Она, как поступают гордые богатыри, готова принять смерть от соперника. Тем более, что она достигла своей главной цели, узнала, что брат богатырь, обладавший огромной силой, был повержнут другим более сильным богатырем, которому она и сама уступила в схватке. Кыз палуан удовлетворившись тем, что брат убит в честной схватке более сильным соперником, готовится и сама принять смерть.

В дастане живописно рисуются не только сцены схватки, но и красота Толганай. Здесь используются такие эпитеты: «Жұзлери алмадек пискен», «Пилте яңлы қоллары», «Тилинде гәýхарлы тасы», «Тогыз бурымлы шашы» [Кыз палуан, с. 422]. Не удивительно, что Темирхан влюбляется в красавицу-богатыршу.

В каракалпакских дастанах имеется другой прекрасный образ женщины, отражающий ее внутренние нравственные качества. Скромность, трудолюбие, добродетельность являются основами женского образа. Одним из таких примеров может служить героиня одноименного эпоса – Гулнахар, которая отличалась еще и внешней красотой:

*Гүлнәхәр деген бир сұлыұ,  
Жетилипти буралып.  
Беллері сымдай жицишике,  
Қалғандай өзи-ақ оралып,  
Қызыл гүлдей жайнаған*

[Гүлнәхәр, том 18, с. 245].

Кроме описанных выше качеств, Гулнахар обладала силой и ловкостью. Она не задумываясь бросается на защиту своих родных; убивает двух ханских посланников, которые подняли руку на ее отца, за то, что тот отказался отдать свою красавицу дочь хану. Боясь преследований хана, они вынуждены были покинуть родные края. Хан отправляется на поиски беглецов своих дружинников. Двое из них находят новое пристанище семьи Маткарима. Одного из них Гүлнәхәр сразила своей стрелой, второй по имени Салдар поняв, что и его ждет та же участь, говорит, что горд быть убитым такой богатыршей:

*Сендей батыр қолынан,  
Өлсем енди ырзаман,  
Хақ жаратқан құдайға,  
Өлтір мени, батыр*

[Гүлнәхәр, с. 251]

Гүлнәхәр сжалась над ним, и нарекла его своим братом. Однако, Салдар испытывал к ней не братские чувства. Воспользовавшись тем, что Гүлнәхәр осталась одна, похоронив обоих родителей, он пытается овладеть ею. Между ними завязывается схватка:

*Жабайы тауың баурында,  
Қошқардайын тирести,*

*Бир бирине салып күш,  
Гейде оттай тутасып,  
Гейде муздай сирести,  
Бир биреүін жығалмай,  
Үш күнге шекем созылды*

[Гулнахар, с. 254]

О богатырской силе Гүлнәхәр подчеркивается и в схватке с женщинахом Эниұаром. Далее Гүлнәхәр, как в богатырских сказаниях, должна совершить три богатырских поступка: освободить жену Кара дәү, убить Эждахара и освободить змей и последний подвиг убить Кулмана. После чего воссоединяется со своим возлюбленным.

В эпосе «Шарьяд» обрисован образ богатырской сестры героя – Анжим, умной, сильной, которая отправляется на поиски брата. Ей удалось победить в волшебном сопствании премудрого хана Емена, укротить крылатого коня Жахангира, победила в смертельной схватке волшебную Птицу Бульбильгоя и побудила от каменного сна семидесят тысяч богатырей во главе с про-славленным храбрецом Шарьядом.

Она смело вступает в схватку с коварной Птицей со словами:

*Эй, проклятая Птица зла,  
Просыпайся, Бульбильгоя!  
Знай, погибель твоя пришла,  
Защищайся, Бульбильгоя!  
Всем известны  
злодеяства твои-  
Сотни души загубила ты,  
Брата милого моего  
В черный сон погрузила ты,  
Но расплата час настает,  
Я тебя победить хочу,*

*Дорогого брата спасти,  
А тебя покорить хочу.*

[Сказание о Шарьяде, с. 369]

Каракалпакский эпос дает нам галерею самобытных женских образов: женщин – богатырш, сестер – богатырш, дев-воительниц. Через эти образы шло утверждение народных приоритетов, становление этических и эстетических взглядов, формировались представления народа о жизни в обществе.

Образ героической женщины, способной совершать подвиги наравне с мужчинами, несомненно, берет свои корни из эпохи доминирования материнского права в обществе, господства женщин в деле выживания и процветания группы, рода или племени.

Интерес к образам женщин в традиционной культуре связан с открытием новых перспектив в исследовании этно- и культурогенеза любого народа. Анализ образов женщин в эпических произведениях каракалпаков способствует раскрытию содержания архаичных пластов народного мировосприятия, позволяет расширить рамки этнографических, этнологических, антропологических, этнокультурологических и этногенетических исследований для включения ценностей этнокультурного наследия в современность в качестве полноправных компонентов общественной жизни.

**Земфира КУРБАНОВА,  
кандидат исторических наук**

#### Использованная литература и источники:

*История литератур народов Средней Азии и Казахстана. Каракалпакская литература. Москва, 1960.*

*Қарақалпак фольклоры. Алпамыс, т. 1. Нәкис, 2007.*

*Қарақалпак фольклоры. Гүлнәхәр, том 18. Нәкис, 2010.*

*Қарақалпак фольклоры. Қыз палұан, т. 23. Нәкис, 2010.*

*Қарақалпак фольклоры. Мәспатша, т. 10. Ташкент, 2009.*

*Кырк қыз. Каракалпакская народная поэма (записана со слов Курбанбая Тажибаева). Нұкис, 1983.*


*Сказание о Шарьяде. Записано со слов Кулемета жырау (в переложении С. Северцева). Москва, 1971.*



# ЎФИЛМИ ёки КИЗ?

**М**амлакатимиз тобора ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётгани қувонарли ҳол. Ҳар бир жабҳада мустақил Ўзбекистонимизда улкан ўзғаришлар, теран испоҳотлар, мисли кўрилмаган дараҷада шиддатли ўсиш жараёни рўй бермоқдаки, ҳаётнинг ўзи биз тиббиёт ходимларининг олдига ҳам улкан вазифалар кўймоқда. Шулардан энг асосийи мамлакатимиз келажаги бўлган болаларнинг соғлом дунёга келиши, туғилган фарзанднинг жисмонан ва руҳан бенуқсон бўлиб вояга етишини имкон қадар таъминлашдан иборат. Боланинг соғлом, гўзал бўлиб улғайиши учун энг аввало бола организми шакллана бошлаган илк даврларданоқ, яъни онасининг вужудида пайдо бўлган илк кунлариданоқ бўлғуси инсонга алоҳида эътибор кўрсатилиши лозим бўлади. Бунда бўлғуси онага қаратилган эътибор муҳимдир. Демокнимизки, она жисмонан ва руҳан соғлом бўлиши шарт. Бундан ташқари, кўплаб омиллар борки, улар фарзанднинг баркамол туғилиши учун бениҳоя муҳимдир. Шулардан улкан аҳамиятга молик бўлган бир жиҳат устида тўхтамоқчимиз. Бола онасининг вужудидалигидаёқ ўзининг исталган, кутилган, севимли ёки кутилмаган, ота-она хоҳиш-иҳтиёридан ташқари туғилаётганигини ҳис қилиши, ва мана шу ҳиссият унинг қандай шаклланишига катта таъсир кўрсатиши мутахассислар томонидан аниқланган. Бизнинг шароитимизда биринчи фарзанднинг жинсига аксарият ҳолларда учнчалик катта эътибор қаратилмайди, лекин иккичи фарзанддан бошлабоқ ўғил фарзанд туғилмаса, оиласда ҳар хил муаммолар юзага келиши кузатилади. Ёки, бир неча ўғли бор оиласлар қиз қўришни хоҳлайдилар. Шундай вақтда, “кутилган” ёки “кутилмаган” фарзанд масаласи кўндаланг туради. Хўш, кутилган, севимли эканлигини олдиндан сезиб, бенуқсон, баркамол, айтиш мумкинки, кўпгина ҳолатларда идеал фарзанд бўлиб шаклланадиган ҳомилани режалаштириш мумкини? Бу саволга кўп йиллик иш тажрибасиздан келиб чиқсан ҳолда “албатта мумкин!” деб жавоб берса оламиз.

**Агар қиз туғилишини хоҳласангиз** имкони борича таркибида калий ва натрий бор озиқ-овқатларни камроқ, магний ва кальций бор бўлган озиқ-овқатларни кўпроқ истеъмол қилинг. Гўштли таомлардан тийилиб, балиқ гўшти бўлган таомлардан истеъмол қўлсангиз мақсадга мувофиқ бўлади. Нон ва ун маҳсулотли таомларни хоҳлаганча истеъмол



**Тоҳир РОЗИМОВ,**  
Беруний туман тиббиёт бирлашмаси  
шифокори, олий тоифали уролог

қилиш мумкин, лекин улар асло шўр бўлмаслиги лозим. Сабзавотлар, айниқса, картотка, лавлаги, сабзи, бодринг, пиёз, шунингдек меванинг ҳар қандай тури, ўрик, олҳури, гилос, банан ва апельсинни мустасно қилганда, бениҳоя фойдалидир. Қанд, асал, ширинликлар, мураббо, хушбўй гиёҳлар ҳам қиз кўришингизда катта ёрдам беради. Лекин, колбаса, дудланган маҳсулотлар, консерваланган ёки тузланган балиқ, пишлөқнинг барча тури, музқаймоқ қатъяян тавсия қилинмайди. Газли сув, консерваланган шарбатлар истеъмолини тўхтатиб, улар ўрнига кофе, чой, какао ва кальцийли ёки магнийли минерал сувларни ичсангиз, мақсадингиз сари дадил ва тўғри қадам ташлаган бўласиз.

**Агар ўғил бола туғилишини хоҳласангиз,** кальцийли маҳсулотларни камайтириб, калий ҳамда натрийли озиқ-овқатларни кундалик рационингизга киритинг. Гўштли ва колбаса маҳсулотларининг барча тури, балиқ гўштли таомларнинг барчаси кони фойдадир. Унли маҳсулотлар ва бошоқли озиқ-овқатлардан печенье, бисквит, бўтқа ва гуручни кўпроқ истеъмол қилишни маслаҳат берамиз. Сабзавотлардан фасоль, нўхат, мевалардан олча, банан, ўрик, апельсин ва шафтолини тавсия қиласиз. Сут ва сут маҳсулотлари, куймоқ, вафли, яшил салат, пиширилмаган карам, шивит, грек ёнғоги, бодом, сутли шоколадни истеъмол маҳсулотларингиз қаторидан чиқариб ташлаганингиз маъкул. Содали минерал сувлар, чой, пиво, вино, кофе ва мевали шарбатларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Ушбу парҳезнинг натижаси** яхши бўлиши учун бўлғуси ота-она ҳомила пайдо бўлмасидан камида бир ой олдин унга риоя қилишлари лозим. Барча талабларни тўғри бажарган ҳолда, фарзанднинг жинсини режалаштириш 61-66% муваффақиятли амалга оширилади. Лекин, асло унутманги, бу парҳез нафақат боланинг жинсига, шу билан бирга сизнинг соғлигингизга ҳам таъсир кўрсатади. Шуннинг учун истеъмолдан чиқариладиган маҳсулотлар рўйхатини тузишдан аввал албатта диетолог билан маслаҳатлашинг.

**Фарзанднинг жинсини режалаштиришнинг** кўплаб усуллари мавжуд. Ушбу мўъжаз мақолада биз факат парҳез орқали таъсир кўрсатиш ҳақида тўхтадик, холос. Баркамол авлодни дунёга келтириш миллатимиз бардавомлигини таъминловчи улуғ ҳодисадир. Бу жараёнда тиббиётнинг бевосита таъсири борлиги зиммамига улкан масъулият юклаш билан бирга, чексиз ифтихор ҳам бағишлишидан баҳтиёрмиз!



Ф. ХЎЖАНИЁЗОВ,  
К. ШОНИЁЗОВ

# АЛ-БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН ЮРТ ТАРИХИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Мирхонд Катни “Хоразм”, яъни бутун мамлакат номи билан атайди. Немис шарқшуностадқиқотчиси Э.Захау: “Тарихчи бу ерда эски кўллётмалардан фойдаланган ёки истеъмолдан чиқкан иборани қўллаган бўлиши мумкин”, деган холосага келган. Бизнинг фикримизча, Мирхонднинг Катни бутун бир мамлакат номи билан атаси тасодифий эмас. Чунки Мирхонддан анча олдинги даврларда яшаб ўтган араб географлари (Х-ХI) “Хоразм” номи билан бутун бир ўлкани ҳамда унинг маркази Катни ҳам атаганлар. 921-922 йилларда пойтахт-Кат шаҳрига ташриф буюрган Боғдод халифаси элчиси Ибн Фадлан ҳам пойтахти Хоразм номи билан атаган ва шу ҳолатда ёзиб қолдирган...

Мелодий 995 йилда шоҳ Мамун Жанубий ва Шимолий Хоразмни бирлаштириб, мамлакат пойтахтини Гурганжга кўчирганидан кейин худди Катга нисбатан ишлатилганидек, Гурганжга нисбатан ҳам “Хоразм” шаҳри атамаси қўлланилган. Шу боисдан ҳам Мирхонд томонидан Катга нисбатан “Хоразм” шаҳри атамасининг қўлланиши шунчаки тасодиф эмас, дейишга тўла асос бор. XIV аср охири ва XV асрнинг бошларида, Гурганж истило этилганидан сўнг шимолий-ғарбда Девкесган қалъаси, жанубда эса, Кат қалъасининг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий мавқеи анча кучайган.

1627 йил Чор Россиясида чоп этилган “Книга большого чертежа” (Катта чизма ва ҳарита китоби) номли китобда ҳам Кат қалъаси ҳақида маълумотлар берилган. Мазкур манбадаги маълумотларга қараганда, XVII аср бошларида Кат унча катта бўлмаган мудофаа деворлари билан уралган шаҳар бўлган (Лунин, 1988, 56, 59, 173-бетлар).

Кўчманчи ўзбек хонларининг ўзаро урушлари натижасида Шимолий ва Жанубий Хоразмдаги кўплаган қалъа ва қишлоқлар вайронага айланди. Бунга мисол қилиб, шимолий Хоразмдаги Вазир, Гурганж қалъаларини, жанубий Хоразмдаги ерларнинг сувсизликдан қақраб қолганлигини кўрсатиш мумкин.

**Мунис ва Огаҳийларнинг ёзишича, Анушаҳон даврида Кат қалъасининг ерлари, теварак атрофидаги боғ-роғлар сувсизликдан чўлу биёбонга айланади. Натижада 1681 йилда чап соҳилдаги етти гумбазнинг шимолидан янги канал қазилиб, Кат шаҳри ва унинг теварак-атрофидаги аҳоли янги манзилга кўчирилади. Лекин кўчирилган халқ доимо Шайх Аббос Валий (Х асрда вафот этган) қадамжосини зиёрат қилиш мақсадида она шаҳрига муңтазам равишда келиб турган. Орадан йиллар ўтиб, XIX**

асрда эски Кат ўрнида Шайх Аббос (Шоббоз) номидаги янги шаҳар қайтадан барпо бўлган (Я.Ғуломов, 1959, 212-бет).

Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларида XVIII асрнинг охирларида Хива хонлигига юз берган очарчилик ҳақида сўз юритилган бўлиб, бу оғатни Кат аҳолиси ҳам ўз бошидан кечирган (Аҳмедов, 1995, 122-123-бетлар).

XIX аср охирларига келиб, Катга қизиқиши янада кучайди. Бу ҳолат, бизнингча, машҳур тарихчилар Э.Захау, П.Лерх ва Н.Веселовскийларнинг Хоразм ва Кат ҳақида ўрта аср араб-форс тарихчилари, географ-саёҳатчилари асарлари ҳамда кундаклик дафтарларида Кат тўғрисидаги маълумотларни топиб, уларга ба-тафсил тавсиф беришгани билан изоҳланади. Рус олимларининг ўлкамиз тарихига қизиқишининг яна бир сабаби Чор Россиясининг Амударё ўнг соҳилидаги ерларни ўз тасарруфига киритиши билан ҳам боғлиқдир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа шарқшунос-олимлари орасида биринчилардан бўлиб Будапешт университети профессори Г.Вамбери дарвеш қиёфасида Эрон, Бухоро ва Хива хонликларига саёҳат қиласди. Сафардан кейин ўзит тўплаган материаллари, кўрган-кечиргандар асосида бир илмий китоб ёзиб, чоп этиради. Ана ўша

Г.Вамбери китобида қадимги Кат, ҳозирги Беруний туманида XIX асрда мавжуд бўлган айрим тарихий ёдгорликлар тўғрисида жуда нодир маълумотлар берган. «Бизлар баржага (кемага) минган жойнинг рўпарасида Сахбаз-Валининг (Шайх Аббос Валий) улкан харобалари кўриниб турарди. Айтишларича, у, яъни шаҳар, қадимда баланд мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган қалъа бўлган. Уни (қалъани) қалмоклар харобага айлантиришган. Гурлан қалъасининг рўпарасида – дарёning ўнг соҳилига яқин жойда Раҳмонберди бекнинг кичкина қалъаси бор.

**Тоғ (Султонвайстог) чўққиларидан бирининг устида Овейс Карайне (Султон Увайс Қораний)нинг мозори бор. Бу ер бутун Хива хонлиги халқининг машҳур зиёратгоҳидир. Ундан бироз чеккароқда “Муножот тоғи” деган манзилда намоз ўқидиган жой (ибодат қилиш ўрни) бор. Маҳаллий халқ вакилларининг айтишларига қараганда, тоғ устида Султон Увайс бобонинг оёғи ва намоз ўқиганда қолган тиззаси излари сақланиб қолган эмиш. Шу ерда бир авлиё аёл дағн этилган мозорни кўрсатишди. Бу жой “Анбар эна”, яъни “Анбар она” мозори номи билан машҳурdir.**

Афсоналарда айтилишича, Анбар она Зулайҳодек гўзал, Фотимадек фазилатли художўй аёл бўлган. У янги Гурганж подшосининг хотини бўлиб, эридан яширинча ислом динини қабул қилган. Бу воқеадан хабар топган ислом дини ашаддий душмани бўлмиш эри уни саройдан кувиб юборади. Шундан сўнг у эрининг таъқибидан қочиб, бепоён чўлу-тоғистондаги бир ғорга келиб яширинади. Афсонанинг давомида айтилишича, бир ёввойи она кийик ҳар куни тонгда Анбар она яширган ғор оғзиға келиб тўхтар, Анбар она уни соғиб олиб, шу сут билан ҳаёт кечирган эмиш” (Вамбери, 1868, 121, 123-124-бетлар).

Беруний туманидаги айрим ёдгорликлар ҳақида биз Чор Россиясиининг ҳарбий офицieri

М.И.Иванин томонидан ёзилган “Хива и река Амударья” сарлавҳали мақолада айрим маълумотларни учратамиз. У “Қизилқалъа”, “Шоббоз” ва “Седмарой” каби ёдгорликларга тавсиф берар экан, бу қалъалар харобаларида кўхна Урганчдаги каби ғиштдан ишланган устунлар, миноралар учрашини таъкидлайди (Иванин, 1873, 38-бет).

1873 йилда Хива хонлиги Россия томонидан истило қилинди. Худди шу жараёнларда истиличилар таркибида Хоразмга келган шарқшунос олим А.Л. Кун Катни шундай тасвирлайди: “Шайх-Абад Вали (Шайх Аббос Валий) унча катта бўлмаган қўргон, эски Кат харобаси устига курилган бўлиб, аввалги Кат қалъаси цитаделининг тўртдан бир қисмини эгаллайди”. Муаллиф бу ерда Кат деб ярми қулаб тушган минора ва Шайх Аббос Валий мақбарасини назарда тутган кўринади...

1874 йилда “Русия жуғрофия жамияти” томонидан ташкил этилиб, Ўрта Осиёга юборилган “Амударё экспедицияси” аъзоларидан – Л.Соболев, этнография бўлими бошлиғи, ёзувчи-расом Н.Каразинлар Катни кўздан кечиришади. Н.Каразин қалъа тўғрисида қўйидаги қисқача маълумотни ёзиб қолдирган: “Хароба кенг тўртбурчак майдонни эгаллайди, унинг шимолий бурчагида баланд минора кўриниб турибди, у бамисоли кесилган конус шаклида. Минора Нукус-Тўртқўл йўли яқинида, у 20 верст узоқликдан кўринади” (Каразин, 1875, 227-226-бетлар). Айни чоғда Н.Каразин ўша миноранинг расмини ҳам чизган. Биздаги маълумотларга қараганда, Н.Каразин чизган сурат ҳозирги кунда Куйбышев (ҳозирги Самара) даги музей фондида сақланмоқда.

Л.Соболевнинг “Обзор доступов к Хивинскому ханству и краткие сведения о нём” номли китобида Хива хонлигидаги кўпчилик қалъаларга қисқача тавсиф берилган бўлиб, улар қаторида Бийбозор ҳақида ҳам қисқа маълумот келтирилади: “Бийдын базар” (Бийбозор) мустаҳкамланган қалъа, Гурландан юқорироқда, Амударёнинг асосий ўзани ва Турум-ёрған

ирмоғи ўртасидаги оролда жойлашган” (Соболев, 1875, 154-бет).

“Амударё” экспедицияси аъзоси Хорошкин ҳам Шоҳ Аббос Валий номли қишлоқ бозори борлиги ҳақида маълумот ёзиб қолдирган (Хорошкин, 1876, 422-бет).

**XIX асрнинг охирида рус журналисти А.Е.Россикова Амударёнинг ўнг томонидаги Тўртқўл (эски номи Петро-Александровск) қалъасига келади ва у ердан кемага миниб, дарё орқали Нукусгача боради. У ҳам Шайх Аббос Валий минораси ва қалъанинг шимол тарафидаги қабристон ҳақида маълумот ёзиб қолдирган (Россикова, 1902, 632-633-бетлар).**

XIX аср охирларида Амударёнинг қуриб қолган эски ўзанлари бўйлаб геологик тадқиқот ишлари олиб борган А.Гедройц ўз илмий асарида Кат (Шахабос-Али) қалъаси ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади (Гедройц, 1882, 95-бет).

Геодезиячи В.Лобачевскийнинг харитасида Қизилқалъа, Симота, Қоракўл сингари тарихий-археологик ёдгорликлар белгилаб берилган (Лобачевский, 1912 й).

Инглиз шарқшуноси Гуи-Лестрэнжнинг 1930 йил Кембридж шаҳрида (Англия) чоп этилган “Земли стран Восточного халифата”, яъни “Халифаликнинг шарқ мамлакатларида ерлари” асарининг бир бобида жанубий Орол минтақаси халқларининг ўрта асрлардаги тарихига оид маълумотлар учрайди. Муаллиф мазкур асарни ёзишда ўрта асрлардаги араб-форс қўллэзма манбаларидан самарали фойдаланган. Ушбу китобга илова этилган харитада Кат қалъаси ҳам кўрсатилган. Етмишинчи йилларда археолог Л.Жукова бизга ўрта асрлардаги Кат қалъаси минораси расмини тақдим этган эди. Сўнгги аниқлашлар натижасида мазкур фотосуратни 1899 йилда юртимизга ташриф буюрган М.Н.Чернышевский тасвирга олгани маълум бўлди.

Машҳур рус социал-демократ ёзувчиси Н.Г.Чернышевскийнинг ўғли М.Н.Чернышевский 1899

йилда “Александр-Гай-Чоржов” темир йўлни куриш учун ташкил этилган экспедиция таркибида қатнашган. У Каспий дengизининг шарқий қирғоидаги “Александровский” портидан Чоржовгача ўтказиладиган темир йўл шахоб-часини кўздан кечириш жараёнида ўзининг кўрган-кечиргандарини кундаклик дафтарига қайд қилиб борган (Жукова, Левтеева, 1973, 75-83-бетлар).

**Айнан шу даврларда Катга ташриф буюрган Глуховский қалъани ўрта асрларда форс-араб саёҳатчи-географлари қўллаган ном билан атайди, Кат қалъаси Амударёнинг ўнг қирғоида, ҳозирги Шайх Аббос Валий зиёратгоҳи яқинида жойлашганлигини ёзди.**

XX асрнинг бошида ўлкамизга ташриф буюрган А.И.Герасимовский “Қизил қалъа” тўғрисида маҳаллий аҳоли берган маълумотларга таяниб ёзди: “Гуль-Ситундан (Гулдурсун) 30 верст шимолда, тоғда “Қизил қалъа” кўргони жойлашган, у Гуль-Ситундан (Гулдурсин) ҳам катта” (Герасимовский, 1909, 973-бет).

В.Лобачевскийнинг 1912 йилда чоп этилган “Военно-статистическое описание Туркестанского округа Хивинского района” китобига илова қилинган харитада, Амударёнинг ўнг пастки қисмida геологик тадқиқотлар олиб борган А.Д.Архангельскийнинг харитасида ҳам Беруний туманидаги “Қизил қалъа” ёдгорлиги қайд этилган (Архангельский, 1931, 74-бет ва харита).

XX аср бошларидаги тупроқшунос Н.Димо, В.Никитин ва Л.Ножкинлар томонидан Амударёнинг ўнг соҳилида қадимда ўзлаштирилиб, кейинчалик асрлар давомида сувсизликдан хувиллаб қолган ерларни қайтадан ўзлаштириш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди. Иш жараёнида улар мазкур минтақада мавжуд бўлган бир-неча қалъалар ҳақида ҳам маълумотлар ёзиб қолдиришган. Жумладан, тупроқшунослар “Қизил қалъа” ва “Ақчахонқалъа” тўғрисида батафсил ахборот берганлар.

А.Димо “Ақчахон қалъа”ни қўйидагича тасвирлайди: “Юқорида айтилган “Қизил қалъа”, “Норинжон қалъа”, “Қирқиз қалъа” ва бошқа қалъаларга нисбатан солиштирганда, “Ақчахонқалъа” ўзининг катталиги билан ажралиб туради” (Димо, 1913, 48-бет).

XX аср бошида бир қатор тадқиқотчилар Беруний тумани, жумладан Султон Увайс тоғида бўлишиб, илмий изланишлар олиб борганлар. В.Сусанин ва Шкапскийлар “Туркестанский крупок любителей археологии” деб номланувчи қадимги ёдгорликларни ўрганувчи илмий тўғарак аъзолари бўлишган. Улар 1904 йилда ёзган ўз мактубларида Султон Вайс бобо масжиди ва хонақосини тасвирлаб беришган. Ҳарбий зобит Алексеев 1874 йил Султон Вайс бобо мақбараси тўғрисида рисола ёзди, мазкур китобда айрим ёдгорликларнинг расмлари ҳам илова этилган (ИГАУ УзССР, Фонд 71, Опись 1, дело 19, лист 16).

М.Е.Массоннинг 1936 йил чоп этилган мақоласида Беруний туманидаги “Истамас” кўлининг (ҳозир бу кўл йўқ бўлиб кетган) суви тортилиши натижасида XIX аср охирларида у ердан топилган ажойиб ҳазина ҳақида сўз юритилади: “Ўттиз бешинчи йилда Шайх Аббос Валий қалъаси шимолидаги кўл сувининг камайиши натижасида бронзадан ишланган йигирмата турли хил буюм ва ашёлар топилган. П.А.Благовещенский ва профессор Бунцеттеллиларнинг сўзларига қараганда, бу ҳазина Туркистон генерал губернаторлиги Амударё бўлими идорасига топширилган ва шу бўлим музейига кўйилган” (Массон, 1936, 89-бет).

Айрим даракларга қараганда, мазкур ҳазинани ўша йилларда губернаторликнинг Амударё бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Иванов деган шахс Санкт-Петербургга олиб кетган. Ҳазинанинг кейинги тақдири тўғрисида бошқа маълумотларга эга эмасмиз. Чунки юқорида биз таъкидлаган мақолада топилган ашёлар номи қайд этилмаган. Шунга қараганда, ҳазинадаги нарсаларнинг номлари М.Б.Массонга ҳам маълум бўлмаган кўринади...

XX асрнинг 30-йилларида ўлкамиз, шу жумладан Амударё ўнг қирғои қадимги сугориш зонасида мавжуд археологик ёдгорликлар билан биринчилардан бўлиб, машхур ўзбек қадимшуноси, шарқшунос, академик Я.Ғуломов шуғуллана бошлади. Мазкур ҳудуддаги кўплаган қадимий ёдгорликлар Я.Ғуломов томонидан очилиб, тадқиқ қилинди. У Хоразм воҳасининг неолит, бронза ва илк феодализм даврига оид жуда муҳим илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

**Я.Ғуломов Беруний туманидаги қатор археологик ёдгорликларни биринчи марта топиб, харитага туширди. Булар Беруний билан “Сарабий” оралиғидаги “Саркоп қалъа”, катта ва кичик “Симота”, “Қоракўл қалъа”, “Тупроққалъа” ва бошқа қалъалардир (Я.Ғуломов, 1959, 116-бет).**

Юқорида номлари кўрсатилган беш ёдгорлиқдан айримлари бутунлай йўқолиб кетган бўлса, катта ва кичик Симота ёдгорликлари тепалик шаклида ҳозиргача сакланиб турибди. Уларнинг пайдо бўлиш санасини академик Я.Ғуломов эрамизнинг IV-V асрлари деб белгилаган ва қалъалардаги ҳаёт VII-VIII асрларда тўхтаган деган хуносага келган. Демак, бу қалъалардаги ҳаётнинг таназзулга юз тутишини араблар истилоси билан боғлаш мумкин.

Я.Ғуломов Хоразмнинг қадимий сугориш иншоотлари устидаги илмий изланишлар олиб бориш асносида ҳозирги Беруний туманидаги ёдгорликларни ўрганишда ўрта аср араб-форс қўллэзма манбаларидан ҳам самарали фойдаланган. Олим нафақат Хоразм сугориш иншоотлари, балки ўлканинг қадимги замонлардаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий аҳволини ҳам ўз мақолаларида кенгдан ёритган.

Кат масаласига келсак, академик Я.Ғуломов Хоразмнинг олдинги пойтахтини Амударёнинг ўнг томонидан излашни тавсия қилган. 1937 йилда профессор С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик экспедицияси таркибида Шоббоз туманига

келган А.И.Тереножкин Катнинг мудофаа деворларини, Шайх Аббос Валий, Кечирмас бобо мақбараларини кўздан кечириб, бу иншоотлар XVIII асрнинг охири, XX асрнинг бошларида курилган деган хulosани илгари сурган. (Тереножкин, 1940, 165-169-бетлар).

С.П.Толстов Кат тарихини тадқиқ қилишда ўрта аср қўлёзма манбалари ҳамда XIX асрда яшаб, ижод эттан шарқшунос-олимлар П.Лерх, Н.Веселовский, Э.Захау асарларидан фойдаланган (Толстов, 1948, яна шу муаллиф 1948, 1962).

“Қизил қалъа” 1937 йилда С.П.Толстов томонидан ўрганилган бўлиб, у ердан топилган сопол идишлар синиқлари асосида Хоразм тарихи уч даврга бўлинниб талқин этилади: Бизнинг эрамизнинг

1. I-IV асрлари (Кушонлар даври);
2. IV-VIII асрлар (Афригийлар даври);
3. XII-XIII асрлар (Хоразмшоҳлар даври); (Толстов, 1948, 168-бет).

1940 йил меъмор В.А.Лавров “Қизил қалъа”да меъморий ўлчовлар ўтказиб, унинг схематик планини чизгач, мазкур иншоот сўнгги кушонлар ва кушон-афригийлар даврига оид деган хulosага келинган. (Лавров, 1950, 27, 34, 62-бетлар).

1956 йил Хоразм археология-этнография экспедицияси илмий ходими, тарих фанлари доктори Б.В.Андианов томонидан “Тошхирмон” мавзесида археологик-топографик тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада мазкур мавzedаги “Қозоқлиётган” (“Ақчахон қалъа” Г.Х., Қ.Ш.) ва “Тошхирмон” ёдгорликлари, “Тошхирмон канали” қолдиқлари харитага олинди. Б.В.Андианов “Тошхирмон канали”да архайка, эрта кангюй ва кушон даврларига тегишли куполчилик буюмлари бўлакларини аниқлаган. У “Қозоқлиётган” – Ақчахон қалъани мелод бошида курилган деган хulosага келган (Андианов, 1969, 135-бет).

1981-1985-1986 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими қадимшуноси Ф.Хўжаниёзов Беру-

ний туманидаги антик даврга оид ёдгорликларда тадқиқот ишлари олиб борди. Улар қаторига “Қизил қалъа”, “Ақчахон қалъа”, “Тошхирмон” каби ёдгорликлар киради.

1995 йилдан эътиборан “Қорақалпоғистон-Австралия” халқаро эспедицияси “Ақчахон қалъа”да археологик қазиш ишларини бошлади. Юқорида қайд этилган ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотларнинг дастлабки натижалари:

### **БЕРУНИЙ ТУМАНИДАГИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРИКЛАР**

#### **“Қамишли” 1, 2 манзиллари**

1-“Қамишли” қадимий аҳоли манзили Ақчадарё ирмогидан 300-400 метр узоқлиқдаги тақирилнидан иборат бўлиб, у кум остида қолиб кетган. Бу манзилдан мелоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг биринчи ярмига тегишли иккита катта идиш, ўчоқ ўрни, чақмоқ тошдан ишланган камон ўқи учи ва бошқа машиий қуроллар топилган.

2-“Қамишли” 1-“Қамишли”дан 300 метр жануби-шарқда жойлашган бўлиб, ундан топилган идишлар юқорида таъкидлаб ўтилган сопол идишлар туркумига мансуб, ҳар иккала макон ҳам мелоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг биринчи ярмига тегишли.

#### **“Қамишли” 3 ва 4 манзиллари**

3-“Қамишли” манзили 2-“Қамишли” худудидан 20,5 км жанубда жойлашган. Топилган сопол идишлар бу макон мелоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг биринчи ярмига тегишли эканлигини кўрсатади.

4-“Қамишли” манзили эса, 3-“Қамишли” худудидан 13 км жануби-шарқда, баланд кум барханлари

ёнидаги тақирилнидан топилди. У ердан олинган сопол идишларнинг парчалари солишириб кўрилганда, 3-“Қамишли” даврига тўғри келди.

#### **“Қамишли” 5, 6, 7 манзиллари**

Бу манзиллар “Қамишли” худудидан 6-6,5 км ғарби-жанубда жойлашган бўлиб, у ердан топилган сопол идишлар бўлаклари, тош қуроллар мелоддан олдинги икки мингинчи йилларнинг биринчи ярмига мансуб.

#### **“Қамишли” 8 манзили**

“Қамишли” худудидан 6,5 км шимолдаги шамол эсиши оқибатида юзаси кумдан тозаланиб, очилиб қолган тақирилнидан топилган бу қадимий аҳоли манзилидаги макон 80x50 ҳажмида бўлиб, у ердан сопол идиш синиқларидан бошқа ўчоқ тошлари, оқ чақмоқ тошдан ишланган пичоқсимон пластинкалар топилди. Улар мелоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг биринчи ярмига мансуб.




#### **“Қамишли” 9 ва 10 манзиллари**

“Қамишли” 9-10 манзиллари бронза даври кўчманчи чорвадорларига тегишли вақтингчалик макон-жой бўлиб, у ерлардан топилган маданий қатламлар бу ерда чорвадор, ярим кўчманчи аҳоли истиқомат қилганини кўрсатади. Бу ерда қўним топган аҳоли эрта баҳордан то кеч кузгача мол боқиб, яловларда юрган, факат қиши фаслидагина чайлада яшаган. Бу фикрни ўша жойнинг ташқи кўриниши ҳам тасдиқлаб турибди. У ердан топилган сопол идишлар бўлаклари мелоддан аввалги икки мингинчи йилнинг биринчи ярмига мансуб.

#### **“Чимбой 2” манзили**

“Чимбой 2” манзили “Қамишли” худудидан 9-10 км жануби-ғарбда

Кат қалъаси қолдиқлари ва минораси



жойлашган. Бу ердан донни майдалайдиган тош, ишлов берилгандар тошлар ва тозабоёп сопол идишларининг нисбатан кейинги даврларига оид турлари топилган. Маданий қатламларни ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, бу манзилда истиқомат қилганлар ярим ўтрок аҳоли бўлиб, чорвачиликдан ташқари дехқончилик билан ҳам шуғулланганлар.

#### “Чагир 1” манзили

“Қамишли” ҳудудидан 10-11 км шимолда жойлашган бу маконнинг ҳажми 150x70 метр бўлиб, топилган сопол синиклари ва дон майдалагич тошлар мелоддан аввалги икки мингинчи йилнинг иккинчи ярмига мансубдир.

#### “Чимбой 1” манзили

Чўл шамоллари қумларни учирб кетиши таъсирида очилган бу макон “Қамишли” ҳудудидан 8-5 км жануби-ғарбда, баланд қум барханлари ғарбий ёнбағрида жойлашган. Бу ердаги аҳоли яшаган манзиллар иккита бўлиб, бирбиридан унча баланд бўлмаган девор билан иҳоталанган. Манзилдаги уйларнинг ҳажми 50x70, 30x40 м, улар тақир саҳнидан ярим метр баландликка қурилган.

У ердан топилган биринчи сопол идишнинг сирти (лаценная) қизғиши

«Аёзқалъа» тепалиги

рангда, иккинчиси эса қум рангida бўлиб, бундай идишлар шимолий “Тагискен” қабристонидан ҳам топилган эди. У мелоддан олдинги XVIII асрларда ишланган сополлар гуруҳига мансублиги билан эътиборимизни тортди. Мазкур манзилдан 80-90 метр шимоли-ғарбда икки қанотли (лопалный) ингичка парли ўқ ёйнинг учи топилган. Бундай ўқ ёй пайконлари шимолий Тагискенда ҳам топилган бўлиб, даврийлиги X-XIII асрларга бориб тақалади.

#### “Элибой 1-2” манзиллари

Элибой манзили “Қамишли” ҳудудидан 6-7 км шимоли-ғарбда эшма қумлар четидаги тақирлиқда жойлашган. Ҳажми 100x45 м бўлган “Элибой-1” маконидан топилган сопол идишлари синиклари жуда майда бўлиб, сирти ўта силлиқ қилиб ишланган.

Ҳажми 150x65 бўлган “Элибой-2” манзилидаги сопол идишлар яхши сақланган. У ердаги ўчоқ ёнидан оғиз томони ерга қаратиб кўмилган бутун сопол идиш, шунингдек кўп миқдордаги кварцит тошлари, ўчоқ қуришда ишлатиладиган тошлар, кулолчилик иши пайтида ортиб қоладиган шлак парчалари топилди.

Бронза даврига мансуб бу уйхонадон қолдиқлари ва у ердан топилган уй-рўзгор ашёлари Беруний тумани ҳудудида ўша даврларда ярим кўчманчи чорвадорлар

истиқомат қилишганини исботлайди. Демак, мелоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг биринчи ярмида Беруний тумани ҳудудида яшаган бу қабилаларнинг асосий касби чорвачилик бўлиб, ўша даврларда аҳоли эндиғина дехқончилик билан шуғулдана бошлаган. Мелоддан аввалги икки мингинчи йилнинг иккинчи ярмида эса аҳоли дехқончилик соҳасини тўла ўзлаштирган, чорвачилик билан йилнинг баҳор, ёз ва куз ойларида шуғулланишган. Бизнинг фаразимизча, айнан шу даврда чорвачилик билан дехқончилик алоҳида тармоқ бўлиб шаклланган. Бу даврга оид хусусиятлар илмий адабиётларда “Тозабоёп маданияти” деган ном билан машҳурдир.


“Чимбой 1”, “Элибой 1” ва 2 манзилларини макон тутган қабилалар дехқончилик билан шуғулланганларни боис темир асбоб-ускуналар билан яхши таниш бўлишган. Бу давр фанда “Амиробод маданияти” деб аталади.

#### АҚЧАХОН ҚАЛЪА

Ақчахон қалъа антик даврнинг энг қадимги ва ноёб иншоотларидан бири бўлиб, маҳаллий аҳоли уни “Қозоқли ётган” номи билан ҳам атайди.

Мазкур ёдгорлик Беруний тумани “Озод” овул фуқаролар йигинининг шимоли-шарқий қисмидаги баланд кўчма қум тепаликлари үртасида жойлашган. Қалъанинг шарқ тарафи кумликлар, шимолий тарафи антик даврларга мансуб экин майдонлари ва аҳоли яшаб ўтган кулбалар қолдиқларидан иборат бўлиб, фақат аҳоли манзилларининг ўзи 3-4 километргача чўзилган. Жануб қисмидаги эса 1,5 километрдан кейин ҳозирги давр экинзорлари бошланиб кетади. Ғарб қисмини 1 километрлик кўчма қум тепаликлиги тўсиб турибди.

Ақчахон қалъа ўз меъморий бичимига кўра тўғри тўрт бурчак шаклига эга ташқи ва ички қалъалардан иборат. Ҳар бир қалъа алоҳида ҳимоя деворлари билан уралган. Улар бир-бирига ўзаро



дарвазалар орқали боғланади.

Ташқи қалъанинг умумий кўлами 47 гектарни ташкил этади. Ҳимоя девори икки қатор қилиб ишланган, ҳар икки девор орасидан ўқчилар (камончилик) учун махсус даҳлиз (коридор) ўтказилган. Кўргон пойдевори бир ярим метр баландлиқда яхши пишистилган лойдан ётқизилган. Асосий ҳимоя девори эса, ҳозирги саккиз фишти бир жойга ётқизиб терганда пайдо бўладиган ҳажмдаги улкан фиштлардан қурилган. Кўргоннинг ташқи деворлари бўйлаб камон ўқлари етадиган оралиқда буржлар (тўпхоналар) қурилган. Тўсатдан қилинадиган ташқи хужумлардан ҳимояланиш мақсадида, девор остидан узун ва чукур хандақ қазилган ҳамда улар сув билан тўлдирилган. Ана шу зовурнинг деворга ёндош қирғонига ҳам пастқам ҳимоя девори тикланган.

Қалъанинг жануби-ғарбий деворлари баланд ва қалин кўчма кумлар остида қолиб кетганилиги боис ҳозирча ташқи қалъа дарвазаси жойлашган ўрин топилмади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ички қалъа ҳимоясига ташқи қалъага нисбатан ҳам жиiddий эътибор берилган. Ички қалъанинг ҳар тарафидан ўн икки буржли тўпхоналари бор қисмлари танлаб олиниб, текшириб қурилганда, уларнинг икки қавати яхши сақлангани маълум бўлди. Аслида бу ҳимоя деворлари уч қават қилиб қурилган. Ҳар қават деворларининг ичидан камончи-ўқчи аскарлар учун узун даҳлиз (коридор) ўтказилган, биринчи қават ҳам, шунингдек иккинчиси ҳам ёғоч устунлар билан бостирилган, энг тепадаги учинчи қават тепасигина очиқ қолдирилган. Бутун девор бўйлаб ҳар бир ярим метрдан учала қаватда ҳам камончи-ўқчиларга мўлжаллаб тешиклар ишланган. Биринчи қаватда тўқиз юзга яқин ўқ отадиган тешиклар, яъни шинаклар мавжуд. Агар жами қаватлардаги тешикларни тахминан бир ярим метр оралиқда деб ҳисоблаб чиқилганда, бундай тешиклар сони икки минг етти юзни ташкил этади. Демак, қалъа ҳимоясида икки минг етти юз ка-

мончи-мерганлар қатнашган.

Қалъанинг жануби-шарқи ва жануби-ғарбидаги деворлари ўртасида жойлашган дарвазаларнинг ҳар бири алоҳида қўшимча деворлар билан қуршлиб, душман учун бу ерда ҳам қўшимча тўсиқ яратилган. Ички қалъа деворлари тагидан бутун девор бўйлаб қалъанинг гир атрофи чукур зовур билан ўралган. Хуллас, олтита ҳимоя тўсигини енгib ўтолган душмангина, ички қалъага киришга муваффақ бўлган. Мана шу маълумотларнинг ўзиёқ ички қалъанинг аҳамияти, тутган ўрни, қандай мақсадга хизмат қилгани ҳақида баъзи бир муҳим холосаларни чиқаришга асос бўлади.

Ҳозир ички қалъанинг антик даврга мансуб девор ва биноларидан тўрттасининг харобалари эшма қумлар орасидан кўриниб туради. Қалъанинг қок ўртасидаги бино ўзининг жойлашув ўрни ва ҳозирга қадар сақланиш дарражасига қараганда алоҳида аҳамиятга эга иншоот эканлигини пайқамаслик мумкин эмас. Жуда баланд асос устига қурилган ушбу марказий бинога қалъанинг қиблла-кун ботиш дарвазаси томонидан эни олти, узунлиги ўттиз метрлик қия йўл – пандусдан юриб чиқилган. Кейин арк усулида қурилган дарвоза орқали узунлиги беш метрча келадиган даҳлиздан юриб, очиқ майдонга ўтилган. Ҳажми 28x16 метр бўлган майдонча ўз даврида қароргоҳ бўлиб, унинг усти шийпон усулида ёғоч тўсинлар билан бостирилган, тўсинларни ёғоч устунлар кўтариб турган. Бинонинг пастки қаватлари ҳали тўла қазиб очилмаганлиги боис у ерда

қадимшуносарни қандай топилмалар кутаётганлиги ҳақида ҳозирча бирон нарса дейиш қийин. Лекин бу иншоот қалъанинг барча бинолари ва деворларидан баландда, қок марказда жойлашганини иnobatga олсак, унинг шоҳ саройи ёки ибодатхона вазифасини ўтаганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ички қалъанинг кун ботиш ва шимол бурчакларида марказий бинодан ташқари яна иккита курилиш иншооти учрайди. Улардан биринчисининг майдони ҳажми 100x80 метр, иккинчисиники 60x55 метр бўлиб, ҳар бири алоҳида девор билан ўралган.

Ақчахон қалъанинг шимол қисмида ғарбдан шарққа қарай чўзилган девор қолдиклари сақланиб қолган. Қалъа девори билан иншоот деворлари қолдиклари орасидаги оралиқ масофа 60-90 метрни ташкил этади. Қарияларнинг айтишларига қараганда, мазкур девор Нукус-Тўрткўл гузар йўли яқинидаги «Қора тепа»дан то Тошхирмон ёдгорлигигача чўзилган бўлган. Маҳаллий аҳоли уни эски темир йўл қолдиклари бўлса керак, деб фараз қилишган.

Археологик қазилмалар натижасида мазкур девор қалъа билан бир вақтда тиклангани маълум бўлди. Бизнинг фикримизча, мазкур девор душман йўлидаги биринчи тўсиқ вазифасини ўтаган. Деворнинг эни 3 метр, баландлиги 5-6 метрга яқин бўлган. Қадимшуносар бу деворни жанубий Орол бўйидаги энг қадимги девор деб ҳисоблашмоқда.

(давоми бор)

Ақчахон қалъанинг ҳимоя деворлари





Рассом: А. Абдурахмонов

# АЖИНИЁЗ ВА ҚИЗ МЕНГЕШ АЙТИШУВИ

*Қоракалпоқ мұмтоз адабиётидан*



**МЕНГЕШ:**  
– Ыланни айтолмагай ҳеч ким мендай,  
Хар сүзни күзлаб отгум камонгардай,  
Ичда сақлаш ўланни ризқ бўларми,  
Айт деганда айт-да ноз қилабермай.

Ўланни мендан бошқа ўланчилар,  
Тўсатдан бошлолмагай сўз қидирмай,  
Халқ олдида ўланни мен айтаман,  
Ҳаяжонсиз, янгишмай, ўйлаб турмай.

Эр киши бирла аёл жир айтганда,  
Куйлайолмас ўланни жўшиб мендай,  
Бу ердан туриб кетсан, хато бўлар,  
Сизларга шўх ўланлар айтуб бермай...  
Қизишсам ўланингни еб ташлайман,  
Ёз боқиб, кузда сўйилган семиз сурдай.

Ҳожака, айтуб ўлан ҳоридингми,  
Ёки сен ёшинг ўтиб, қаридингми?  
Қизиман Бектурсуннинг, отим Менгеш,  
Ҳожака ўзи мени танидингми?!

**АЖИНИЁЗ:**  
– Мен ўзим ўлан айтиб ҳоримадим,  
Бир армоним – овулингга доримадим<sup>1</sup>.  
Қозоқда Менгеш-да кўп, Дамеш-да кўп,  
Аввалда кўрмаган сўнг танимадим...

**МЕНГЕШ:**  
– Ҳожака, бултур мени кўрмадингми,  
Қиз Менгеш эканимни билмадингми?  
Қайтганда Орол ёқдан бир бола билан,  
Хузуримга сув бўйида келмадингми?

**АЖИНИЁЗ:**  
– Юзинг иссиқ туюлди бир кўргандай,  
Айтишиб куни туни бир юргандай,  
Бултурги сув бўйида ўтирган қиз  
сенмидинг синик ўркач, чол ингандай?..

**МЕНГЕШ:**  
– Остимга минган отим сур қоракер,  
Шўрғалаб сурқорадан оқади тер,  
Муллалар саломлашиш «суннат» дейди,  
Ҳожака, кўришайлик, қўлингни бер!

**АЖИНИЁЗ:**  
– Қўришсанг, ташла қўлни, ҳай қиз бола,  
Ёшингни узоқ қилсин Оллотаоло,  
Бултурги сув бўйидаги Менгеш бўлсанг,  
Юрибсанми омон-соғ сен бечора?

<sup>1</sup> Д о р и м о қ – бормоқ маъносида.

**МЕНГЕШ:**

– Юрибман омон-эсон, ўйнаб-кулиб,  
Тўйларда ўлан айтиб, даврон суриб,  
Ой бориб, соғ-саломат қайтдингми сен,  
Ота-онанг, оғайин, юрting кўриб?

**АЖИНИЁЗ:**

– Мен келдим қариндош-у, юртим кўриб,  
Отам билан онамга салом бериб,  
Не қилсанг энди ўзинг бил оқ Менгеш,  
Қўлингга бир оқ шунқор қўнди келиб!

**МЕНГЕШ:**

– Эгнингга кийган тўнинг қизил бўлсин,  
Ҳожака, умр йўлинг узун бўлсин,  
Энди сендан йўл бўлсин сўз сўрайлик,  
Келибсан тўйхонага, йўлинг бўлсин?

**АЖИНИЁЗ:**

– Эшитдим сен ҳақда у “Бол қиммат” деб,  
Келганман бир кўришга қандай «зот» деб,  
Қўймади ўз ҳолимга мулла Қўжбан,  
Қаршисида оқ Менгешнинг ўлан айт, деб.

**МЕНГЕШ:**

– Мен ўзим қизил тилда юртдан ўзган,  
Келдингми, енгаман деб, эсдан озган?!  
Ётиб қолган жойингдан судраб олиб,  
Келтирдими ўлан айт деб мулла Қўжбан?

**АЖИНИЁЗ:**

– Айтишувга олиб келди мирзо Қўжбан,  
Менинг-да, қиз кўринса, орқам қўзган...  
Келганда саҳар чоги томошам кўр,  
Хафа бўлиб қолмагин сендан ўзсам!

**МЕНГЕШ:**

– Ўланда ўзган бўлсанг, мен-да ўзган,  
Қўрганда ўланчини орқам қўзган,  
Сулайиб оқ ўтовда ётиб эдинг,  
Келдингми енгаман деб, эсдан озган?

**АЖИНИЁЗ:**

– Сен-да ўзсанг ўланда, мен-да ўзган,  
Қўрганда ўланчини орқам қўзган,  
Не десанг-да айтавер қиз оқ Менгеш,  
Шайтоним сесканмайди сендай қиздан!...

**МЕНГЕШ:**

– Ўланда сен-да ўзсанг, мен-да ўзган,  
Қўрганда ўланчини орқам қўзган,  
Айтишсанг, ҳечқиси йўқ, мен енгаман,  
Кимса йўқ кичик жузда енган сўздан.

**АЖИНИЁЗ:**

– Ўланда сен-да ўзсанг, мен-да ўзган,  
Авайлаб чоп байталингни эсдан озган!

Байталинг бор бўйига қамчилама,  
Қайдা бор ўзи байтал, отдан ўзган?

**МЕНГЕШ:**

– Байталим айғир отдан ўзиб юрган,  
Донғим бор қозоқ элин кезиб юрган,  
Байталим югроклиги юртга маълум,  
Пойгада совринларни сузиб юрган.

Байталим бедовлардан ўзиб юрган,  
Мол билмас бу байтални отга берган,  
Оқинман қир-далани кезиб юрган,  
Бу отим ҳайит, тўйда синчи кўрган.

Ёз фасли сармаст бўлиб оқар Ёйик,  
Ўрислар шу Ёйикка солар қайик,  
Истасанг бадсўз ўлан, сингайдирсан,  
Ҳожака, яхши ўлан айтишайлик!

**АЖИНИЁЗ:**

– Мен ўзим ўлан бошқа айтолмайман,  
Ўланни бирор айтса, қайтолмайман,  
Жўн ўланни қийин айт ёки айтма,  
Оқ Менгеш қиз ортингдан мен қолмайман!

**МЕНГЕШ:**

– Огулимнинг оқсоқоли Қосим, Тосим,  
Бизларни сўраб борар тенг-қурдошим,  
Келбатинг хонтўрадек келишгандир,  
Йилинг айт сен, Ҳожака, неча ёшинг?

**АЖИНИЁЗ:**

– Тўй бўлса қизил тўнни киярмисан,  
Ўтига ошикликнинг куярмисан?  
Мучалим кўй, ёшим қирқ, қиз ой Менгеш,  
Сен менга ёшим сўраб тегармисан?

**МЕНГЕШ:**

– Ҳожака, ёшинг қирқда, Йилинг қўйдир,  
Дунёнинг шодлиги ҳам ҳайит, тўйдир,  
Мен сенга тегар эдим ростдир сўзим,  
Бирорга ота-онам бериб қўйди...

**АЖИНИЁЗ:**

– Не қилсан бермай сени жон бўлмаса,  
Ичишга айрон, емакка нон бўлмаса,  
Момо Ҳаво давридан қолган урф бу,  
Қийналма текканинг гар чол бўлмаса...

**МЕНГЕШ:**

– Сур қора сув ичади, ем бермайман,  
Минаман қишин-ёзин дам бермайман,  
Чол десанг-да Бекишим ўзимга ёш,  
Мен уни бўзийгитдан кам кўрмайман...

**АЖИНИЁЗ:**

– Оқ Менгеш,манов турган ёрингдан-эй,  
Қўрк берган кўксингдаги норингдан-эй,

Не дердинг, иложинг йўқ ёрим демай,  
Чол бўлса-да эрингнинг боридан-эй,  
Муносиб оқбўз уйга келин экансан,  
Ўлгани қуёвингни шўрингдан-эй,  
Сени олган анови Бекиш бўлса,  
Тунда эр, кундуз бўлган қулингдан-эй,  
Чол бўлса-да, барибир кутлуғ бўлсин,  
Қилтиллаб зўрға турган бунингдан-эй!

#### МЕНГЕШ:

– Элингдан сен қозоққа не деб елдинг,  
Юқоридан, пастидан не гап билдинг?  
Уволи гарданингта оқ янгамни,  
Ёлғиз ташлаб, қозоққа нега келдинг?

#### АЖИНИЁЗ:

– Элимдан мен қозоққа мол деб келдим,  
Юқоридан ва пастидан ҳар гап билдим,  
Ўзингдай қўли очиқ, сахий қиздан,  
Ялтироқ санг-санг пўстин сўраб келдим.

#### МЕНГЕШ:

– Ялтироқ йўқ, бор сенга олсанг, латта,  
Ялтироқ ўзимизга етмас ҳатто...  
Омон борсанг, болангга тўн қиласан,  
Берайнин тери-пери, ол, албатта!

#### АЖИНИЁЗ:

– Олайин мен терингни сен берсанг мут<sup>1</sup>,  
Бермасанг, кетар деб у қилма умид,  
Сўраганда бермаган ялтирингни,  
Берасан келса ўрис, нўғай, манғит.

#### МЕНГЕШ:

– Ҳожака, қайт элингга, йиғолсанг мол,  
Бормасанг, янгачамиз бўлар увол,  
Ўрисга бор ялтирим, лек сенга йўқ,  
Қорнингга пичоқ ур-да, ёрилақол!

#### АЖИНИЁЗ:

– Бир Аллоҳдин бошқа йўқ суюнганим,  
Худойим ёрлақасин шу тилагим,  
Отамнинг қўйган оти-Ҳожаниёз,  
Ургум қорақалпоқ, шу суюгим.

#### МЕНГЕШ:

– Қалпоқ бўлсанг, қардошсан, ёт бўлмасанг,  
Соқолингга оқ инган чол бўлмасанг,  
Қўлинг ёйиб бизлардан бир тила-чи,  
Ушбу онда Ҳожака лол бўлмасанг?

#### АЖИНИЁЗ:

– Мен тиларман, ҳалиям сен бермассан,  
Бизларни мусоифир деб кўзга илмассан,  
Камина олис юртнинг одами эдим,  
Оқ Менгеш, қадримни сен ҳеч билмассан...

#### МЕНГЕШ:

– Сен менга кел дединг-у, келмадимми?  
Ҳали мен қадрингни ҳеч билмадимми?  
Ҳожака, ўзи мендан не тиладинг,  
Мен сенга тиладинг-да, бермадимми?

Не тотли бу дунёда, тотлидир туз,  
Биларлар Менгеш деса, кичик, улкан юз,  
Ҳожака сендан мен бир сўз сўрайман,  
Биз каби борми элингда чиройли қиз?

#### АЖИНИЁЗ:

– Сендуран қизлар ичра кўзи ўйноқ,  
Бемисл сулув қизлар Устюорт, Ўйда,  
Сен кўрмаган сулув кўп бизнинг элда,  
Ҳеч қайсиси чўтирмас, эмас сўйлок,  
Қозоқда оқсоқ, чўлоқ кўп бўларми?  
Бир нечасин кўрдим шу тўйдаёқ,  
Насиб этса борсанг бизнинг элга,  
Тагингга нортуяни миниб яйдок,  
Сепсиз мени олгин дея ялинсанг-да,  
Тўқолликка олар, бироқ олмас бўйдоқ.

#### МЕНГЕШ:

– Эрта тонгда-саҳарда эл кўчади,  
Кўчган пайтда одамнинг кўнгли ўсади,  
Ҳожака, сендан мен бир сўз сўрайин,  
Қизларингиз нима ер, не ичади?

#### АЖИНИЁЗ:

– Егани ёғлик палов, ичарлар чой,  
Чой ичиб, палов еса, кўнгиллар жой,  
Кўлида чинни пиёла, чинни чойнак,  
Ичарлар қандли чойни дейиб “Бай-бай!”  
Қизлари бизнинг элнинг ана шундай,  
Қозоққа бултур келдим, бу йил келдим,  
Мен ҳали ҳеч кўрмадим қизни ундей.

#### МЕНГЕШ:

– Кўч пайти қизларингиз нима минар,  
Ҳайит, тўйда қизларингиз нима кияр?  
Қорақалпоқ деган ҳам юрт бормиди,  
Бундай юрт борлигини кимлар билар?

#### АЖИНИЁЗ:

– Йигити бизнинг элнинг бўлар ғўчкоқ,  
Белида тилла камар, белда пичоқ,  
Бизнинг юрт йигитлари сайдра чиқар,  
Шимининг почалари ипак сачоқ,  
Мингани аргумоқ от, оқкуш бўйин  
Белида минган отин оқ бошли эгар,  
Бошинда олтин юган, қўш сийнабанд,  
Кўйлагининг попуги қулоқ-кучоқ,  
Қуйруғидан ўтказилган олтин губба,  
Ёли билан кокилида маржон мунчоқ,  
“Қорақалпоқ ҳалқми?” деб валақлайсан,  
Юртдан устун отанг сени бойми шундоқ?  
Эгнингда арзигулик кийиминг йўқ,  
Ўрнинг йўқ мақтанишга, ҳолинг маълум,

<sup>1</sup> М у т – текин.

Оқ Менгеш, ҳайтни-да қўй, тўйни-да қўй,  
Сенинг ишинг аслида қозон-ўчоқ!  
Қарағай, қайнин оғоч терак эмас,  
Элингга кўп бор келдим, сийрак эмас,  
Оқ Менгеш, айт, ўланинг қўйганингми?  
Жавобга сўз тополмай қолганингми?  
Юртдан ўзган югрук деб эшитгандим,  
Мен билан жағ ёришиб бўлганингми?  
Оқ Менгеш, бултурги йил кўрмадингми,  
Боя сен мен енгаман, демадингми,  
Айтишиб сув бўйида менинг билан,  
Ўшанда зўригимни билмадингми?

#### МЕНГЕШ:

– Тўшак сол уйга бориб сен ғанимат,  
Ўзингни отлангунча тарбият эт,  
Бўлмаса гар шошилинч ишинг сенинг,  
Ҳожака, оқ ўтовда дам олиб кет.

#### АЖИНИЁЗ:

– Оқ Менгеш, кетмагайман, кўндирамасанг,  
Қўнгимдир кўрпа ёпиб, тўнгидирмасанг,  
Менга кўрпа ёпди деб кувонмайман,  
Меҳмон деб бир қўзини сўйдирмасанг.

#### МЕНГЕШ:

– Ҳожака, кетсанг қайтиб келмасмисан,  
Бизларда қўзи йўқдир, билмасмисан?  
Семизгина қўй ҳам йўқ, қўчкорда йўқ,  
Совлиқ сўйсам агарда еярмисан?..

#### АЖИНИЁЗ:

– Кел десанг, келмай Менгеш не қиласман,  
Тўйдаги айтишувинг соғинаман,  
Емайман деб айтмайман насибани,  
Бироқ сал совлиқ деган номи ёмон.

#### МЕНГЕШ:

– Мол топсанг, кирай солиб Бухорга бор,  
Хоримас кирайга олсанг бир туқан нор,  
Ҳожака, қўзи есанг, мен сўяйин,  
Хасталанган сариқдан қўзим тайёр.

#### АЖИНИЁЗ:

– Мен кўрай деб келгандим оқ юзингни,  
Умид уздим эшитгач, бу сўзингни,  
От терлатиб мен сени сўраб келдим,  
Мени десанг сўй, Менгеш, соғ қўзингни.

#### МЕНГЕШ:

– Ҳожака, эт емайсан, кўнглинг тўқдир,  
Сўйишга сенга хеч соғ қўзим йўқдир,  
Уйимда кеч туғилган бир қўзим бор,  
Суяги қотиб, семириб, эр етган йўқдир.

#### АЖИНИЁЗ:

– Семириб, эр етибида қўзинг сенинг,  
Кўрмасми эр етганин қўзинг сенинг?  
Тўшига шу қўзининг кўл тўлгудек,  
Сўймайсан қўзинг қиймай ўзинг сенинг.

#### МЕНГЕШ:

– Бу қўзини сўй дема мени десанг,  
Сен еярсан бу қўзини қайтиб келсанг,  
Аввали совлиқ этига бир тўйиб ол,  
Учинарсан<sup>1</sup> қўзи гўштин бирдан есанг.

#### АЖИНИЁЗ:

– Оқ Менгеш, мол сеники, не десанг ҳам,  
Келмайман ҳеч уйингта бундан кетсам,  
Учинсам уч ётгач, тузаларман,  
Ўзингдек ёши ўтганга даволатсам...

#### МЕНГЕШ:

– Куз бўлиб, мезон тушса, қайтар кийик,  
Мерганлар кийик овлар чўқай<sup>2</sup> кийиб,  
Ҳожака, соғ қўзимни типирлатиб,  
Нетиб сўяй, ўзинг айт, қўзим қийиб?

#### АЖИНИЁЗ:

– Куз бўлиб, мезон тушса, қайтар кийик,  
Мерганлар кийик овлар чўқай кийиб,  
Ўзинг сўй ва Ҳожаканг дуосин ол,  
Бўлмаса, еб кетарман ўғирлаб сўйиб.

#### МЕНГЕШ:

– Ҳожака, обдон тилинг синди сенинг,  
Назаринг бу қўзимга сингди сенинг,  
Қўзим сўйиб дуонгни мен олайин,  
Назаринг қайтмасин-да энди сенинг.

#### АЖИНИЁЗ:

– Кам эмассан қизил тилда Шерниёздан,  
Сўзингга ошиқдирман ола ёздан,  
Олтиндек ҳайдаркокил ўғил туғарсан,  
Қўзинг сўйиб фотиҳа олсанг Ҳожиниёздан.

#### МЕНГЕШ:

– Сўяман қўзим сен-чун, розилик бер,  
Ҳожакам кўп деганда бир сонин ер,  
Жони Худо йўлига, гўшти сенга,  
Қўлим ёйдим, Ҳожака, фотиҳанг бер?

#### АЖИНИЁЗ:

– Оқ Менгеш, тўлғоқ тортсанг, эгиз бўлсин,  
Топганинг бириси ул, бири қиз бўлсин,  
Қўйдай қўзила, қуёндай эгиз-эгиз,  
Тўрт йилда туқан боланг саккиз бўлсин!

Ўн йилда ўтов ичи улга тўлсин,  
Эржонинг Бекиши билан кўша қариб,  
Давлатинг йилдан, Менгеш, йилга тўлсин,  
Ўзингнинг умр йўлинг узун бўлсин...

Қорақалпоқчадан  
Ал-Даруний таржимаси

<sup>1</sup> У ч и н м о қ – овқатдан заҳарланиш маъносида.

<sup>2</sup> Ч ў қ а й – овчиларнинг ов пайтида киядиган маҳсус бош кийими.

**Ушбу мақола таниқли  
олим, филология фанлари  
номзоди, «Бобур» номидаги  
халқаро мукофот совриндори,  
навоийшунос Ваҳоб  
Раҳмоновнинг ва тарих  
фанлари номзоди, Тошкент  
давлат Шарқшунослик  
институти ҳузуридаги Абу  
Райхон Беруний номли Шарқ  
қўлёзмалари маркази катта  
илмий ходими Ҳамидуллоҳ  
Аминовнинг тавсияларига  
биноан эълон қилинмоқда.**

**Бо номи он ки нури жисму жон аст ,  
Худои ошкору ниҳон аст.**

(Фаридиiddin Attor.  
“Мантикут Тайр”)

Таниқли замондошимиз, медицина фанлари доктори, профессор, психотерапевт Владимир Леви ўзининг “Мен ва биз, гипнозчининг икрори” китобида ёзади: “Ҳар қандай одамнинг миясига ҳар қандай фикр, хаёл келиши мумкин. Ва бундан кўрқиш керак эмас – бизнинг миямизнинг ишлаш механизми табиий равишда шундай тузилган”. Ҳар биримиз бу сўзларни ўқиб қувониб кетамиз: “Қандай яхши, мен бўлса, ўзимни бироз “савдойироқ” деб юрган эдим, маълум бўлишича, бу одатий, меъёрдаги жараён экан!” Ажойиб мутахассисга ташаккур! У каминага вақтида ёрдам берди, қолаверса бу китобни фақат биз ўқиб чиқмагандирмиз ахир? Шундай деб ўйлашимизга қарамасдан, барибир бу тасаллилар бизни тўлик қаноатлантира олмади.

Кўпдан буён қийнаб келаётган ғайришуурий ўйларнинг барчаси гуноҳ эмаслигига ишонтира оладиган ва қалбимизни поклай оладиган тоғдек мустаҳкам, улуғвор диний бир Пир, улкан Даҳо даркор эди бизга. Буларнинг барчасига диний баҳо керак эди...

Ўша чигал муаммога дунёда биттагина жавоб, буюк Навоийнинг жавобидан ўзга тўғри ҳикматни билмаймиз:

# Алифбэи

(қушлар

Журнал варзиши

“Зотнинг ижмолига тафсилсен,  
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.

Ўз вужудунгга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен ўзунгдан истагил”.

*Насрий баёни:* “Сен ўзинг Зотнинг мухтасар тафсилисан ҳамда борлиқ мушкуларини тушуниб етувчисан! Шунинг учун ўз вужудингга тафаккур қилиб, нимани истамоқчи бўлсанг, фақат ўзингдан истагил!”

[1]

“Лисонут-тайр” достони “Қушлар бозори” тасвири билан бошланади:

“Жамъ ўлуб бир кун гулистон қушлари,  
Бешау баҳру биёбон қушлари.  
Борча бу манзилда мажмъа туздилар,  
Ҳар бир ўз хайлу сафин кўргуздилар.  
Ким муҳаббат бирла тузгайлар наво,  
Чун тугонса базм, тутқойлар ҳаво.  
Ўлтутурда чунки ойин йўқ эди,  
Ҳар бирининг ўрни таъйин йўқ эди.  
Юқори ўлтурди тўтидин калоф  
Булбулу кумридин ул янглиғки зоғ.  
Ход сунғурдин бийик тутти мақом,  
Юртачи товус уза қилди хиром.  
Чун хунарвар узра чиқди бехунар,  
Тоздин қолди қуйироқ тожвар.  
Хайли ашроф эттилар зоҳир низоъ,  
Қилмади ул сўзга арзол истимоъ.  
Тушти қушлар ичра ғавғо ҳар тараф,  
Можаро бирла муҳоко ҳар тараф.  
Бир-биридин ўтмади ул можаро,  
Ҳар дам ошти можаро ул хайл аро.  
Бўлдилар муҳтоҷ охир ул гурух,  
Ким агар бўлса шаҳи соҳибшукҳ.  
Ҳокими инсофлиғ донодиле,  
Хуш ойин шахриёри одиле,  
Етмагай аднодин аълоға шикаст,  
Бўлмағай ашраф аҳас оллинда паст.  
Ҳар гуруҳ эрди ўзига чун азиз,  
Истади борча шаҳи соҳибтамиз.

# ТАЙР алифбоси)

Йўқлиғидин зору маҳзун бўлдилар,  
Ҳар бири ўз ҳолига мағбун бўлдилар.  
Яъс оҳангин тузуб тортиб навид  
Бўлдилар шаҳдин саросар ноумид.  
Бу таабдин ҳар бири кўнглида тоб,  
Ним бисмил қушдек айлаб изтироб”.

Насрий баёни: “Бир кун гулистан, ўрмон, денгиз ва биёбон қушлари ҳар бири ўз гуруҳи билан бир ерга жам бўлиб, мажлис туздилар. Улар муҳаббат билан наво тузиб, базм тугагач, осмонга парвоз қилмоқчи эдилар.

Аммо бу йиғинда улардан ҳеч қайсининг тайин бир ўрни йўқ эди. Ўтиришда тартиб бўлмагани учун Калоф (олақарға) Тўтидан, Зоғ (гўнгўнкарға) эса Булбул ва Қумрилардан юқорироқда ўтироди. Ход(калхат) Шунқордан тўрга чиқди. Юртакчи (ўлаксахўр бир қуш) эса Товусни ҳам назар-писанд қилмай юқорига ўтиб кетди. Ҳунарликлар ўрнини беҳунарлар эгаллади. Тожсиз қушлар тўрга чиқиб олишиди, тождор қушлар эса пойгоҳда қолишиди.

Ниҳоят, пойгоҳдагилар низо чиқардилар, тўрдагилар эса уларнинг сўзларига қулоқ осмадилар. Натижада қушлар орасида гавғот-тўполон кўтарилди, улар содир бўлган аҳволни можаролаша-можаролаша қизгин муҳокама қила бошладилар. Вақт ўтган сари бу можаро тобора ошиб борди.

Оҳир-оқибат улар шундай бир шоҳга муҳтож бўлдиларки, у шоҳ инсофли ва диёнатли, яхши тартиб ўрната оладиган ва адолатли бўлсин. Токи унинг давлати соясида



Алибек АБДУРАҲМОНОВ

пастдан аълого шикаст етмасин, юқори табақадагилар эса ўрта табақалар олдида хор бўлмасин. Ҳар бир қуш гуруҳи ўзига азиз бўлгани ҳолда, ҳамма бир тамизли, ақлли ва доно шоҳ бўлишини истади.

Аммо бундай одил шоҳ улар орасида йўқ эди. Шунинг учун ҳам қушлар зору маҳзун бўлиб, ҳар бири ўзининг ёмон ҳолидан афсус чекмоққа киришиди. Улардан мотам оҳанглари эшишила бошлади. Бундай шоҳ топилмаслигидан уларнинг барчаси ноумид бўлдилар. Бу ҳодиса улар қалбида оғир из қолдирди. Улар чала сўйилган қуш каби изтироб чека бошладилар”.

Европача маълумот ва таълимга эга бўлган, Эзопдан тортиб Крыловгача бўлган “ушбу қиссадан ҳисса шуки” тарзидаги масаллар руҳида тарбияланган одам “қушлар бозори”да ижтимоий муаммоларни кўриб, номуносиб одамлар “ёғли жойлар”да ўрнашиб олган, арзийдиган, муносиб одамлар нолойик жойларда хору-зор бўлиб, муҳтожлиқда ҳаёт кечирмоқда, деган фикрга боришлари тайин. **Ва достон охиридагина “қушлар бозори” бир шахснинг моҳияти эканлигини холоса қилиши мумкин.** Ҳар бир қуш ўз хусусияти,

**Калит сўзлар:** ботиний уйғунлик, қушлар тили, қушлар бозори, Симурғ.

**Резюме:** Ушбу мақолада буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достони бутунлай янгича ёндашув билан таҳлил қилинади.

**Резюме:** В данной статье совершенно новым взгляdom исследуется поэма великого Алишера Навои “Лисонут-тайр”.

**Resume:** This article gives us unique information that we can learn about the great poem “Lisan ut-Tair” of “Great Alisher Navoi” in a new conception.

табиатига эга эканлигини айтиб эътиroz билдириш мумкин – битта шахс шу даражада ҳар хиллик касб этиши мумкинмиカン? Бир замонлар бир одам машҳур сўфий Абу Язид ал-Бўстонийнинг эшигини тақиллатди ва: “Абу Язидни қаердан топсам бўлади?” – деб сўради. “Мен ҳам уни қирқ йилдан бўён излайман, лекин ҳалигача ҳам топа олмадим!” – деб жавоб берди Абу Язид.

“Куш бозори” – инсон ички оламининг серқирра олмоси бўлиб, унинг ҳар бир қирраси бир шахснинг турфа сифатини англатади: одамийлик, яхшилик, ёмонлик, ичиқоралик, ғазаб, манманлик, шафқатсизлик, худбинлик ва ҳ.к. Ўзи билан ўзи курашаётган тирик вужудга эга бўлган бу олмосда тегишли ҳокимият – тафаккур ва рух ҳукмронлиги ўрнатилмаганлиги туфайли тубан, фоний дунё кучлари, разилликлар ўзлари нолойик бўлган жойни ишғол қилиб олганлар. “Кушлар издиҳоми!” **Шовқин-сурон, бетартибли!** **Инсон ички олами зиддиятларига бунданда яхшироқ мажозий ўхшатиш бормикан?** **Инсоннинг – биргина шахснинг?** Шундай вақт келадики, Навоийнинг ўзи бу қушларни бир бутун қилиб бирлаштиради. Гапнинг ўрни келганда ҳеч кимни аяб ўтирумайдиган рус ҳалқи бундай одамни “Бошида подшоси йўқ” (без царя в голове) дея таърифлаган. Галадаги бу бетартиблар қушларнинг бундан кейин ҳам ҳаёт шу тарзда давом қилиши мумкин эмаслиги, қонун ва тартиб бўлиши лозимлиги, ва ниҳоят, уни ўрнатадиган ҳукмдор кераклигини эътироф қилгунларигача давом қилади. Ҳудхуд пайдо бўлади ва “бу телбавор гала”да тартиб ўрнатишга қодир бўлган қушлар шоҳи – Симурғнинг даргоҳига учиб боришни таклиф қилади:

**“Шуҳрати Симурғ ила оғоқ аро,  
Зоти мамлӯ ҷарҳи олий тоқ аро.**

**Сиз тушуб ул шоҳдин беҳад баид,  
Ул ёқинроқ сизга мин ҳиблул варид.**

**Ҳар киши бўлса тирик ондин йироқ,  
Ул тириклиқдин ўлум кўб яхшироқ”.**

Насрий баёни: “Бутун оламда у Симурғ номи билан шуҳрат топган, зоти эса бу олий ва ягона осмон пештоқи аро тўп-тўлиқдир. Сиз у шоҳдан бениҳоя узоқдасиз, аммо у сизга бўйин томирингиздан ҳам яқинроқдир. Ҳар

киши тирик бўла туриб, ундан йироқда бўлса, бу тириклиқдан ўлим кўп яхшироқдур!”

Симурғ деганда Ҳудо назарда тутилаёт-ғанлигини тушуниб олмоқ учун Қуръондаги Оллоҳи Таоло ўзини бизга бўйин томиридан ҳам яқинроқ эканлигини айтган оятни билиш шарт эмас. Мана шу иккита асос, иккита чизик – Ҳудони излаш ва ўз-ўзидағи уйғунликни ахтариш қўшғояси бутун асар бўйлаб ёнмаён ўтади. Аввалига биз тушуна олмадик, гап бу ерда нима ҳақида: Ҳудони исташ ҳақидами ёки уйғунликни? Достон охиридагина бу иккита асосий ғоя яхлит бўлиб бирлашади. Бу қанчалик уятли ҳол бўлмасин, биз “Кимки ўзини англаб етган бўлса, у Яратган Эгасини танибди” деган ҳадисни ўз вақтида эслай олмадик. Ички уйғунликка эришиш биз учун мақсад бўлса, сўфийлар учун у “ишқ” – Оллоҳга бўлган олий муҳаббат орқали бу дунёда Яратганга мумкин қадар яқинлашиш воситасидир, шу туфайли ҳам достонда бу борада яширин ҳақиқатлар ҳам бор. Биз достоннинг ҳар бир мисраси, ҳар бир бобини тадқиқ қилиш ниятидан йироқмиз, чунки бунга қодир ҳам эмасмиз, достоннинг “жавоҳирлар”и сақланбаётган жойларигагина ўз фикримизни билдиримоқчимиз. Достоннинг асосий бобидаги, қушлар ўз мақсадларига етишадиган водийдаги бош ғояни тасдиқлайдиган бир неча қисмни келтирамиз. Бу бобдаги бизга ошкор бўлган нарсани баён қиласиз. Ахир достоннинг ўқ илдизи, асосий “гавҳар”и мана шу бир неча мисра бўлиб, уларга Навоий алоҳида дикқат қаратади, бу шундай мисраларки, уларда ички уйғунликка эришиш калити сақланади...

Ўз саёҳатларининг мақсади бўлган асосий водийга етиб келгач, қушлар ҳар бир гулда худди кўзгудаги каби ўз тасвирларини кўрадилар. Навоий, бу шундай ҳолатки, худди кўзгуга ёки сув юзасига қарайсану, нигоҳинг билан бутун борлиқни қамраб ўз аксингни кўрасан, деб аниқлик киритади бу ҳолга. Ва...

**“Қўрдилар ўзни қаёнким тушти кўз,  
Оллоҳ-оллоҳ не ажойибдур бу сўз.**

**Ким қилиб ўттиз қушни ҳавас,  
Ўзларин кўрдилар ул си мурғу бас.**

**Мунда зоҳир бўлди сирри “ман араф”,  
Ким кўрубтур гавҳар ўлмоғлиғ садаф”[2].**

Насрий баёни: “Аммо улар қаёққа қарасалар ўзларини күрдилар. Оллох-оллох! Бу қандай ажойиб сўзки, Симурғни орзу қилган ўттизиста куш ўзларини ўша Си-мурғ сифатида күрдилар! Бунда худди садаф гавҳарга айлангани каби “ман араф” сири зоҳир бўлди”.

“Кушлар бозори” кўплаб, ҳар хил одамларнинг эмас, балки бир инсоннинг ички дунёси деган эдик. Муаллиф Симурғ ва си – мурғ (ўттиз куш) сўзларида форсча сўз ўйини қиплади. Мана Навоийнинг ўзи ҳам барча қушларни бир бутун қушга – Си-мурғ га бирлаштириди. Асл нусхада қайси сир ошкор бўлганлиги аниқ айтилиб турибди – “Ман араф” ҳадисининг сири.

Бу “Ким ўзини таниса Парвардигорини танийди” ҳадисининг биринчи сўзларидир. Фояси мураккаб эмас: инсон ўзида Худони акс эттиради. Бошқа бир нарсани тушуниш мушкулроқ. Ахир Си-мурғ да (“қуш бозори”да) ҳар хил қуш фасодлари ҳам бор-ку! Бундан келиб чиқкан ҳолда қандай қилиб инсон Худони акс эттириши мумкин? Ахир Си-мурғдан биронта ҳам қушни олиб ташлаш мумкин эмас. Гап шундаки, одам ўз Парвардигорини “ҳар хил фасодлар” билан биргалиқда эмас, унинг аслида, моҳиятидабор бўлган бунопокликларга қарамасдан, қалбни кўзгу каби тиниқ қиласидаган руҳи ва имони билан акс эттиради. Биз имон келтирганларнинг ҳақиқий, ички “мен”и ҳам худди мана шудир. “Лисонут-тайр”дан олган билимларимиз ёрдамида бу нарсани англаш биз учун қийинчлилек түғрилигига амин бўласиз. Савол туғилади: инсон шунчалик покизами? Навоий бу саволни ечиш учун ишга киришади. Бир неча сатрлардан кейин асосий сатрлар бошланади:

“Ким қилиб меърожи ваҳдатқа гузар,  
Ли ма олло сирридин бергай хабар”.

Асарнинг ўзини ўқиб биламизки, бу ерда русча матнагидек қандайдир “сирлар” эмас, балки аниқ “Ли ма олло” нинг сири – яъни Худо билан қалбан доимо бирга бўлиш сири ҳақида гапирилмоқда. Парвардигорнинг поклиги, бегардлигини кўрсатар экан, Навоий инсон поклигининг сирини очади, қайсики, олдиндан айтиб қўйгани – одамнинг ўз Яратган Эгасини акслантиришини тасдиқлайди. Мана шу ердан асосий мисраларни охиригача келтирамиз ва таҳлилни бошлашга жазм қиласиз:

“Ким қилиб меърожи ваҳдатқа гузар,  
Ли ма олло сирридин бергай хабар”.

Васл нуридин кўз ул янглиғ ёрур,  
Ким ародин менлику сенлик борур.

Ҳақ вужуди баҳри мавж этқай аён,  
Мавж нақшидин тенгизга не зиён.

Сув вужудидин тенгиз бўлди тенгиз,  
Бўлса ул гар мавжлук, гар мавжсиз,  
Сувдин айру мавжқа йўқтур вужуд,  
Баҳр иладур мавжқа буду набуд”.

Насрий баёни: “Инсон зотида шундай шараф мужассам этилганки, агар у ўзидаги ёмон ахлоқни бартараф этиб, фиръавнликка тақлид этмаса, унда Мусога ўхшаш энг яхши сифатлардан ўзга сифат қолмайди. Ёки шараф ганжига эгалик қилиб, ўзидаги Абу Жаҳллик хислатини йўқотса, Ҳабибуллоҳдек юксак шарафга эришади ҳамда борлик ва йўқликтан огоҳ бўлади. Ваҳдат меърожига чиқиб, поклик сиридан унга хабар етади. Кўзи васл нуридан шундай ёришиб кетадики, бу пайтда орадан “мэнлик” ва “сенлик” йўқолади.

Ҳақ вужуди денгиз мавжларини юзага келтиради. Мавж нақшидан денгизга не зиён етади? Денгиз, хоҳ у мавжли бўлсин, хоҳ мавжсиз, ўзидаги сув билан денгиз саналади. Сувсиз мавж ҳосил бўлмайди. Мавжнинг бору йўқлиги денгизга боғлиқdir”.

**Денгиз – эътиқодли инсон. Эътиқодли инсон моҳияти нимадан ташкил топади? Худога бўлган ишончдан – имондан ташкил топади.** Сиз Оллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ишонасиз. Мана эътиқоднинг моҳияти. Агар эътиқод ўрнига бошқа нарса бўлганида эди, бу энди имон келтирган инсон бўлмасди, худди сув ўрнида майда тошлар бўлганида денгиз эмас, тош-шағал тўла улкан чуқурлик бўлгани каби.

“Ҳақ вужуди баҳри мавж этқай аён,  
Мавж нақшидин тенгизга не зиён”.

Насрий баёни: “Ҳақ вужуди денгиз мавжларини юзага келтиради. Мавж нақшидан денгизга не зиён етади?”

Рус тилидаги таржимада “Суть истины” деб ўгиралган. Асарнинг ўзида “Ҳақ вужуди” дейилмоқда. Ҳақ вужуди... “Ҳақ” сўзининг бу ерда “ҳақиқат” маъносида эмас, “Парвардигор” маъносида келаётганини ҳеч қийинчиликсиз англаб олиш мумкин. “Парвардигор вужуди денгиз мавжларини юзага келтиради”, - деб ҳам ўқиш мумкин, бунинг устига гап Парвардигор поклигининг сири тўғрисида, бундан келиб чиқадики, сўз ўзида Худони акс эттирган одам поклигининг сири ҳақида кетмоқда. “Ҳақ вужуди”(моҳияти) – инсон вужуди (моҳияти). Бу “инсон”, ўзининг фазилатлари ва қусурлари билан мавжуд бўлган, руҳонияти Худодан ва қонида шайтон кезиб юрган, умуман айтганда, Парвардигорнинг хоҳиши ва иродаси билан шундай бунёд бўлган банда. Ва албатта, бундай вужуд – моҳият инсонни жунбушга келтиради (мавж). Тўлқинлар туғёнидан, ҳақиқатда ҳам, денгизга ҳеч қандай зиён етмайди – у денгиз бўлмасдан қолмайди. **Эътиқодли одам, унинг мияси қанчалик ғалати ажабтовор**



**ликларни хаёл қилмасин, айлантирмасин, имонсиз бўлиб қолмайди. Тўлқинлар мавжи – инсон миясининг ғалати фаолияти бўлиб, инсон моҳиятидан келиб чиқади. Бундан бизнинг имон-эътиқодимиз зарар кўрмайди, яъни ҳеч қандай фожеа содир бўлмайди. Денгиз мавж ургани билан денгиз бўлмасдан қолмайди.** Давом қиласиз:

“Сув вужудидин тенгиз бўлди тенгиз” – яъни имонли одам ўзидағи имон туфайли имонли одам бўлади, худди денгиз ўзида сув мавжудлиги туфайли денгиз бўлгани каби.

“Бўлса ул гар мавжлуқ, гар мавжсиз” – бундан келиб чиқадики, эътиқодли инсон хоҳ осуда-тинч ҳолатда бўлсин, хоҳ миясининг ғалати фаолияти боис қалбида зиддиятлар жунбушга келган ҳолатда бўлсин, имонини йўқотмайди.

**“Сувдин айру мавжқа йўқтур вужуд, Баҳр иладур мавжқа буду набуд”.**

**Насрий баёни:** “Сувсиз мавж ҳосил бўлмайди. Мавжнинг бору йўқлиги денгизга боғлиқдир”.

Муқаддас жавҳарга қарши йўналтирилган васвасалар фақатгина мана шу жавҳарга – имонга эга кишилардагина бўлмоғи мумкин. Агар имон бўлмаса қандай қилиб имонга кутку солган васвасалар бўлмоғи мумкин? Яъни, “Сувдин айру мавжқа йўқтур вужуд”. Ҳаттоқи, улар имон белгилариридир деган бўлардим, худди мавж сув мавжудлигининг белгиси бўлгани каби. Бу ҳақда қуидаги ҳадис бор. Ҳадис: “Шахр ибн Ҳаушаб айтди: Мен ва менинг онам томонидан амаким иккаламиз Ойшаникига бордик ва амаким айтди: “Баъзида қалбимизда шундай нарсалар содир бўладики, уларни тилимизга чиқарсан, нариги дунёдан буткул умидимизни узишга тўғри келарди. Агарда у иш ошкор бўлса, бизларни албатта ўлдирган бўлардилар”. Ойша уч марта такбир айтиб деди: “Расулуллоҳдан у ҳақида сўралган эди, ва у айтди: “Кимда шундай ҳолат рўй берса, уч марта такбир айтсин. Бундай ҳолат фақат имони бор инсонда содир бўлади”[3]. Ҳақиқатан ҳам, имон-эътиқоддан буткул мосуво одамнинг қалбига тўғридан-тўғри: “Ўғирла! Ўлдир! Алда!” каби васвасалар ёғдирилади, холос.

**“Мунда гар яхши тахайюл айласанг,  
Ёки иш сиррин тааммул айласанг,**

**Мутаассиф бўлсанг сифотиллоҳ ила,  
Жазм этарсен хотири огоҳ ила.**

**Ким сен – ўқсен ҳарнеким мақсад эрур,  
Сендин ўзга йўқ, неким мавжуд эрур.**

**Зотнинг ижмолига тафсилсен,  
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.**

**Ўз вужудунга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен ўзунгдин истагил.**

**Турфа қушсен равза нахлистонидин,  
Пок тойирсен шараф бўстонидин”.**

***Насрий баёни:***

“Агар сен буни чуқур ўйлаб кўрсанг ёки иш сирларини дикқат билан мулоҳаза қилисанг, оллоҳ сифати билан бирлашиб кетганингда, огоҳ хотиринг билан шу сўзларни айтишига журъят этасан: яъни, яратилган ҳамма нарсадан асосий мақсад ўзингсан! Сендан ташқарида ҳеч нарса мавжуд эмас! Сен ўзинг зотнинг муҳтасар тафсилисан ҳамда борлиқ мушкилларини тушуниб етувчисан! Шунинг учун ўз вужудингга тафаккур қилиб, нимани истамоқчи бўлсанг, фақат ўзингдан истагил! Сен жаннат боғчасидаги ажаб бир гўзал қушсан ва шараф бўстонида покдомонсан”.

Мўъжаз тадқиқимизда давом қиласиз:

**“Сендин ўзга йўқ, неким мавжуд эрур”**

Яъни ўзингдаги ҳар қандай нарсани фақат ўзингяратасан. Дунё бўлса бўм-бўшсаҳна. Мана шу ерда қадимги хитой фалсафасининг асосий қарашларидан бири хотирамга келди: “Сенинг ички дунёнггина ҳақиқийдир. Ташқи олам – хаёлий, у ички дунёнгнинг аксланишидир”, бу қуйидаги иборани эслатади: “Бахтли бўлишни хоҳлайсанми – бўл”. Ҳозир таҳлил қилган мисрамиздан олдин яна битта, жуда муҳим қатор бор эди. Биз уни вақтинчалик таҳлилга тортмай турдик, чунки ташқи оламнинг таржимада муракблаштирилган “бўм-бўшлиги”га ойдинлик киритмай туриб, бир қарашда осондек кўринса ҳам, уни тушунириш мушкул эди:

**“Ким сен – ўқсен ҳар неким мақсад эрур”.**

Инсон ўзига, ўз ички оламига хукмдор эканлигини тушуниб етмоғи лозим, бошқаси

йўқ, мавжуд эмас! Бизнинг қўлимизда ўз оламмиз, ҳаёт, турмуш. Ташқи оламни айблаш ножоиз, булар барчаси беҳуда нарсалар (бўш саҳна маъносида ҳам, “фойдасиз” деган мазмунда ҳам). Инсон – ўқ, у ўзига ўзи мақсадни танлай олади, яъни, кишланлар (беҳуда гуноҳкорлик туйғуси) йўқ бўлар экан, у озоддир.

Борлиқ уқубатлари бизнинг моҳиятимиздандир. Биз энди тўғри йўналишга эга бўлгач, яъни яратилган барча нарсадан мақсад инсон эканлигига имон келтиргач, нимани истамоқчи бўлсак фақат ўзимиздан исташимиз лозимлигини тушуниб етамиз!

Навоий олдиндан бизга гуноҳларимиз ўқклигини тушунтирас ва озодлигимиз ҳамда кучимизни кўрсатар экан, поклигимизга диққат қаратади. Мана мен асосий деган мисраларни ҳам таҳлил қилдик. Бундан кейинги қаторларда ҳам тавсия берувчи ва огоҳлантирувчи қимматли маълумотлар бор. Лекин ҳар нарсанинг ўз вақти бўлади. Ҳозир эса...

**“Лек Симурғ истаган ул жамъи тайр,  
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр –**

**Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,  
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.**

**Сенда ҳам билқувва ул мавжуд эрур,  
Феълга келса даво мақсад эрур.**

**Қобил этмай ўзни гар қил авжи сўз.  
Зоҳир этсанг дор ила солмоқча туз.**

**Кимки бу маънидин огоҳ ўлди бил,  
Ким кесилди онга сўз айтурға тил.**

**Онглоким сўз ўзга, маъни ўзгадур,  
Маъни онгмос, шоғил улким сўзгадур”.**

***Насрий баёни:*** “Лекин Симурғ истаган у қушлар галаси сулук ичра риёзат билан сайр қилиб, бу йўлда ўзларини қобил этдилар ва бу талабдан васл ҳосил қилдилар. Сенда ҳам у имконият тарзида мавжуд бўлиб, агар ёмон феълингни тузатсанг, мақсадга эришасан! Агар бу йўлда ўзингни қобил этмай, пасту баланд сўз айтсанг, дорга осилишинг турган гап.

Кимки бу маънидан огоҳ бўлса, билгилки, бундай сўзларни айтишига тил қисқалик қиласиди. Бундаги сўз ўзгачаю маъно ўзгачадир. Сўз билан машғул киши ундаги маънони англамайди”.

Навоий бу ерда яна бир бора Яратган билан алоқа имон ва эътиқод орқали амалга оширилишини таъкидлайди. Бу мулоқотда сўзларга ўрин йўқ. На сўзлар, на қандайdir турткilar ёки шайтони-лаъиннинг очиқ-ошкора ҳийла-найранглари ҳисобга олинмайди. Банда Яратган Эгамдан бирор аниқ нарса ҳақида сўраши бошқа гап. Лекин бу ерда гап Худо билан доимий, кўринмас боғлиқлик ҳақида, эътиқод ҳақида, бу алоқа ҳеч нарса билан булғаниши мумкин эмаслиги ҳақида бормоқда. Эътиқод ёки бор, ёки у йўқ. Ёки денгиз, ёки шағал тош. Эътиқодни, Ўзига бўлган ишқ билан баробар, Яратган инсондаги энг муқаддас жойга қўяди, қаердаки, миянинг анъанавий белгиларига бу ерда ўрин йўқ! “Яна билиб қўйингизки, Аллоҳ инсон билан унинг дили (ўртаси)да “парда” бўлиб туради ва Унинг (ҳузурига) жамулжам бўлурсиз” (Қуръон. 8:24). Сайд Собиқ “Ислом дунёкараши” китобида ёзади: “Худога бўлган ишонч, эътиқод инсон ва яратган ўртасидаги олий алоқадир. Ахир ердаги энг мукаррам зот – инсон, инсондаги энг қимматли нарса – кўнгил, кўнгилдаги энг қимматбаҳо нарса – эътиқод”[4]. Оллоҳи Таолонинг ўзи ҳам, ундан кейинги билимлар соҳиблари ҳам мияни эътиқод, имон макони сифатида кўрсатмаганлар. Мия – қурилма, Оллоҳ яратган мўъжиза, Яратгани таниш ва ҳаёт йўлини топиш учун керак бўладиган қудратли асбоб. Ва бизнинг бурчимиз – уни ўз вазифасига биноан ишлатишдир. Ички зиддият, мияни Худо буюрган вазифасидан чалғитиш, “турткilar” билан бекор оввора бўлиш – шайтонни шод қилишдан бошқа нарса эмас. Лекин биз бу савдо ҳаётимизни қанчалик заҳарлаши мумкинлигини яхши биламиз.

“Агар бу йўлда ўзингни қобил этмай, пасту баланд сўз айтсанг, дорга осилишинг турган гап” – бу асосий қаторлардан кейин келувчи мисралар бўлиб, улар русча матндан умуман олиб ташланган. “Қобил” сўзи рус тилига “мирный” – “мулойим”, “ювош” деб, янада аникроқ айтсак “покладистый” – “кўнувчан”, “эгилувчан” деб таржима қилинади. **У томондан бу томонга нафис чайқалиб, шамолга бўйинсунгандек бўлиб, аслида эса, бироз эгилган ҳолда шамолнинг забтини синмасдан ўтказиб юбора оладиган нозик, чайир новда бўлмоқ лозим.**

Навоий эгилувчан (эластик) бўлишни маслаҳат беради, бошқача қилиб айтганда, асаб қўзғовчи турткilarга эътибор бермаслик, эгилувчан новда бўлмоқ лозим, чунки миямизнинг бундай қиликлари – бизнинг моҳиятишимиз, табиатимиздир. Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561-1626) шундай дейди: “Табиатга бўйсунуб уни бўйсундирмоқ осонроқдир”. Тўғри келган гапни гапирмоқ, пасту баланд сўз айтмоқ – шайтони лаъиннинг қутқусига учеби билан жангга кирмоқ деганидир. Худо ҳақида, унинг бизга берадиган инояти ва ҳимояси ҳақида унтиб, фақат ўзига, ўзининг аҳмоқона манманлигига, ясама мардлиги – уддабуронлигини кўз-кўз қила олишига ишониб, эгилувчан бўлиш ўрнига ғазабини боса олмасдан шайтонга “зарбалар” ёғдириш нафақат бефойда машғулот, балки хатарли ҳам – баъзида ўзига суиқасд қилишгacha ҳам олиб келиши мумкин. Шайтон билан жангга киришиш – ҳақиқий УРУШ, инсон ўзига ортиқча туюлаётган қисмини, миясидаги “ўсма”ни юлиб ташлашга урина бошлайди (миямизнинг фаолият механизмини-я?), бу инсоннинг моҳиятидир, унинг таркибий қисмларини яна санаб ўтириш шарт эмас деб ўйлайман. Бундай жангчи урушни ўзини осиб ўлдириш билан якунлайди, – огоҳлантиради Навоий.

**“Бўйла маъниким манга бўлди аён,  
Айладим қушлар тили бирла баён,**

**Ким такаллум онда ширкат топмағай,  
Бикри маънининг узорин ёпмағай.  
Куш тилин билган сўзум фаҳм айлагай,  
Фаҳм этардин ҳам басе ваҳм айлагай.**

**Лек зийрак қуш чу билди бу мақол,  
Онглағайким недуру бу сўзда ҳол.**

**Барча сўзлар мушкилидур бу ҳадис,  
Безабонларнинг тилидур бу ҳадис.**

**Шарт буким, онглағон шарҳ этмагай,  
То тилидин бошқа оғат этмагай”.**

**Насрий баёни:** “Менга қандай маъно аён бўлган бўлса, уни қуш тили билан баён қилдим. Айтган сўзларим фақат ўз зоҳирий маъносида тушунилмасин, ундаги чуқур маъноларнинг юзлари ёпилмасин. Бу сўзларимни фақат қуш тилини билганларгина фаҳмлай оладилар. Фаҳмлагач, ундаги мазмундан қаттиқ ваҳимага тушадилар.

*Аммо зийрак қүш бу сүз тагида нималар борлигини дархол англайди. Бу сүз барча сўзлар ичида энг мушкилидир, у тилсиз кишиларнинг тилидир. Шарт шуки, уни англаган киши мабодо ўзгаларга шарҳ қилиб ўтирумасин, чунки тилидан бошига бирор оғат етиши мумкин.*

Қүш тилини тушунганлар ғафлатдагиларнинг онига асосий сирни етказиш (уни батамом “даволаш”) мақсадида оғизга келганини гапиришга ошиқади: «Тушун, бу ҳаммаси ҳеч нарса эмас! Агар, ҳаттоқи, Худонинг ўзи ке-чирсин, миянгга қуидаги нарса келса ҳам: ...» Худди шу кўп нуқта ўрнидаги сўзларнинг ян-грашидан бизни огоҳ қилмоқда Ҳазрат Навоий! Кўриб турганингиздек, мен ҳам эҳтиёткорман – кўп нуқталардан, Навоий лутф қилганидек “безабонлар тили”дан фойдаланяпман.

**“Мен деб истиғфор қилдим, ё илоҳ,  
Ойтмас сўздин санга қилдим паноҳ”**

*Насрий баёни: “Эй илоҳ! Мен бу сўзларни айтиб, сенга тавба қиласман. Айтиб бўлмас сўзларим учун сенинг ўзингдан паноҳ истайман”.*

Изоҳ шарт эмас – бу сўзлар Навоий огоҳлантироқчи бўлган хатар ҳақидаги бизнинг фаразимизни тасдиқлади. Навоийнинг ўзи “қушлартили”ни танлади, ўхшатишлардан фойдаланди, лекин бу мистик билимларни анъанавий тарзда яшириш учун эмас, балки шу билан тенг равишка (ҳатто кўпроқ ҳам бўлиши мумкин) Яратган Эгамдан қўрқани боис, хавфли тушунтиришлардан қочиб “айтиб бўлмайдиган” сўзларни айтмади. Ва Навоий “тилсизлар тили” – қушлар тилидан дохиёна фойдалана билди:

**“Бўйла маъниким манга бўлди аён,  
Айладим қушлар тили бирла баён”.**

Имон, эътиқод қалбда макон топган бўлади. Лекин қалбга гуноҳнинг қора доғлари тушган бўлиши ҳам мумкин. Гоҳида бу доғлар қалбни бутунлай қоплаб олади, ҳатто. Бу ҳол инсон гуноҳга ботса ҳам, ўзининг Яратган Эгаси олдиди тавба қилишни, ахир Оллоҳ кечиргувчи, меҳрибон, ўйлаб ҳам кўрмаган пайтида содир бўлади. Расулимиз с.а.в. айтган эканлар: “Парвардигори олам кундуз куни гуноҳ иш қилганлар тавба-тазарру қилсанлар деб кечаси, тунда гуноҳга ботганлар тавба қилсан учун кундузи

қўлини чўзади”. (Муслим Аҳмад). Худои таоло Куръонни рад қилгувчи бетавфиқлар, “бу ўтган халқлардан қолган эртак!” дегувчиларга қаратади: “Йўқ (ундай эмас)! Балки уларнинг дилларини ўзларининг қилмишлари (гуноҳлари) қоплаб олгандир”(Куръон. 83: 14). Яъни уларнинг қалби шу даражада қорайиб кетганки, ростни ёлғондан ажратади олмай қолганлар. Куръон тафсиричилари ёзадилар: “Ар-ран” – бу гуноҳ устига гуноҳ қилишdir, шундай қилиб қалб қорайиб кетади”. Пайғамбаримизнинг с.а.в. ҳадисида шундай дейилган: “Қачонки банда қандайдир гуноҳ қилса, унинг қалбиди кичкина қора доғ қолади. Агар у гуноҳ ишлардан ўзини тийса ва Оллоҳдан кечиришини сўраса, тавба қилса, доғ йўқолиб кетади. Агар у гуноҳ қилишда давом этса, бу доғ каттаяди ва бутун қалбини қоплаб олади”. (Ат-Термизий). Мана шундай ҳолатларда, яъни доғлар доғ эмас, балки бутун қалбни, юракни қоплаб олган вақтда “человек погубил свою душу – инсон ўз қалбини ўлдирди” деб айтсалар керак. Бундай ҳолат инсоний моҳиятдан айро тушганда, қора кучларга, эҳтиросларга, ҳайвоний инстинктларга доимий равища берилганда содир бўлади. Қора доғлар қалбни шайтоннинг васвасаси оқибатида ҳам қоплаб олиши мумкин, лекин биз айбни бутунлай унга юклай олмаймиз. Ахир бу ўзимизни бошқара оладиган ҳудудда содир бўлди-ку! Оллоҳ дейдиларки: “Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди. Унинг касб этгани (яхшилиги) – ўзига ва орттиргани (ёмонлиги) ҳам ўзигадир”(Куръон. 2: 286). Бу жавобгарлик маълум бир ҳатти-ҳаракатлар оқибатида кела-диган соҳадир, ва уларнинг баъзилари яширин, яъни гуноҳкорнинг ўзи ва барча ишлардан огоҳ Оллоҳ таологина биладиган равища кечади. Парвардигори олам қуидаги огоҳлантирувчи сўзларни айтганлар: “Ичингиздаги нарсани ошкора қилсангиз ёки яширангиз ҳам, Аллоҳ сизларни у билан ҳисоб-китоб қилур. Сўнgra ўзи хоҳлаган кишини мағфират қилиб, ўзи хоҳлаган кишини азоблар. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир”(Куръон. 2: 284). Яширин гуноҳларга қуидагилар киради: бегуноҳ инсондан гумон қилиш, ҳасад, сенга ёмон бўлгани учун ёки изтироб чекканинг боис, кулфат четлаб ўтган яқинингга ёмонлик тилаш, онгли равища аёлларга ҳирс билан назар солиш кабилар. Биз бекорга “онгли равища” сўзларини ишлатганимиз йўқ. Шайтоннинг қутқуси билан

бўлсин, ёки нафсдан бўлсин, ихтиёрсиз равишда содир бўлган ҳодисага биз жавобгар эмасмиз. Нафснинг ўзи гуноҳ эмас (ейишичиш, ухлаш гуноҳ бўлмагани каби). Фожеа биз ўз нафсимизнинг қулига айланганимизда, ёки барча қилмишларимизни шайтонга ағдариб (ҳақиқатан ҳам айнан у сабабчи бўлиши ҳам мумкин) унинг ногорасига ўйнаганимизда бошланади. Кўпчилик эса бутунлай йўлдан озади, ички бетартиблика, бошбошдоқликка бемалол йўл қўйиб беради, ва ички турткиларга эътибор бермаслик ўрнига, уларни онг остининг барча пучмоқларидан тутиб чиқадилар (хоҳ улар ислом диншунослигида “васваса” деб аталувчи шайтоний қутқулар туфайли бўлсин, хоҳ “хаважис” деб аталувчи ўз нафснинг талаби билан бўлсин), ва онгли равишда улардан хузурланадилар – бемалол буни шайтонга тўнкаш мумкин ахир! Навоий, албатта, бу муҳим жиҳатни ҳам назардан қочирмаган, достоннинг асосий бобигача бўлган қисмида ўқувчининг онгини уқишига тайёрлаб очик, парда билан яширилмаган матн орқали ўргата бориб, бир ривоят келтирган: бир талаба пир олдига келиб, кундалик турмушда ҳам жонидан тўйдирган, ибодат қилишига ҳам доимий равишда халақит бериб келаётган лаъиннинг ҳийла-найрангларидан шикоят қилибди. Шундда пир талабага ундан олдин шайтон келиб кетганлигини, устозга шу қадар гуноҳга ботган, ахлоқсиз, хаёлларининг бузуқлиги бобида шайтонга ҳам дарс бера оладиган, олдида ўша шайтон ҳам бегуноҳ норасидага айланиб қоладиган шогирдни тарбиялаб етиштиргани учун ташаккур билдирганини айтибди. Асосий сатрлар баён қилинган бобдан сўнг келган ривоятлар бошқа кўплаб ривоятлар каби достоннинг жавҳари бўлган ҳақиқатни тасдиқлайди. Шу жумладан энг йирик қисса – шайх Санон қиссаси ҳам. Нима учун Навоий бу қиссага шунчалик кўп саҳифа бағишилади? Ахир достонда яна бошқа кўплаб теран мазмунли, ҳажман кичик бўлишига қарамасдан ғоялар янгилиги билан дикқатни тортувчи ҳикоятлар кам эмас. Лекин мана шу энг катта ҳикоят бизнинг фикратимизга маълум йўналиш берувчи, онгимизни асосий ғояга тайёрловчи баланд бир маёқ эмасми? Шайх Санон қандай қилмишлар содир қилмасин, қанчалик ғазабга сазовор, даҳриёна ишларни амалга оширмасин – юрагидаги муҳаббати билан шунчалик улуғвор ва муқаддас бўлиб қолаверади. Сўфийлар асар-

ларида маъшуқага бўлган эҳтирос ортида нима яширинганини билиш учун катта мутахассис бўлиш шарт эмас.

Шайхнинг барча курақда турмайдиган ишлари васвасанинг рамзий тимсоли холос! “Мантиқ ут-тайр”да Фаридиддин Аттор бунга жуда аниқ изоҳлаб беради: “Сен бу иш фақат шайх Санон бошига тушган деб гумондасан. Лекин бу хатар ҳар бир киши ичидан бор. У ҳар замон бошини чиқариб, одам боласини безовта этади. Агар сен ўзингдаги чўчқадан огоҳ бўлмасанг, тариқат йўлига кирган солих эмассан, мени маъзур тут. Эй мард, агар тариқатга қадам қўймоқчи экансан, бу йўлдаги бутлар, чўчқалар каби минг турли балолардан қўрқма” [5].

Шайх Санон миямизнинг қилмишларини ва ҳатто шу қиликлар оқибатида ҳам доф тушмаган, қалбимизда мусаффолигича турган имон, эътиқодимизни эслатмайдими? “Лисонуттайр”да яширинган ҳақиқатни таний олмаган мўмин банда (агар Худодан узоқлашиб кетиб ўз жонига қасд қилиб қўймаса), шайх Санон каби юзлаб укубатларни кечириб, белгилangan муддатгача амаллаб ўз моҳиятини судраб юриши мумкин, ва худди шайх Санон каби ҳеч нарсани йўқотмайди – Эгасининг шафоати билан жаннатга сазовор бўлади. Фақат жаннатнинг қаеридадир, осойишта бир гўшасида ўтириб энтиқиб кетади, сокин табассум қилади ва ўзига ўзи дейди: “Оҳ... ахир мен у ҳаётимни ҳам бахтли яшамоғим мумкин эди...” “Мантиқуттайр”да яширинган ҳақиқатни болалигидан англай олган, бунинг устига ғайриоддий искеъдод соҳиби бўлган одам нималарга қодир эканлигини буюк даҳо – ҳазрат Навоийнинг ҳаёти кўрсатиб турибди. Аввал айтганимиздек, “Ҳар кимнинг миясига ҳар нарса келиши мумкин...” дея ёзган эди В.Леви. Ногаҳоний хаёллар – инсон моҳиятида бор. Улар йўқолмайди. Сизнинг уларга бўлган, ўзингизга бўлган муносабатингиз ўзгаради. Ногаҳоний деб аташимнинг сабаби наинки уларнинг қисқалигида, балки қанчалик тўсатдан пайдо бўлишида ҳамдир. Муддатига қараб улар ҳар хил бўлиши мумкин. Улар сузувлар ёки аниқ (сўзларда, образлар, илоҳиётга қарши мантиқан “ишончли” хулосаларда) ва кўпинча жуда, жуда ҳам “чапани” бўлади. (Навоийда “куш тили”, мен жаргондан фойдаланишимга тўғри келади). Шунча вақтдан буён ўзига хос фаолиятда бўлган миянгиз бир сонияда қайта курилиб қолмайди.

Соннинг (миянгизга сингиб бораётган янги нүктаи назар билан, янги ҳолатда ўтказаётган кунлар, ойларингизнинг сони) сифатга айланниши учун вақт керак. Сон эса, албатта, сифатга айланади. Ва бу сифат сизники бўлади, ахир юонон файласуфи Синесий айтганидек: “Ақл, ўзи учун исботланган деб ҳисоблайдиган ҳақиқатларидан ҳеч қачон воз кечмайди”. Ҳамиша ёдда тутиңг: ногаҳоний вассасалар бутунлай, тамомила йўқолмайдилар, ахир – “бу хом сут эмган банда”..

Вассасанинг бутунлай, тамомила йўқолиши фақат жаннатда содир бўлади, меҳрибон ва кечиргувчи Оллоҳнинг Ўзи у маконни тадқиқот муаллифи ва ўқувчисига насиб айлагай. Сиз умримизнинг охирги кунларигача Аллоҳнинг рухсати билан бизнинг кўксимиизга вассаса солиш ҳукуқига эга бўлган лаъинни ёддан чиқарманг. “Сиртмоқ”ни ёддан чиқарманг. Биз бу билан нима демоқчимиз? .. Абу Али ибн Синонинг “Қушлар” рисоласида ҳам шу манзара кузатилади: баланд-баланд қанот қоқкан қушлар етти водий устидан учиб ўтадилар ва уларни Улуғ Шоҳ (инсон эришиши мумкин бўлган ботиний уйғунликнинг энг олий даражаси) кутиб олади. Бу рисоланинг бошида қондошлари томонидан қафасдан озод этилган қуш: “Оёқларим-чи?! Нега менинг оёқларимни тузоқ сиртмоғининг қолдиқларидан ҳалос қилмадингиз?” дейди. “Агар мумкин бўлганда эди, – жавоб бердилар озод қушлар, – биз ўзимизнинг сиртмоқларимиздан ҳалос бўлардик. Оёқларимиздаги сиртмоқ қолдиқларини кўрмаяпсанми?” Ва саёҳатнинг охирида Улуғ Шоҳ (парвознинг олий чегараси) хомуш тортиб деди: “Сизга тузоқни кўйган Зотнинг Ўзидан бошқа ҳеч ким сизни сиртмоқлардан озод қилолмайди”[6]. Ҳаттоқи Нажмиддин Кубро ичida “кофир” борлигига ва ҳеч қачон бу дев мусулмон бўлмаслигига иқор бўлади:

**“Бир дев бор ичимда асти пинҳон бўлмас,  
Бошини эгмак анинг осон бўлмас,  
Иймон не эканин минг англатсам ҳам,  
Кофир у ашаддий, ҳеч мусулмон бўлмас”.**

Буни “Валитарош” – пирлар тарбиячиси Нажмиддин Кубро айтятти. “Лисонут-тайр”да унинг бир нигоҳидан ҳатто итдек жонивор муқаддаслик касб этганлиги ҳикояси келтирилган Кубро шундай демоқда. “Хидоят” журналида шайтоннинг вассасалари ҳақидаги кичкина бир мақолани учратиб қолдим. Унда



мисол қилиб кўзгу келтирилади... Ва сўралади: “Кўзгудаги илон акси кимгадир зиён етказмоғи мумкинми, ёки кўзгудаги нопокликлар тасвирiga тегинган одамни бу тасвирлар булғай оладими? Ҳамда шундай жавоб берилади: “Албатта йўқ! Худди шунингдек имонимиз, қалбимизда нафрат уйфотаётган ўй-фирклар ҳам бизга ҳеч қандай зарар етказа олмайди”. Яъни: “Мавж нақшидин тенгизга не зиён”.

Энди билимлар қалбингизга маҳкам урнашди. Аммо... “Ҳайратул аброр”да Навоий дейди:

**“Илм, Навоий, санга мақсад бил,  
Эмдики илм ўлди, амал айлагил” –**

Навоий, мақсадинг илм эди, мақсадингга етишдинг – уни амалда қўлла! Бу ерда Яратганинг ижоди – инсондан ҳайратда қолган ҳазрат Низомий Ганжавий сўзларини эслаш айни муддао, ва шунинг учун Ф.Сулаймонованинг “Ақл ва тафаккур кучи” рисоласидаги Низомий ҳақидаги бобидан келтирамиз:

**Он ба гавҳар ҳам гадар ҳам сафий,  
Ҳам маҳак, ҳам зару, ҳам сайрафий.  
(Инсон табиатан ҳам лойқа, ҳам тоза,  
У ҳам маҳак, ҳам олтин, ҳам заргар).**

... Агар инсон ярамас интилишлар – хасислик, очкүзлик, худбинлик, кибрлилик, айшишратдан онг кучи ёрдамида ўз хоҳиши билан воз кече олса, у фаришталардан ҳам юқори кўтарилиши мумкин:

**Одамим рафъеи малак микунам,  
Даъво аzon суйи фалак микунам.**

(Мен инсонман, фариштани тан олмайман,  
Осмонга кўтарилиб аzon айтмоқни даъво  
қиламан). [7]

Қозоқ шоири, мутафаккири Абай Қўнанбоев “Насиҳат” асарида “Инсонни тўғирлаб, тарбиялаб бўлмайди деган кимсанинг тилини кесган бўлар эдим”, деб ёзган эди. Инсон ички олами мукаммалиги ўрнини дунёнинг ҳеч бир неъмати боса олмайди. **Инсон – Оллоҳ яратган буюк мўъжиза, ва у ўз баҳосини билмоғи лозим – у бебаҳо!** Қорақалпоқ адабиётининг улкан вакили Бердимурод Қарғабой ўғли айтади:

**“Тўнинг сенинг йўқми – ғам эмас,  
Пулинг камми – ўзинг кам эмас,  
Бой кулдими – бу алам эмас,  
Инсон қадрин, ўз қадрингни бил, ўғлон!”**

Барчамиз Дейл Карнегининг китобларини ўқиганмиз... Унинг ҳақиқатан ҳам кўплаб масалаларда асқотадиган, шу билан бирга қизиқарли тадқиқотларини камситиш ниятидан йироқман, лекин китобидаги аксарият фикрлар Навоийнинг “Хайратул аброр”ига ниҳоятда ожиз тақлиддек туюлади менга. Улкан ишонч билан тахмин қиласманки, ўзининг китобини



ёзишдан олдин у мазкур китобни диққат билан ҳижжалаб ўрганиб чиқсан. Даҳоларнинг асарлари ҳеч қачон эскирмайди, улар барча замонларда ҳам долзарблигича қолаверади. Агар кимдир уларга беписанд бўлса – ўзига зиён.

Навоий китобининг якуний қисмида (“Хамса” ҳамда бошқа асарлари билан ўзига нақадар юксак, қўл етмас ёдгорлик тиклага-нини англаган ва иқор бўлган ҳолда) умр шошиб ўтаётгани, кўнглидаги улкан орзуси бўлган китоби ҳамон ёзилмагани ва ёзилмай қолиши мумкинлиги, ушалмаган орзунинг оғир юки – армон билан боқий дунёга рихлат қилиши эҳтимоли ҳақидаги фикр унга доимо тинчлик бермай келганлиги тўғрисида гапира-ди. Бу асар “биргина кун” (ўрта асрлар)да мавжуд муаммолар, ёки фақат саноқлиларгина охиригача тура олган, Худо жамолига мұяссар бўлиш орзуси йўлида юрган бир ҳовуч одамларнинг тор доираси учунгина мўлжалланган китоб бўлганида, ҳазрат бу қадар қайғуга ботармиди? Шу мазмундаги китоб, агар у “Тор доирадаги мутахассислар” учун мўлжалланган қўлланма бўлганида, ўз вақтида ўн яшар Навоийга нима бера олган бўларди? Бу битиклар қўлланма эмас, улар – биз етиб бора олмайдиган юксакликларда бўлган, дийдор шарафига восил бўлганларнинг ҳисоботидир. Бу ҳисоботларида улуғларимиз, бизга номаълум кўплаб сабабларга қўра, ўзлари етишган ҳақиқатлар ҳақида очиқ матн билан маълум қила олмайдилар, лекин биз, ердаги – “сурдариш учун туғилган” мавжудотларга азбаройи ёрдам бергилари келганидан, ҳақиқий дард чекканларга мўлжалланган тилни кашф қилдилар.

Бизнинг мақоламиизда келтирилган Буюкларнинг сўзлари қудрати билан биргина одам ўз қалбида осойишталик ва уйғунликка эришса, ўзини ва Эгасини таниса, биз ўзимизни беҳад бахтиёр ҳис қиласардик. Ахир бир одам ҳам – бу бутун бир олам, бутун бир борлиқ! Бу ҳақда ўз сўзларимиз билан қуидагини айтишни хоҳлар эдик:

**Бу не ҳол? Инсон ғамда – ғамда олам кўз ичра!  
Табассум юзин ёритса – олам шодон кўз ичра!  
Бало келса – буткул олам,  
шўнғиб икки шабнамга,  
Охират келганидек, титрар шу он, кўз ичра.**

Ушбу мисраларни аввало рус тилида ёзган эдик, буюк Навоий тили – ўзбек тилига

үгирганимизда, у гўзаллашиб, яна ҳам очилиб кетгандек туюлди бизга.

Мазкур ишимизни “Алифбеи тайр” деб номладик... Ҳар қандай алифбо сингари у ҳам ҳажман кичкина. Аммо юпқагина алифбени ўрганмай туриб, қалин-қалин китобларни ўқиш мумкин эмас. Рисоланинг номи улуғларимиз Фарииддин Аттор ва ҳазрат Навоий асарлари номлари билан ҳамоҳанг. Бу ҳамоҳанглик янглиш тасаввур ҳосил қилмаслиги учун айтиб қўймоқ лозимки, камина ушбу буюк мардларга ҳаттоки жиловдорликка ҳам номуносибман. Бу исм ўз-ўзидан туғилди, чунки бу рисола – “Лисонут-тайр” достони ганжинаси эшиклари калитидир. Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзган мактубида олти қатордан иборат маснавийси бор. Унинг мазмуни шуки, хазина бойликлари қўзни қамаштирадиган даражада бўлса ҳам, унга етиб бориш учун, хоҳ подшоҳ, хоҳ қул бўлсин, фақат биргина, қулғга тушадиган, кўринишидан кўпол ва нокулай **темир** калитни ишлатадилар. [8]

Навоийнинг “Лисонут-тайр” достонидаги сир Фарииддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” китобига асосланади. Бу китобда йирик мусулмон мутасаввуфи ва файласуфи Фаззолийнинг “Рисола-ат тайр” – “Қушлар ҳақида рисола”си таъсири акс этган бўлиб, у ҳам ўз навбатида Ибн Синонинг “Қушлар” рисоласига таянади.

Тадқиқотни якунлагагач, “Лисонут-тайр”-нинг Сергей Иванов таржимасидаги қисқартирилмаган тўлиқ вариантини (Санкт-Петербург, “Наука”, 1993 й.) ўқиб қолдим. Диққатга сазовор томони шундаки, С.Н.Иванов иловада ёзади: “Алишер Навоийнинг поэтик меросини рус тилига ўгирган мутаржимлар таржималари тадқиқ этилган ишлар адабиётда ҳамон йўқ”. Илованинг биринчи қисмida А.Н. Малехова “Қушлар тили”ни шарҳлашга

(фақатгина шахсий тахминларига асосланган алфозда) уринади, ўзининг бу уринишида у Навоий ўз ҳаёти, ижодини қушлар тили билан баён қилганлигини, асардаги сўғизм асослари эса бор-йўғи анъаналарга содикликдан бошқа нарса эмаслигини уқтироқчи бўлади. Буюк Навоийнинг ҳаёти ёки ижодида қандай жумбоқ бўлиши мумкинки, унга “қуш тили” – мажозий тил зарур бўлиб қолди? Ахир буюк даҳонинг ҳаёти ва ижоди барчага кафтдагидек аён эмасмиди? Ахир Навоийнинг ўзи “Муҳокаматул луғатайн” асарида “Мен “Лисонут-тайр” қўшиқларининг куйини басталаганимда, ботиний илм сирларини мажозий қиёфаларда, қушлар тили билан тушунириб бердим”, деб ёзмаганмиди?

Нострадамус(катренларда эмас, китобининг муқаддимасида очиқ матн билан) “Лисонут-тайр”да яширинган ушбу ҳақиқат ҳақида ёзган эмасмикан? – “Шундай бўладики, Яратганинг ҳоҳиш-иродаси бутунлай қарор топади, унинг истагига қарши турувчи ҳеч қандай куч топилмайди, шуурда содир бўлаётган қарама-қаршиликлар туфайли соғлом тафаккур тантана қиладики, у энг аввало ўзига Мұхаммад таълимотидан таянч топгусидир”[9].

Бутун олам сарвари Оллоҳ дейди: “Яна айтингки: “Эй, Раббим! Мени содиклик билан киритгин ва содиклик билан чиқаргин ҳамда мен учун ўз даргохингдан бир мадад берувчи хужжат ато қилгин. Яна айтинг: “Ҳақиқат келди ва ботил йўқолди. Чунки ботил нарса йўқолгувчи” (Биз) Қуръондан мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган (оят)ларни нозил қилурмиз. (Лекин бу оятлар) золим (кофир)ларга фақат зиёни орттирур!”. (Қуръон. 17:80-82). [10]

### Рус тилидан Мунаевара Қурбонбоева таржимаси

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шу ва шундан кейинги барча парчалар ва уларнинг насрой баёни “Лисонут-тайр”дан олинди. Тошкент, Fafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991й.
2. Шу сўзлар билан бошланувчи қўйидаги ҳадисга ишора: “Ман аърафа нафсаҳу фа қад, ъарафа роббаҳу” – ҳар ким ўз нағсини (руҳини, ўзлигини) таниса, батаҳқиқ ўз Парвардигорини танигайдир.
3. Ҳадис. Имам ал-Бухари. “Обычай и приличия в Исламе” – Ал-Адаб Ал-Муфрард. 621. “О наущении” – “Васвасалар ҳақида” 1285 ҳадис. Москва – Санкт-Петербург. Изд. “Диля” 2009 г.
4. “Ислом дунёқараши” (Бишкек. 2002 й.)
5. “Мантиқ ут-тайр”, Фарииддин Аттор, Fafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006 й.
6. “Ибн Сино”, Л.Г. Салдадзе, “Матбуот”, Т. 1983. Ибн Сино рисоласи Салдадзе баёнидан.
7. Фазила Сулаймонова “Ақл ва тафаккур кучи” рисола. Тошкент, “Фан”. 1991 й.
- 8.Иzzат Султон. “Книга признаний Навои” Ташкент, “Г.Гулам”. 1985г.
9. (“Ўғлим Цезарга муқаддима”. Салон, 1 март, 1555 й.)
10. Қуръон оятлари Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” китобидан олинди. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004 й.

**Б**ундан иккى ой олдин айни нонушта пайтида Эдуард амакимдан хат келиб қолди.

Эдуард амаким бундан ўн иккى йил бурун, ўзининг айтишича, почта қутисига хат ташлаб келиш учун уйдан чиқиб кетган ва шу билан қайтиб келмаган эди. Ўшандан бери ундан бирон хабар бўлмаган эди. Хат Австралияning Сидней шаҳридан келди. Уни очиб ўқидим: “Азизим Паул! Менга оч кулранг ёмғирпўшими юборласанми? У менга ҳозир жуда керак эди, чунки бу ерда ҳаво анчагина салқин, айниқса, кечалари. Чап чўнтағида қўзиқорин ишқивозлари учун қўлланма бор. Уни ўзингга олиб қўяөр. Бу ерда еб бўладиган қўзиқоринлар йўқ. Олдиндан раҳмат. Салом билан Эдуард амакинг”.

— Австралиядан, Эдуард амакимдан хат олдим, — дедим тухум пишириш учун куйманиб юрган хотинимга.

— Шундайми? Нима деб ёзипти?

— Унга оч кулранг ёмғирпўши керак эмиш, Австралияда еб бўладиган қўзиқоринлар йўқ эмиш.

— Унда бошқа нарсаларни еяверсин, — деди хотиним.

— Гапинг тўғри, — дедим мен.

Бироздан сўнг рояль тузатувчи келди. У хийла тортинчоқ ва бепарво, қандайдир ўз қобиғига ўралган одам. Аммо беҳад мулойим ва шубҳасиз, мусиқани яхши тушунарди. У фақат роялларнигина эмас, балки торли мусиқа



## Оч кулранг ёмғирпўш (Хикоя)

асобларини ҳам тузатар ва сибизға чалишни ўргатарди. Исли Колҳаас. Мен ўрнимдан турган пайтда нариги хонадан аллақачон аккорд овозлари эшитиларди.

Гардеробда оч кулранг ёмғирпўш илингана туради. Хотиним уни омборхонадан олиб чиқиб қўйипти. Ҳайрон бўлдим, негаки хотиним бирор ишни бу қадар абжирлик билан бажармасди-да. Ёмғирпўшни авайлаб пакетга ўраб солдим-да, почтага обориб жўнатиб юбордим. Шундагина унинг чўнтағидан қўзиқорин ишқивозлари учун қўлланмани олиб қўйишни унуганимни пайқадим. Ҳа, майли, мен қўзиқорин ишқивози эмасман-ку. Кейин бир муддат айландим, уйга келсам, рояль тузатувчи билан хотиним жавонлар, стол остиларини қарашиб, уйда ивирсиб юришарди.

— Нима гап? — сўрадим мен.

— Жаноб Колҳааснинг ёмғирпўшини қидирайпмиз, — деди хотиним.

— Э, ҳа, — дедим, қилиб кўйган хатоимни англаб, — мен уни Австралияга жўнатвордим.

— Нега Австралияга жўнатдинг? — сўради хотиним.

— Билмасдан, — дедим мен.

— Унда мен Сизларга ортиқ халақит бермайман, — деди жаноб Колҳаас у қадар ҳайрон бўлмаса-да, ҳарҳолда бироз хижолат бўлиб ва кетишга чоғланди, шунда мен:

— Тўхтаб туринг, Сиз амакимнинг ёмғирпўшини кийиб кетсангиз бўлади, — дедим.

Омборхонага бориб, у ердан чант босиб ётган жомадон ичидан амакимнинг оч кулранг ёмғирпўшини топдим. У сал-пал ғижим бўлган — ахир ўн иккى йилдан бери жомадон ичидан ётганда — бироқ яхши сақланган эди. Хотиним унинг у ёқ-бу ёғини дазмоллагунча мен жаноб Колҳаас билан бир стакандан вино ичдик, у ўзи

тузатган баъзибир рояллар ҳақида менга гапириб берди. Сүнг ёмғирпүшни кийди-да, хайрлашиб жүнаб кетди.

Бир неча кундан кейин бизга бир пакет келди. Унда бир килоча оқ қўзиқорин бор эди. Қўзиқоринлар устида иккита хат ётарди. Биттасини очиб ўқидим: “Хурматли жаноб Ҳолле! (Бу менинг фамилиям) Чўнтағимга қўзиқорин ишқивозлари учун қўлланма солиб қўйиб жуда яхши иш қилган экансиз, шунга миннатдорчилик юзасидан биринчи терган қўзиқоринларни юбордим, ишонаманки, улар Сизга манзур бўлади. Бундан ташқари, бошқа чўнтақда, эҳтимол Сиз адашиб солиб юборган хат бор экан. Уни қайтариб жўнатаяпман. Хурмат билан А.М. Колҳаас”.

Бу ерда тилга олинган хат, ўшанда амаким почта кутисига ташламоқчи бўлган хат эди. Афтидан амаким уни ёмғирпўш чўнтағида уйда унутиб қолдирган. Хат, хотирам панд бермаган бўлса, амакимнинг дўсти жаноб Бернҳард Ҳаазега ёзилган эди. Конвертни очдим. Битта театр чиптаси билан бир варақ қофоз ерга тушди. Қофозда шу сўзлар ёзилган эди:: “Азизим Бернҳард! Сенга келгуси душанба куни қўйиладиган “Танҳойзер” опрасига чипта юбораяпман, у менга керак бўлмайди, чунки бироз ҳаво алмаштириш учун сафарга кетаяпман. Балки унга сен борарсан.

<sup>1</sup> “Танҳойзер” – мумтоз ва замонавий қўшиклар уйғунлигидаги опера.

Элизабетни Шмидт-Ҳолвег куйлайди. Ахир сен унинг истеъодига доим тан берасан-ку. Самимий салом билан Эдуард”.

Тушлиқда оқ қўзиқорин едик.

– Қўзиқоринлар шу стол устида турган экан. Улар қаердан келиб қолди? – сўради хотиним.

– Жаноб Колҳаас юборган.

– Жуда илтифотли одам экан. Шарт эмас эди-ку.

– Шарт эмасу, – дедим мен, – аммо у жуда илтифотли.

– Қўзиқоринлар заҳарли бўлмаса керак. Дарвоқеъ, театр чиптаси ҳам бор экан. Қанақа спектакль экан?

– Сен топиб олган чипта, – дедим мен, – бундан ўн икки йил олдин қўйилган “Танҳойзер” опрасиники.

– Э, ҳа, – деди хотиним, – “Танҳойзер”ми, шусиз ҳам унга бормаган бўлардим.


Бугун эрталаб Эдуардан тағин хат келди, у мендан сибизға жўнатишмни сўрапти. Негадир ёмғирпўш менга узун келди, бундан чиқди бўйим қисқаргандир-да, деб ёзипти. Чўнтағида сибизға чалишни ўрганиш учун қўлланма бор экан, шундан фойдаланмоқчи эмиш, лекин Австралияда сибизға топилмасмиш.

– Эдуардан яна хат келди, – дедим хотинимга. Айни шу пайтда у олдимда қаҳва доналарини саралаб ўтиради.

– Нима депти? – сўради у.

– Австралияда сибизға йўқмиш.

– Унда бошқа созни чалсин, – деди у.



**Вольфганг Хилдесхаймер**  
(1916 – 1991) Ҳамбургда туғилган. 1926 йилда Маннхаймдаги Инсонпарварлик гимназиясида, 1930-33 йилларда Оберҳаубахдаги қишилоқ мактаб-интернатида ўқиган. Ота-онаси Фаластинда муҳожирликда яшаган пайтда 1934 йилдан ўша ерда дурадгорликни ўрганганд. 1937 йилдан Лондонда рассомлик ва театр декорациялари билан шуғулланган. Кейин ёзувчилик фаолияти бошланган. У айниқса радиоинсценировка ва драматик асарлари билан машҳур бўлган. Қатор романлар, ҳикоялар муаллифидир. 1991 йилда 7 жилдлик асарлари босилиб чиқкан. Кўплаб адабий мукофотлар билан тақдирланган.

– Тўғри айтасан, – дедим мен.

Хотинимда руҳиятга қандайдир енгиллик берадиган, кишини муаммодан кутқазадиган хусусият бор. Унинг луқмалари қуруқ бўлса-да, аммо-лекин нишонга тегади.

**Олмон тилидан  
Янглиш Эгамова  
таржимаси**

# ҚАДИМГИ ХОРАЗМДА КУРИЛШ ВА МЕЙМОРЧИЛИК ТАРАККИЁТИ

Үлгү аждодларимиз яшаб ўтган энг қадим давр тарихини ўрганар эканмиз биз учун кутилмаган, ҳайратланарли, аммо жаҳоншумул аҳамиятга эга маълумотларга дуч келаверамиз. XIX асрдан бошлаб, айниқса XX асрда юртимиз қадим даври тарихига европалик олимлар, сиёсатчилар, ҳатто давлатларнинг раҳбарлари жуда қизиқиш билан қарай бошлаганлар. Бир неча илмий экспедициялар юбориб, маънавиятимизнинг қолган-қутган осори-атиқалари, археологик топилмаларини ҳам ўмариб, олиб кетганлар. Тарихчи археолог олимлари эса кимларнингдир манфаатига, сиёсатига, асосан европача маънавиятга, маданиятга мос илмий китоблар ёзганлар. Аммо, бу китобларда юртимиз – нурли Ўзбекистоннинг қадимий бой тарихи, илк тамаддун Ватани бўлғанлиги ўз ифодасини топмагани бизга маълум. Шунинг учун ҳам ўтмиши буюк Ватанимиз ҳаққоний бой тарихини тиклашга, уни халқимиз, келажак авлодларга бой маънавий мерос қилиб қолдиришга ҳисса қўшиш ҳар бир тарихчининг бурчи, деб биламан. Мазкур мақоламда шу бурчга амал қилган ҳолда “бор тарих – бой тарих” ҳақида қисқача сўз юритаман.



Ушбу мавзумизда қадимги Хоразмнинг ҳамон ўрганишни тақозо этаётган илм-фан, маданий тараққиётнинг очилмаган қирралари, айниқса курилиш ва меъморчилик соҳасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам фикр юритишга, изланишлар самараси бўлган хulosаларимизни баён этишга ҳаракат қиласман. Аввало, нафакат Ўзбекистон, балки жаҳон тарихи учун муҳим бўлган бу қадимиий воҳода уй-жой, ҳайратомуз маҳобатли ва нафосатли, ниҳоятда кўркам кўргонлар, қалъалар, ҳашаматли ва гўзал саройлар курилиши қачон бошланганига эътибор қаратамиз.

Тарих китобларида ва археологларнинг илмий асарларида воҳамизда кўргонлар, қалъалар курилиши мил.ав.VI-IV асрларда бошланган, деб кўрсатилган. Маънавиятимизнинг қадимиий ҳазинаси бўлган муқаддас “Овесто” китобининг “Видевдот” насцида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган: “Йима тўрт томони бир от чопими (1,5 кмга тўғри келади) бўлган Варни курди. У ерда хоналари мўл уйлар, айвонлар қурди, атрофини мудофаа девори билан ўради. У қалъа-кўргонга одамлар, майда ҳайвонлару йирик молҳол, итлару күшлар уругини, қизил оловни олиб кирди. Йима бир от чопими Варнинг тўрттала томонини одамлар яшashi учун ва бир от чопими Варнинг тўрт томонини майда ва йирик пода учун макон қилди”, дейилган. “Овесто” китоби яратилганига 3200 йил, сўнгги маълумотларга кўра 3700 йилдан ҳам кўп бўлганлиги кейинги илмий манбалардан бизга маълум. Қадим аждодлардан тарихий-маънавий мерос бўлган ушбу ноёб китобнинг “Ясна” насси, яни “Хот”ларида ифодаланган мезолит, неолит тарихий даврларига оид маълумотлар бизни ҳайратлантиради ва ўйлантиради. Демак, юртимиздаги қадим тарихий тараққиёт, илк тамаддун изларини ҳозирги тарих қўлланмаларидағига нисбатан янада узоқроқ даврдан излашимиз керак. “Яштлар” насцидаги “Ардвисура Анахита қасидаси”да эса шундай муҳим маълумотлар бор:

*Варукошанинг қирғоклари яшинаб турар,  
Кўкрагида жўш урар баланд тўлқинлар.  
Унинг минглаб кўрфази бор, минглаб шаҳоби,  
Ҳар бир кўрфаз, ҳар бир шаҳоб ўтрусидан,  
Қирқ кун сургай аргумоқ, бебок чавандоз.  
Ҳар бир кўрфазда, ҳар ўзанлар соҳилида,  
Қад ростламиши гўзал қалъалар,  
Юз хонали, нафосатли, нафис безакли,  
Минг устунли, кўркам ҳайкалли,  
  ҳашамдор қаср,  
Ўн минглаб қулай жойларга қурилган улар.*

Бу маълумотларни юртимиз иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиётининг қадимги даври ҳақидаги ҳақиқий тарихий ёзма ҳужжат дейиш мумкин. Дарвоқе, ҳаққоний тарихимизни ёритиш учун ниҳоятда муҳим бу жумлаларда, аввали ҳозирги Қизилқум, Қорақум, Устюрт даштлари ўрнида, шарқда то жанубий Уралгача, ғарбда шимолий Афғонистон, шимоли-шарқий Эрон, Ўртаер денгизи, то Қораденгиз соҳилларигача худудда бундан 10-15 минг йиллар олдин Варукоша океани бўлганлиги, бу океан суви чекингандан кейин унинг жанубий соҳилида, асосан Амударё ва Сирдарёning қуии қисмида шу дарёларнинг беҳисоб шаҳоблари, ўзанлари бўлганлиги, шу шаҳоб ва ўзанлар соҳилларида 10 минглаб кўркам қалъалар, ҳатто ҳашамдор қасрлар бўлганлиги айтилган.

Фирдавсийнинг 25 йил мобайнида тарихий маълумотлар тўплаб ва уларни ўрганиб ёзган «Шоҳнома» асарида Афросиёб ва Сиёвшулар давридаёқ ҳашаматли саройлар, кўркам қалъалар бўлганлиги айтилган. Абу Райхон Беруний Афросиёб ва Сиёвшулар яшаб ўтган даврни мил. ав.1200 йилларда, деб кўрсатганини алоҳида таъкидламоқ керак. Юқорида кўриб ўтганимиздек, мил. ав. 2 минг йилликда қадимги Хоразм воҳасида яшаган халқнинг Евроосиё бўйлаб кўчиши бўлиб, улар қурган ва неча замонлар яшаган қўрғон ва қалъалар ҳувиллаб, харобага айланиб қолган. Бу маълумотлар бизнинг заминда илм-фан ва маданият тараққиёти, кўргонлар, қалъалар, ҳатто маҳобатли қасрлар, саройлар курилиши россиялик археолог-тарихчи олимлар илмий китобларида кўрсатганидек, узоғи билан мил. ав. VI-IV асрларда эмас, балки мил. ав. IV-III минг йилликларда, яъни юртимизда яшаб ўтган халқнинг Евроосиё бўйлаб кўчишидан кўп аввал бошланган, деб хulosasi чиқаришимизга янада аниқ ва ишончли асос бўлади.

Бозорқалъа, Норинжонқалъа ва Гулдурсун қалъаларнинг остки қатламидан археологлар қазиш вақтида улардан олдинги даврга доир пахса деворнинг қолдиқлари ва турли буюмлар топилгани, шунингдек айрим курилиш ва катта каналлар қазилаётган жойларда 5-10 метр чуқурлиқдан янада қадимириқ даврга тегишли буюмлар, асосан сопол идишлар топилаётгани, яъни бу жойларда 8-10 минг йиллардан олдин ҳам одамлар яшагани ва қалъалар, кўргонлар, маконлар бўлганлиги бу хulosamiznинг яна бир исботидир. Тарих фанлари доктори Юрий Рапорт билан сұхбатимиз чоғида, -бизлар ернинг юзасидаги, яъни биринчи маданий қатламдаги

қадимий қалъаларда археологик қазиши ишлари олиб бордик. 5-10 метр ер остида кўмилиб ётган қалъалар, қўрғонлар, айниқса уй-жойлар жуда кўп, -деган эди. Шу ўринда кексаларнинг, – қадимда Хоразмда том бошига чиқкан мушук томма-том юриб, Бухорога боргандага ерга қайтиб тушган, -деган сўзларида ҳам бир маъно борлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Япониялик таникли археолог-тариҳчи Кзюдо Като билан қадимги қалъалар бўйлаб саёҳатимиз ҷоғида худди шу сўзни янада аникроқ қилиб, – бу юртда ернинг иккинчи, учинчи маданий қатламларида жуда қадимги аждодларингиз излари, тариҳий маданий ёдгорликлари бор, деган эди. “Вар” сўзи қадимги Хоразмликлар тили – форсийчада “чукур” ёки “қўрғон” деган маъноларни билдиришини ҳисобга олсан, бу олимларнинг сўзлари нақадар тўғрилигига ишонч ҳосил қиласиз. Яъни, Йима (Жамшид) ҳукмонлиги даврида варлар – қўрғонлар қурилганлиги юқоридаги маълумотлар, фикр ва хулосаларнинг янада тўғрилигини кўрсатади. Бу эса биздан яшириб келинган жуда қадим ва ҳаққоний тарихимизнинг кичик бир сирли саҳифасидир. Дарвоқе, дарё ва дарё ўзанлари соҳилларида минг йиллар давомида, биз тасаввур ҳам қилолмайдиган даражада беҳисоб кўп бўлган сув тошқинлари туфайли лойка тупроқ остида қолиб кетган, ҳозиргача аниқланмаган кўпгина тариҳий обидалар бўлиши шубҳасиз. Демак, бу сўзлар юртимизда энг замонавий техника ва технология асосида археологик қазиши ва илмий тадқиқот ишларини давом қилдиришини тақозо этади. Ана шунда тарихимизнинг янада сирли, ноёб саҳифалари очилиши турган гап.

Шу ўринда одамзот ўнгурлар, ғорлар, чайлаларда яшаган давр билан, катта-катта қўрғонлар, қалъаларда яшаган давр оралиғида уй-жой қурилиши қандай бўлган, деган саволга ҳам жавоб беришга ҳаракат қиласиз ва бу саволнинг жавобини ҳам ҳаёт, табиат қонуниятлари ҳамда тариҳий тараққиётнинг ўзидан излаймиз.

Тарихдан маълумки, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, кемасозлик, жумладан уй-жой қуриш неолит даврида, яъни мил. ав. VI-IV минг йилликларда, балки ундан ҳам кўп аввал пайдо бўлган. Демак, одамзотнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши кучайган сайин уй-жой қурилиши ҳам кенгайиб, тобора тақомиллашиб борган. Қалъалар, қўрғонлар қуриш эса совуқдан сақланиш, қабилалар ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар, айниқса, дашт-

лик кўчманчиларнинг тез-тез бўлиб турадиган ҳужумларидан ҳимояланиш зарурати туфайли пайдо бўлган. Муқаддас “Овесто”нинг ўзбек тилига таржима қилинган “Видевдот” китобида тўрт томони бир отчопими узунлигидаги “атрофлари девор билан ўралган қўрғонлар” курилиши, шунингдек бу ноёб китоб қаҳрамонлари – Йима, Атвия, Пурушаспа ва бошқа “подаси кўп”, “отлари кўп”, “йирик мол-ҳоли кўп” бўлган кишилар номлари тилга олинган. Бундан “атрофлари девор билан ўралган қўрғонлар” фақат одамларни эмас, чорва молларини ҳам совуқдан сақлаш, душман ҳужумидан муҳофаза қилиш зарурати туфайли қурилган, деб хулоса чиқариш мумкин. Дарвоқе, бу даврдаги қўрғонларда яшовчи кишилар икки тоифага – чорваси кўп бойларга ва мол-ҳолсиз қашшоқларга, катта ер эгалари ва ерсиз, қарам зироатчиларга ажралишган. Яъни, хусусий мулкчилик пайдо бўлган. Асрлар ўтиши билан чорваси, ер-мулки кўп бой, яъни эндиғи ҳукмдор қўрғоннинг марказида ёки бирон қулай бурчак томонида ўзлари учун кўркам ўйлар, бора-бора янада гўзал, салобатли ва ҳашаматли саройлар қурганликлари аён бўлиб турибди. Бизнинг воҳамиздаги дарёлар ва дарё ўзанлари соҳилларида қалъалар ва қўрғонлар худди шу тарзда пайдо бўлган, уларда ҳаёт шу тариқа ривожланган, тобора тараққий қилган, деб айтсак жуда асосли бўлади. Шу ўринда воҳамиздаги барча қадимги қалъа-қўрғонлар сувга қулай жойларга, дарё ва дарё ўзанлари соҳилига қурилгани ҳамда улар атрофида ҳалқ, давлат иқтисодининг асосий манбаи бўлган деҳқончилик майдонлари ва асосан чорвачилик учун кенг яловлар бўлганлиги, улар шу қалъа-қўрғон эгаларига тегишли бўлганлиги, қалъа-қўрғонлар ичида эса илму фан, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, даромад кўпайиб, маданият тобора ривожланганини, аждодлар юксалиш сари доимо интилиб, курашиб яшаганликларини ҳам тушуниш керак, албатта. Демакки, шу замонларда ёк бозор пайдо бўлган. Савдо-сотиқда “стийр”, “аспирина” деб номланган пуллардан фойдаланишганини ҳам билиб қўймоқ керак. Савдо-сотиқнинг пайдо бўлиши эса ҳалқларнинг ички ва ташқи алоқалари ҳар томонлама ривожланишига, умуман жаҳон тараққиётига кучли таъсир қилиб келган.

Воҳамизда яшаб ўтган буюк аждодлар ҳаёти, инсоният тараққиётига чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, қадимги даврдан то яқин-яқинларгача, аниқроғи саноат пайдо бўлгунгача бепоён яловлар бўлганлиги боис чорвачилик

аҳолининг, айниқса давлатнинг асосий даромад манбаи бўлиб келганлигини, чорваси кўп кишилар бой зодагонлар бўлганлигини тушуниш мумкин.

С. П. Толстов “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” китобида берган қуидаги маълумотларга эътибор қаратамиз: “Хоразм фани, маданияти, меъморчилиги анча вақтлардан бери Шарқ халқлари тарихида кўзга кўринарли ўринни эгаллаб келмоқда эди. Хоразмнинг ислом динидан аввалги, қадимги ва африйилар ҳукмронлиги давридаги тараққиёти тўғрисида бизгача жуда оз маълумот етиб келган. Бироқ, моддий маданият ёдгорликларини синчиклаб ўрганиш ўша вақтлардаёқ Хоразмда аниқ ва табиий фанлар, маданият, санъат юқори даражада тараққий қилган экан, деган холосага олиб келади. Архитектура элементларининг аниқ илмий лойиҳа ва қонуниятга асосланган мутаносиблиги, қурилиш ва меъморчилик ишларининг пухта ҳисоб қилиниши, баҳайбат ва узоқ масофага чўзилган ирригация иншоотлари, Беруний тасвирлаган Хоразм календари ва мукаммал астрономик терминология, Тупроққалъя нақшларидаги минерал бўёқларнинг бойлиги ва турли-туманлиги ҳамда худди ўша ердан то-пилган қадимиш шиша парчалари – математика, геометрия, тригонометрия, астрономия, геодезия, геология, гидрогеология, топография, сейсмология, кимё ва минералогия фанлари ривожланмаганда эди, буларга эришиш мумкин бўлмасди”. Юртимиз тарихи, айниқса илк жаҳон цивилизацияси маркази бўлганлигини дунёга танитган бу олимнинг ушбу сўзларидан ўзингиз аниқ ва кенгроқ холоса чиқариб оласиз, албатта.

Айниқса, Қўйқирилганқалъанинг қурилиш услубини бундан камида уч минг йиллар аввалги давр нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак уни жаҳон меъморчилигининг энг ноёб ёдгорлиги, ўз замонасининг мўъжизавий қалъаси бўлган, десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

Шунингдек, Тупроққалъя, Қизилқалъя, Ақчахонқалъя, Аёзқалъя, Ҳазорасп, Вазир, Қўзалиқир, Айбуйир, Айвонқалъя, Чериқработ каби неча минглар қалъаларнинг қурилиш техникаси, меъморий конструкцияси ва платформаси унинг лойиҳасини ишлаб чиқсан ва қурилиш ишларини бошқарган қурувчи-меъморларнинг ақл-заковати, тафаккури, билим даражаси нақадар юксак бўлганидан дарак беради. Қурувчи меъморлар аввало қалъанинг пойдеворини тиклашга жуда катта эътибор бе-



Самандар Исмоилов

1946 йил 1 юнда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъя туманида туғилган. Тошкент Давлат педагогика институтини тугатган. Тўрткўл ҳамда Элликқалъя туманларида масъул лавозимларда ишлаган. Элликқалъя туман археология ва тарих музейи, Норинжонбобо архитектура ёдгорлиги, Тупроққалъя тарихий ёдгорликлари таъмирлаш ишлари фидойиси. “Қадимги Хоразм қалъалари”, “Нури Ўзбекистон – жаҳон цивилизацияси Ватани” китоблари муаллифи. “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими” (2003), “Ўзбекистон республикаси Ҳалқ таълими аълочиси” (1997).

ришган. Дастреб қалъа қуриладиган майдонга, асосан пахса тикланадиган жойларга қалин қилиб қум ёйишган. Унда Тупроққалъя яқинидан оқиб ўтган Ақчадарё соҳилига қучли сув оқими чиқариб ташлаган кўм-кўк соф қумдан фойдаланишган.

Тупроққалъя саройи пойдеворини тиклашда янада мураккаб усулни кўллашган. Юқорида таъкидлаганимиздек, сарой 16 метр баландликда кўтарилган тепалик – тагсупа устига қурилган бўлиб, унинг остки майдони 92,5 x 92,5 метр, устки тепа майдони 80 x 80 метр ўлчамда бўлган. Демак, тепалик – тагсупа пирамида кўринишида бўлган. Археологларнинг аниқлашича тепаликни тиклашда олдин қалин қилиб соф қум ёйишган. Кейин ёппасига бир қатор хом ғишт, кейин яна ярим метрча қум, кейин яна бир қатор ғишт ва яна бир қатор қум ёйиб, тепалик – тагсупани кўтаришган. Саройнинг ҳар бири 40 x 40 метр ўлчамда бўлган учта минораси – буржи ҳам шундай қилиб кўтарилган баланд тепалик устига қурилган. Қўйилган ғиштлар орасига лой ишлатмай қум билан тўлдириб борилган. Бироқ, тепалик атрофи ғиштлар оралиғига ёйилган қумлар тўкилиб

кетмаслиги учун ёппасига ғишт терилиб, усти қалин қилиб сомонли лой билан сувалган. Бу усул аввало қалъа пойдеворининг зилзила-бардошлигини таъминлаган. Қолаверса ер ости, ер усти сувлари ҳамда намлик билан кўтариладиган тузнинг қалъа деворига таъсир қилишига бутунлай барҳам берилган. Натижада С.П.Толстов таъкидлаганидек, мустаҳкам “Совут” ичига олинган қум ва ғиштларнинг эластик массаси қалъа деворининг бир неча минг йиллар чидаш беришига асос бўлган.

Тупроққалья саройи деворини тиклашнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, деворнинг пастки қисми устки қисмига нисбатан анча энли қилиб қурилган ва бу усул воҳамиздаги барча қалъа-кўргонлар қурилишида қўлланилган (ҳатто ҳозир ҳам лой пахсалардан қуриладиган уйларни қуришда бу усулдан фойдаланиб келинмоқда). С.П.Толстовнинг энг яқин шогирдлари, таниқли археолог-тарихчи олимлар Ю.А.Рапопорт ва Е.Е. Неразикларнинг “Тупраккала – дворец” китобида кўрсатилишича, қалъанинг ташқи, ички деворлари, ҳар бир сарой ва хонанинг жойлашуви, баланд-пастлигига қараб керакли жойда ғишт, керакли жойда лой пахсадан фойдаланишган. Айниқса, деворнинг остки қисми ва устки қисми лой пахсадан, асосий қисми ўртача 40x40x10 см. катталиқдаги хом ғиштдан тикланган. Бу усул ҳам деворнинг янада мустаҳкам бўлишини таъминлаган. Эшикларнинг пештоқлари, равоқлар ва гумбазларга трапеция шаклидаги, яъни узунни 40 см., усти 20-21 см., пасти 17-18 см., қалинлиги 8 см. катталиқдаги ғишт ишлатилган. Эшикларнинг пештоқлари, ён томонлари, кириш-чиқиш жойлари ҳамда гумбазларнинг керакли жойларида пишган ғиштдан фойдаланилган. Бундан 5-6 йил аввал марказий ва жанубий сарой оралиғида ёппасига пишган ғиштдан қурилган девор борлиги, шунингдек ”Каштаки аёл” хонаси аркаси, бирқанча эшикларнинг атрофи ҳам ёппасига пишган ғиштдан қурилгани маълум бўлди. Олдин бу деворлар қалин сувоқ ва лой тупроқ остида бўлгани, қор-ёмғир туфайли кейинги йилларда пишган ғиштлар очилиб қолганига гувоҳман. Тарих китобларида Ўрта Осиёда қурилишда пишган ғиштдан дастлаб милодий VI асрда қурилган, Бухоро ҳукмдорларининг пойтахти бўлган Варахша қалъаси қайта қурилганида фойдаланилгани кўрсатилган. Тупроққалья саройининг милоддан аввалги II – I асрларда қурилганини эътиборга олсак, тарих китобларида кўрсатилганидан 700-800 йил, балки ун-

дан кўп аввал воҳамиизда қурилишда пишган ғиштдан фойдаланилгани тарихимиз учун яна бир янгилик бўлади.

Лаборатория анализларига кўра, воҳамиздаги қадимиий қалъалар, жумладан Тупроққалья қурилишида ишлатилган хом ғиштлар ҳозирги замондаги пишган ғиштлардан қолишмайдиган даражада мустаҳкам эканлиги аниқланган. Эшиклар олди, зиналар ва устун тагкурсилари мармар ва табиий тошдан тарашланиб, ҳатто ўймакори безак бериб ишланган. Марказий саройни бостириш, унинг нақш ўйиб ишланган устунларини тайёрлашда гужум, қорамон ёки чинор ёғочидан фойдаланилган. Деворнинг пастки қисмига қўйилган ғиштлар оралиғи ер ости намлигидан сақлаш мақсадида кумдан тайёрланган лой билан, устки қисми эса сомонли лой билан тўлдирилган (ҳозир цемент билан тўлдирилганидек). Бу усул ҳам қалин ва баланд деворнинг янада мустаҳкам бўлишида катта аҳамиятга эга бўлган. Пойдеворнинг устига қалин қилиб қамиш ёйилган ва унинг устига пахса девор кўтариленган. Бу ҳам ер ости на-млигини юқорига ўтказмаган.

Камида 2000, ҳатто 4000 йиллардан бери қору-ёмғирлар, қуёш нурию шамоллар таъсирида нураб емирилса-да, баланд деворларнинг ҳозиргача мағрур қад кўтариб турганинг асосий сири нимада? Биз ҳаммани ҳам ўйлантирадиган ушбу мураккаб саволга жавоб топишга ҳаракат қилдик. Бу жавобни аввало, қурилишнинг асосий хомашёси бўлган лойнинг танланиши ва тайёрланишидан изладик. Воҳамиизда минг йиллар оша қўлланилиб келинаётган лой пахса девордан ўй-жой қуриш тажрибаси, узоқ изланишлар ва кузатишларимиз, чиқарган хуносамизга асосланиб, шуни ишонч билан айтамизки, қалъалар қурилиши учун лой тупроғини ернинг 2-3 метр пастки қисмидан олишган. Аниқроғи, бу тупроқ бир вақтлар океан суви остида бўлган жуда тоза ва соғ тупроқдир. Бу тупроқ қизғиши сариқ рангда бўлиб, ёпишқоқлиги, зичлашуви ва соғлиги жиҳатидан ернинг устки қисмидаги тупроқдан жуда катта фарқ қиласи. Қурувчилар аввало ана шундай тупроқ бор жойни аниқлаб, шу ерни лой хандақ қилиб танлашган. Лойни хандақда тайёрлашдан то пахсага кўйгунча жараёнда қуидаги тартибга қатъий амал қилинган. Бу жараён гўё жуда оддий кўринисада, унинг ўзига хос хоразмча услублари, масъулиятли ва аҳамиятли томонлари бор. Бу жараён ҳақида ҳеч бир ёзма манбада ёзилмагани учун ҳам бу ҳақда ёзишни маъқул кўрдим.

Аввало, лой хандақ қилиб танланган майдон ҳатто бир ииллаб сугорилиб, тупроқ қондирилган, яъни шўри яхшилаб ювилган. Кейин ернинг 2-3 метр устки қисми олиб ташланган ва шундан пастда бўладиган қизғиши рангли соз тупроқ (хоразмликлар уни тондир лой дейишади) чуқур қилиб ағдарилиган. Ҳандақнинг ўзида тупроқ лой бўлиб меъёрига етгунча қайта-қайта ағдарилиб ишланган. Тайёр бўлган лойни араваларда ёки юзлаб киши қатор туриб, кўлма-кўл девор қуриладиган жойга ташилган. Бу ерда лойга хом тупроқ араплашмаслиги учун қамиш пўстидан ишланган чипта устига лойни ёйиб, бир қанча киши унинг устига чиқиб то лой қип-қизил бўлиб ялтиллагунча қайта-қайта теп-килашган, яъни лойни меъёрига етгунча пиширишган.

Юртимиздаги қалъаларнинг қурилиши учун ғишт тайёрлашнинг ўзига хос қатъий тартиб қоидалари бўлган. Ғиштнинг лойини тайёрлаш юқоридаги тартибда бажарилган. Жумладан, Тупроққалъанинг қурилишида ишлатилган гиштларга 66 хилдаги белги – тамғалар бармоқ билан чизилган. Яъни, ғишт тайёрловчилар 66 гурухга бўлинган бўлиб, ҳар бир гурухнинг ўз белги-тамғалари бўлган. Тайёрланган гиштнинг сифатли ёки сифатсиз эканлиги шу белги-тамғаларга қараб аниқланган. Агар ғишт сифатсиз тайёрланган бўлса, уни тайёрлаган киши ниҳоятда оғир жазоланган. Шунинг учун ҳар бир гурух ғишт куювчилар унинг лойини тайёрлашга ва ҳар бир гиштнинг жуда сифатли бўлишига қаттиқ эътибор берганлар.

С. П. Толстов Тупроққалъя саройининг ҳамма заллари ва хоналарининг деворлари ҳар қандай кишини ҳайратлантирадиган даражада нақшинкор қилиб безатилганини ўзининг барча илмий-тарихий асарларида завқланиб таърифлаган. 1980 йили ёзда С.П. Толстовнинг энг яқин шогирди, воҳамизда бир умр археологик қазиш ишларида қатнашган тарих фанлари доктори Ю.А. Рапопорт билан кўхна Тупроққалъя саройини айланар эканмиз, у менга ҳар бир зал ва хонани кўрсатиб, улар деворининг қандай нақшинкор тасвиirlар ва манзаралар билан безатилгани, қандай хомашё ва бўёқлардан фойдаланилгани, қалъа деворларининг безатилиши нафақат Хоразм, балки ўз даври учун жаҳон меъморчилигининг энг юксак намунаси эканлигини ўзгача бир ҳаяжон ва завқ-шавқ билан гапириб берган эди. Унинг Е.Е Неразик билан бирга ёзган “Тупраккала – дворец” ва “Городище Тупраккала” китобларида бу қалъанинг

тариҳимиз учун аниқ маълумотлар берадиган ноёб топилмалари, қурилиши ва меъморчилиги, айниқса нақшинкор ва ҳашамдор қилиб безатилиши, умуман жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни ҳақида янада батафсил маълумот берилган.

Тупроққалъя саройи деворлари дастлаб со-монли лой билан қалин қилиб сувалган, кейин ганч билан юпқа ва текис қилиб оқартирилган. Саройнинг айрим хоналари деворларида бу ҳолат ҳозиргача сақланиб турибди. Шу оқ фон устига турли рангли бўёқларда расмлар ясалган. Расмларда асосан аёллар, эркаклар, турли гуллар, узум, ўсимлик барглари, ҳайвонлар, балиқлар, табиат манзаралари, геометрик шаклдаги ҳар хил расмлар жуда зўр маҳорат ва юксак дид билан ясалган. Айниқса, арфа мусиқа асбобини чалаётган аёл, икки торли музика асбоби пардасини ушлаб турган эркак, қум соати шаклидаги кўш ногора ва машшоқларнинг расмлари, каштачи аёл расми, маросимлар залининг шимолий деворида турли ирққа мансуб амалдорларнинг катта панноси қарийб икки минг йилдан бери қандай кўринишида бўлса, шундайлигича сақланиб тургани уларни ясашда ишлатилган бўёқларнинг нақадар сифатли бўлганлигидан дарак беради. Расмларда ишлатилган турли ранглар жилоси ва нағислиги кишини лол қолдиради. Археолог Ю. А. Рапопорт билан сухбатлашганимизда, у деворларда расмлар эмас гўё тасвиirlанган нарсаларнинг ўзи кўз олдимизда тургандек, кишини лол қолдирувчи бу расмларни моҳир рассом яқиндагина ишлагандек кўринида, деб ҳайратланиб гапириб берган эди. Шунингдек, “Шоҳлар зали”да тахтнинг икки томонидаги маҳсус супада қадимги Хоразм календаридаги 30 кунга атаб қўйилган Маздапараастлик дини илоҳларининг ҳайкаллари бўлганлиги, терига, тахтага Хоразм алфавитида ёзилган давлат ҳужжатлари архиви топилгани ҳамда уларнинг жаҳон тарихидаги аҳамияти ҳақида анча маълумот берган эди. Бу каби маълумотлар нафақат бизни, балки жаҳон аҳлини ҳамон ҳайратлантириб келмоқда. Айниқса, сарой деворидаги турли ирққа мансуб амалдорларнинг расм-панноси деворга битилган муҳим тарихий ҳужжат бўлиб, Хоразмшоҳлар давлатининг ўз даврида жаҳон давлатлари билан жуда яқин алоқада бўлганлиги, тинчликпарвар давлат бўлганлигидан дарак беради.

Тупроққалъя меъморчилигининг энг юксак кўринишларидан яна бири деворларга ганч-

дан турли ўймакорлик, бўртма ва ҳайкалсимон нақшларнинг бекиёс маҳорат билан ишланганидир. Саройдаги “Шоҳлар зали”, “Маросимлар зали”, “Буғулар зали”, “Раққосалар зали”, “Ҳарбийлар зали”, “Каштачи аёл зали” кабиларнинг ғиштдан ишланган поли ҳам ганч билан текис қилиб ишланган. Эшикларнинг атрофлари ҳам ганч билан нақшинкор қилиб безатилган. Милоддан аввалги минг йиллиқда, милоднинг биринчи минг йиллигига, айниқса ўрта асрларда ганч ўймакорлик наққошлигининг хоразмча услуби нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳоннинг бошқа жойларида ҳам меъморчилиқда кенг кўлланилган.

Демак, меъморчилиқда ганчдан фойдаланиш тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалиши билан бирга биз ҳозирги кунда “евро ремонт,” деб атаётган хоналарни безаш усули ҳам аслида бизнинг заминда энг қадим даврда пайдо бўлган, деб айтишга ҳақлимиз. Шунингдек, саройнинг чинор, гужум, қорамон ёғочларидан тайёрланган эшиклари, панжаралари ва устунларининг алоҳида маҳорат ва услубда хилма хил ўйма ва бўртма, ҳайкалсимон нақшлар билан безатилганини яна бир қадимиш санъат на мунаси, десак ўринли бўлади. Сарой залларига қўйилган устунларни остига қўйилган мармардан ва тоғ тошидан ниҳоятда силлиқлаб, тарашиблаб, турли шакл ва ўймакорлик, наққошлиқ безаклари билан безатилган устун тошларни кўриб, уларни янада юксак маҳорат ва нафис санъат ифодаси, дейиш мумкин. Яъни, қадимги аждодларимиз тошга ишлов бериш технологиясини, тошдан санъат яратиш, унга нафосат баҳш этиш хунарини ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада мукаммал билишган. Биз юқорида Тупроқалъа мисолида қадимги Хоразмда қурилиш ва меъморчиликтининг қай даражада юксак тараққий қилганлигини кўрдик.

“Овесто” китобининг “Яштлар” наскида шундай муҳим маълумотлар бор:

*Ҳар ўзаннинг бўйида, савлатли қалъа-қаср бор,  
Ойналари ярқироқ, минг устунда устувор.  
Бир ойнаси мингтадек, минги эса миллиард,  
Минелаб тоқи, минг вассса,  
юз минг ҳавон, бозимнинг,  
Сон-саноқсиз синчлари,  
бири минг, миллионга тенг.*

Қаранг, жуда қадим даврлардаёқ уйжойлар, қалъалар, саройлар хоналари де-

разаларига ойна қўйилган экан. Археологлар Қўйқирилганқалъа, Тупроқалъа ва бошқа бирқанча қалъалар деразаларига ойна қўйилганини аниқлаганлар. Демак, юртимизда шиша-созлик қадимдан тараққий қилган, шиша-созлик корхоналари, моҳир шиша-соз усталар бўлган, улардан нафақат кейинги авлодлар, балки жаҳон ҳалқлари ўрганган экан. Биз ўқиган ва ўқитган тарих қўлланмаларида 0 рақамини майялар, ўнлик рақамни ҳиндлар яратган, дейилган. Кўриб турибмизки, бизнинг қадимги улуғ аждодлар улардан кўп аввал нафақат бу рақамларни, ҳатто минг, миллион, миллиардгача, шубҳа йўқки, улардан кейинги рақамларни ҳам яратган эканлар. Шу ўринда мил.ав. II минг йиллиқда юртимиздан Евроосиё, ҳатто жанубий Америкагача кўчиб бориб, доимий яшаб қолган ҳалқ – бизнинг қадимги аждодимизнинг турли қавмлари илму фан, юксак маданият, меъморчилик, турли хунармандчиликни ҳам ёй-ғанликларини алоҳида таъкидламоқ керак.

Қадим қалъалар деворларига ишланган расмлар, нақшлар, безаклар, ганчкорлик ва тоштарошликтининг хомашёси Султон Увайс тоғидан олинган, албатта. Ганч, тоғ тоши, энг юқори сифатли, рангдор мармар тоши, оҳак тоши, кремний, тальқдан ва бошқа табиий бойликлардан ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда. Қадимда Султон Увайстоғининг кўп қисмини океан суви ўраб турган. Демак, тоғда, океан суви остида бўладиган табиий бойликтин барча тури бу худудда ҳам бўлган. Яъни, бу воҳада ер усти бойликлари билан бирга ер ости бойликлари ниҳоятда кўп бўлиб, тоғ-кон ишлари ҳам кучли ривожланган. Кимёвий таркиби ҳозиргача сир бўлиб келаётган бўёқлар қадим шу худудда бўлгандир. Қадимги даврдаёқ олтин ва кумуш билан бирга, гўё ҳозиргидек заргарнинг сайқали ва маҳорати билан зеб бериб ишланган темир, гавҳар, зумрад, марварид, қаҳрабо, ақиқ, маржон, биллур каби қимматбаҳо маъданлардан тақинчоқларнинг бўлганлиги, нафақат табиий бойликтин кўплиги, балки одамлар, айниқса уста заргарлар, бешак аёл-қизлар диди ва маданиятигининг ниҳоятда юксак бўлганидан дарак беради. Алҳол, шу замонлардаёқ қучли минеролог олимлар бўлган, минералогия фани тараққий қилган экан. Деярли барча тақинчоқ, зебу-зийнатларда Самовий ёритгичлар – Қуёш, Ой, юлдузлар ўз ифодасини топгани алоҳида маъно касб этади.

Қадимги даврда кўп мамлакатлар ҳукмдорлари саройларида яширин ер ости йўли

бўлганлигини биламиз. Бироқ, бир қалъадан иккинчи қалъага ер ости йўли бўлганлиги ҳеч бир манбада ёзилмаган. Тупроққалъадан Қизилқалъага, Катта Гулдурсиндан Кичик Гулдурсингача уч километрча масофага еrostи йўли бўлганлигини эшитган ҳар қандай киши ақли лол қолади. Чунки, ҳеч қандай техника йўқ бир замонда ер ости йўли қуриш учун нақадар оғир меҳнат, мاشақат, маҳорат, маблағ талаб этилиши, кучли илму фандан фойдаланиш зарурлиги ўз-ўзидан маълум. Бундай оғир ва ниҳоятда мураккаб ишларни юқори дараҷада бажарилгани орқасида улуғ аждодларимизнинг юксак ақлий салоҳияти, донолиги, зукколиги, моҳирлиги, кучли илм-фан соҳиби бўлганликлари турибди. Аёзкалъа №1да ҳам ер ости йўли бор. Бироқ бу ер ости яширин йўли эмас, қандайдир бошқа иншоот – еrostи қасри ёки мақбара бўлиши мумкин, деган фаразни билдираман.

Юртимиздаги қадимги қалъаларни айланиб кўрар экансиз, бундай ниҳоятда маҳобатли ва баланд қалъаларни қандай кишилар, қандай куч ёрдамида курган экан, деган савол беихтиёр хаёлингизга келади. Агар, пахсага қўйилган ҳар бир ғишт қолипга қўйилиш чоғида 45-50 кило, куригандан кейин 38-40 кило келишини эшитсангиз ҳайратингиз янада ошади. Чунки, ҳозирги одам бундай оғирликдаги ғиштни курувчилардек кун бўйи эмас, ҳатто бир марта ҳам кўтариб қўя олмаслиги аниқ. 1990 йили Тупроққалъани қайта таъмиглашни бошлаганимизда бунинг гувоҳи бўлганмиз. Тарихий археологик-антропологик манбалардан маълумки, бундан 2-3 минг йиллар ва ундан аввал яшаб ўтган аждодларимизнинг бўйи камида 2-3 метр, табиийки ниҳоятда кучли-бақувват, чидамли, юксак қобилияти, маҳоратли ва тажрибали бўлганлар. Бундай баланд бўйли одам-

ларнинг қадимги қабристон ўринларида, чуқур ер остида то ҳамон сақланиб турган сүяклари бунинг гувоҳидир. Қадимги қалъаларни мана шундай девқомат, ўз даврининг фозил ва комил, илоҳий дуоларни яхши билган одамлари кўл кучи билан қурганлар.

Кейинги вақтларда турли телеканаллар орқали берилётган телефильмлардаги бошқа ривожланган давлатлар қадимги қалъалари, қасрлари кўриниши, меъморчилиги, деворий безаклари билан таққосладиган бўлсақ, уларда айнан Қўйқирилганкалъа, Бозорқалъа, Тупроққалъа, Ямпиқалъа, Оқчахонқалъалардагидек ҳашамат, нафосат, юксак дараждаги меъморчилик санъатини кўрамиз. Демак, бошқа халқлар меъморлари ҳам қалъалар, қасрлар, ибодатхоналар қурилишида меъморчиликнинг хоразмча услубидан ибрат олганлар ва ундан фойдаланганлар. С. П. Толстов “Қадимги Хоразм меъморчилик услуби Византия орқали Римгача ўтиб борган”, -деган. Унинг шогирди Е.Е. Неразик давра суҳбати охирида, -Москвадаги Кремль деворининг лойиҳаси Тупроққалъадан олинган, -деган эди. Бу сўзлар юқоридаги фикримизнинг илмий тарихий-археологик тадқиқотлар асосидаги ҳақиқий исботидир. Алҳол, қадимги Хоразм қурилиш ва меъморчилик, нақошлиқ, ўймакорлик, ганчкорлик, тоштарошлиқ услублари жаҳон меъморчилиги учун мактаб бўлган, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Бу услуб янада такомиллаштирилиб, ҳар замонга мос, ҳар бир халқнинг ўз меъморчилигига хос шаклда қўлланиб келинаётгани фаҳримиз, ифтихоримиздир.

*Алҳол, тарихга айланган тупроқ –  
қадим қалъаю саройи, тупроққа айланган тарих – буюк ўтмиш садоси!*



# ОЙНАИ ЖАҲОН

*Телевидение яратилиши тарихига  
оид илмий изланишлар, манбалар,  
хотиралар, ҳикоялар*

## РИВОЯТ ЁХУД БЎЛГАН ВОҚЕА

Иккита ҳамкасб Америка қитъасининг кашф қилиниши ҳақида сұхбатлашарди:

- Ал Беруний ақл – қалам кучи бирла глобус ясад, ер шарининг қарама-қарши қисмида ҳам қуруқлик борлигини башорат қилган. Христофор Колумб Ҳиндистон қирғоқларига бордим деб ўйлаб, аслида илк бор Америка қитъасига борган, – деди бири.
- Йўқ... Америкага унинг янги қитъа эканлигини билиб илк бор борган Америго Веспуччи, қитъа унинг номига қўйилган, – унинг фикрига эътиroz билдириди сұхбатдоши. Унинг раддиясидан ранжиган сұхбатдоши таклиф қилди:
- Мана тухум, шуни силлиқ стол устида тикка қўйиб бер.

Иккинчи сұхбатдош тикка қўйишга анча уриндида:

- Бажара олмадим, сен ҳам бажара олмайсан, – деди бу иш жонига тегиб.

Шунда биринчи сұхбатдош стол қиррасига тұхумни уриб, жиндай синдириди-да, шу учи билан столга тикка қўйди.

Шунда иккинчиси: – Сен синдириб тикка қўйдинг-да, – деди ижирғаниб.

- Тұхумни синдирип ё синдирма, демадим, – деди куплимсираб у. Сұхбатдоши бош эгіб мулзам бўлди...

## НАВОЙИ БАШОРАТИ

“Адабиётнинг сеҳрли олами, хусусан, ижод аҳлиниңг ўзига хос жиҳатлари, бошқалардан ажralиб турадиган хусусиятлари ҳақида кўп эшитганмиз. Кўплаб адиллар, улуғ мутафаккирларнинг ғайриоддий хислатлари, кароматлари ҳақида ҳам кўп ўқиганмиз.

Илм-фан юксак мэрраларни забт этмаган, оламшумул кашфиётлар амалга ошмаган бир пайтда кўпгина адабиёт намояндалари ўз асарпарида келажакни, ундаги воқеа-ҳодисалар, ихтиrolарни кўра олганлар. Зоро, адабий асарлар асосан ижодкор хаёлотига, тўқима воқеа-ҳодисаларига, хаёлий тасаввурларга асосланади. Бу асарлардаги воқеа-ҳодисалар ва ҳаётий воқеелик ўртасидаги ўшашликни шунчаки “тасодиф” дегувчилар ҳам топилади.

Аммо, шундай ҳолатлар борки, буларга ҳам тасодиф “тамғасини” ёпишириб, эътибордан соқит қилиш инсофисизлик бўлиб туюлади.

Кўхна Шарқнинг кўплаб фозилу-фузалолари, шоир ва мутафаккирлари мисолида бу ҳақиқатни яққол кўришимиз мумкин.

Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ойнаи жаҳон ҳақида бугунги телевидение сир-синоатларига монанд таърифтавсиф берилган.

*Сафоу тоб аро  
андоқки хуршид,  
Дема хуршид,  
балки жоми Жамшид.  
Бўлуб гети аро  
мехри само ул,  
Хамул ойнаи  
гетинамо ул  
Бори маҳфий  
умур исхори анда,  
Жаҳон ҳолати  
равшан бори анда.*

Яъни, нурафшонлик ва равшанида кўёшга, балки Жамшидинг сехрли жомига ўхшайди. Худди дунё осмонида чараклаб турган офтобнинг ўзгинаси, ойнаи жаҳон деганлари мана шу бўлади. Ҳамма яширин ишлар ҳам унда яққол кўриниб туради. Дунё ҳодисаларини ундан бемалол кузатиш мумкин. Ўзингиз гувоҳи бўлаётганингиздек, асарда тилга олинган темиртанлар, роботлар ҳам асрлар ўтиб ҳаққоний воқеликка айланди.

Аслида телевидение (Ойнаи жаҳон) жуда мураккаб иш. Телевидениенинг сехри бор, сир-асрорлари кўп, уни ўрганишга бел боғладингизми? Фикр доираси кенг қамровли хаёлий тассавурларга, тўқима воқеа-ҳодисаларга асосланган, меҳнат машаққатларига чидамли, жаҳон адабиёти, маданияти, санъатига дахлдор тафаккурга эга хаёлотга бой муаллиф шуғулланса бу соҳани эгаллаш анча осон кечади...

XX аср аввалидан бошланган телевидение соҳаси XXI асрда бениҳоя гуллаб-яшнаш даврига кирди. Қабул қилиш қурилмаси оддий ёки параболик антенна бўлган рақамли телевидение ер шарининг исталган нуқтасидаги телевидение каналлари кўрсатувларини деярли рангли тасвирда кўрсатмоқда. Ҳатто, телевидение инсоният тарихининг ажралмас бир бўлагига айланниб қолди. Ишдан келиб, бўш ўриндиққа ёнбошлаб, чойни шопириб бошқарув пульгини боссангиз, мириқиб, кайфиятингизга мос кўрсатувларни томоша қиласиз. Марҳамат, мустақил юртимиздаги янгиликларми, дунё хабарларими, концертлардан завқ олмоқчимисиз,

она юртимиз ёки чет эл кинофильмларини, сериалларини кўрмоқчимисиз, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси қизиқтирадими ёки Олам ва Одамнинг пайдо бўлиши тарихи тўғрисидаги тадқиқотларга доир илмий оммабоп телефильмларни севасизми, балки спорт кўрсатувлари сизнинг эътиборингизни тортар, ... ва ҳоказо, томоша қилаверинг, ҳаққингиз бор. Негаки, телевизорни сотиб олгансиз. Лекин, сиз ҳеч бир ўйлаб кўрганмисиз(?) – шундай ажойиб кўнгилочар, беминнат хизматкор «кути» осмондан тушдимикан ё ердан чиқдимикан? Балки, уни ҳам илмпарвар, игна билан қудуқ қазган заҳматкаш инсонлар яратгандир!?

Мактаб дарслкларида ўқиганси, алгебранинг яратувчиси Ал-Хоразмий, кимёда элементлар даврий системасини тушида тузган Менделеев, тиббиётнинг пири комили Абу Али Ибн Сино, радионинг отаси Попов, реактив ҳаракатнинг ғояси ва амалиётчиси Циолковский, космик кемалар парвозини амалга оширган Королёв, атом бомбанинг отаси... атом электр станциясининг отаси... Рўйхатни давом қилдирсангиз минглаб сахифалар қораланади.

Хўш, телевидениени кашф қилган КИМ ёки КИМЛАР?! Қачон ва қаерда?

Ўзгаларнинг сермашақкат меҳнатларини қадрлай оладиган фаросатли, дониш инсонлар кўнглида бу саволлар бир сония бўлса ҳам айланган бўлса ажаб эмас...

Телевидениеда бериладиган америкалик тадқиқотчи олимларнинг космик оламлар ва ер, кўёш, ой, планеталар, галактикалар, одамзоднинг пайдо бўлиши тўғрисидаги қизиқарли ҳикоя қилувчи илмий оммабоп телефильмларни кунт билан томоша қилишни ҳамма ҳам яхши кўрса кепрак. Шундай телефильмлардан бирида оламнинг шакллана бошлаганига 7,5 миллиард йил, одамнинг пайдо бўлганига бир неча ўн миллион йил бўлди, деган маълумотни эшлитиб, хаёлот дунём коинотни нур тезлигидан ҳам катта ҳаракат билан айланниб чиққани рост. Инсон ҳаёлидан югурик нима бор?! Жамият ва инсоният ҳаётининг 7 минг йиллик тарихигина ёзилиб қолганини ҳамма билади. Хўш, ундан олдин нима бўлган? Ўтмиш ва мангуликка нисбатан зиғир донасидай бўлган бу қисқа муддатда



**Муҳаммадсоли Машарипов**

1942 йил Тўрткўл шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган.

1968 йил “Республика ёшлар мукофоти” совриндори. 1982 йил

“Қорақалпогистон Республикасида хизмат кўрсатган Маданият ходими”, 1980 йил “Мөҳнат шуҳрати” медали, 2001 йил “Мустақилликнинг 10 йиллиги” нишони соҳиби, Ўзбекистон ва Қорақалпогистон Журналистлар ўюшмаси аъзоси. “Тўрт гуллим” шеърий тўплами, “Хофиз

Отажон”, “Ойнаи Жаҳон” қиссалари, “Ўзбекистоним”, “Қорақалпоқнома”, “Турон булбули”, “Тўрткўлим”, “Камалак” каби қасида ва достонлар муаллифи. Муаллифнинг бир қатор видеофильмлари

**Телевидение Олтин фондидан муносиб жой олган.**

жамият тараққиёти частотаси ва амплитудаси ҳар хил каттапиқда бўлган муттасил ҳамда жуда секинлик билан қия ҳолатда юқорилаб борувчи синусоидал эрги чизиқдай тасавур беради. Бунга, албатта жамият ва табиатда бўладиган турли-туман силсилашлар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Инсоният ҳозирги даврда ўта цивилизацияшган замонда яшамоқда. Макро ва микро оламнинг бағрига чуқур кириб бораётган дунёвий илмлар, муттасил юксалиб бораётган техник тараққиёт, жамиятдаги демократик тизимлар, обод ва фаровон ҳаёт, энг муҳими инсонлар дунёкараши, онгидаги юксалишлар бу цивилизациядан дарактир. Инсониятнинг бу қисқа муддатда эришган цивилизацияси факат шуми? – деган файри-табиий савол ҳаёлингда гавдаланаверади.

Космонавт ўзбек йигити Солижон Шарипов 2 марта космосга учди.

Телевидение буни фахр билан на-  
мойиш қилди. Солижон Шарипов: – «Мен чексиз космос қаърида бинаф-  
ша рангда ярқираб турган миттигина  
она заминимизни кўрдим. Она Ери-  
мизни асрash кераклигини, тинчлик  
ҳар нарсадан муҳим эканлигини  
қалбимдан чукур ҳис қилдим», – де-  
ган иқорининг теран маъносини она  
еримиздаги ҳар бир инсон англаб  
етмоғи шарт ва зарур. Оллоҳнинг  
кудрати билан битта портлашдан со-  
чилиб кетган, вақтга пропорционал  
кенгайиб бораётган бу чексиз-чега-  
расиз космик самода онги мавжу-  
дот яшаётган сайдёра факат она зам-  
инимиз – Ермикан?! Мантиқа зид  
фирқ! Чунки, салкам З минг йилча  
олдин бўлган тарихий, маънавий ме-  
росимиз муқаддас АВЕСТОда само-  
даги жамики мавжудотларнинг бево-  
сита ва билвосита ўзаро боғлиқлиги,  
таъсирда эканлиги айтилади. Олам-  
ни эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал  
бошқаришини ва ундан фойдаланиб  
дунёни англаш, билиш мумкинлиги  
таъкидланади. Эзгу фикр, сўз, амал  
яхшиликка хизмат қилса олам ва  
жамият тараққиётiga, аксинча, ёмон-  
ликка хизмат қилса инқирозга сабаб  
бўлиши узоқ ва яқин ўтмиш тарихдан  
маълум ва сабоқ бўлмоғи лозим.

Ер шарининг барча масканлари-  
га тарикдай сочилиб кетган одамзод  
насли минг-минг йиллар олдин ҳам  
баҳоли курдат ахборот ва янгилик-  
клардан, ўзларининг яшаш тарзи,  
иқтисоди, маънавияти, маданий  
турмуши борасида маълумотлар  
алмашиб турганлар, борди-келди  
қилгандар. Бунда асосий ахборот  
ташувчилар: элчилар, саёҳатчилар,  
савдогарлар, уруш даврларида  
уларнинг қатнашчилари, капитарлар,  
шунингдек, аллома шоир ёзувчи-  
ларнинг тарихий, илмий, бадиий,  
маърифий ва бошқа мавзуларда  
ёзган кўплаб бебаҳо асарлари, ҳалқ  
оғзаки ижодиёти бўлган. Инсонга  
онг, фикр, ҳис-туйуга бой хаёлот  
дунёси, яъни ақл ва қалб Оллоҳ то-  
монидан инъом қилинган. Инсон қуш  
эмас, лекин ақл ва қалб унинг икки  
қаноти. Улар ёрдамида эзгу орзу-  
лар, умидлар самосида завқ билан  
парвоз қилади. Унинг ўй-хаёллари,  
фантазияси чексиз-чегарасизdir.  
Яшаш учун кураш жараёнida пай-  
до бўлган муаммоларни ҳал қилиш  
йўлларини излаганлар – эртак-  
чи, достончи баҳшилар ҳалқнинг  
кўнглидаги ўша муаммоларни ҳал  
қилишнинг усуллари ва восита-

лари тўғрисида, руёбга чиқишига  
ишониб ривоят қилганлар, куйла-  
ганлар. «Учар гиламлар», «Ойнаи  
жаҳон», «Искандар кўзгуси», «Жоми  
Жамшид», «Сулаймон узуги», Ши-  
риннинг жамолини кўзгуда кўриб,  
бехуш бўлган Фарҳод, афсунгарлар  
оинаси ва ҳоказолар инсоният орзу-  
армонларининг акс-садоси сифати-  
да пайдо бўлгани сўзсиз...

Неча асрлар, эралар, даврлар  
абадий вақт қанотида ўтди, лекин бу  
орзулар ва уларни амалга ошириш  
йўлидаги изланишлар тўхтамади.  
Заминимизда бутун умрини илм-  
фанга бахш этган, Оллоҳ назари  
тушган, илоҳий иқтидор, салоҳиятга  
эга бўлган инсонлар, олам ва унда-  
ги сирли ҳодисалар сабабларини  
излаб табиат қонунларини кашф  
этдики, ўша орзулар, армонлар би-  
рин-кетин руёбга чиқа бошлади.  
Натижада инсоният ҳаёти тарзига  
ижобий таъсир кўрсатувчи минглаб  
кашфиётлар пайдо бўлди. Улар  
орасида телевидениенинг одамзод  
ҳаётига, кундалик турмушига ҳаво  
ва сувдек сингиб кетганлиги бу кун-  
да ҳар бир инсонга кундек аён.

Хуллас, телевидение бизнинг  
ҳаётимизга ва маший турмушимиз-  
га дадил кириб келди. Деярли ҳар  
бир хонадон уйи тўрида телевизор  
хурматли жойни эгаллаган. Фақат,  
электр тармоғига уласангиз бас.  
Экранда томошибиндан юзлаб, мин-  
глаб, ҳатто миллионлаб километр  
олисдаги воқеаларни, ғаройиб жара-  
ёнларни амалга ошираётган буюк иш-  
ларнинг гувоҳи бўлаверасиз. Биз тел-  
евидениенинг беминнат хизматидан  
фойдаланиб Олимпиада ўйинларига  
«қатнашамиз», турли мамлакатларга  
«саёҳат қиласиз», дунёга машҳур муз-  
зейларда сақланаётган санъат асар-  
лари билан танишамиз, олис сай-  
ёраларга парвоз қилаётган космик  
кемаларни ёки очиқ космосга чиқиб  
ишилаётган баҳодир космонавтларни  
завқ ва хавотир билан кузатамиз.

Лекин, телевидение оммавий ах-  
боротларни тарқатадиган техника  
воситасигина эмас. У ҳар хил ишлаб  
чиқариш жараёнларини олисдан на-  
зорат қилишда, саноат соҳасида иш-  
латиладиган автоматлар ва робот-  
ларнинг ҳаракатини кузатувчи «элек-  
трон кўз» сифатида турли-туман ил-  
мий тадқиқотларда энг зарур қурол  
бўлишда аллақачон ўз ўрнини топди.  
Инсоннинг атроф олам тўғрисидаги  
тасавурлари ва билимлари чегара-  
сими анча кенгайтирди, ер ости, сув-

ости ва коинотда содир бўлаётган  
жараённи кўриш имконларини берди.  
Инсон ҳаётига хавфли ва соғлигига  
заарли, умуман одамзод ишлай ол-  
майдиган мураккаб ўринлардаги ва-  
зифаларни ўз бўйнига олди.

## ТАРИХГА НАЗАР

Телевидениени кашф қилиш –  
ўнлаб кўллар яратадиган ниҳояси  
йўқ зинапоядир.

Владимир Козъмич Зворикин,  
телевидение  
асосчиларидан бири

Умид билан сўқилган таёқ  
Бир кун берар мөвә-ю япроқ.

ГЁТЕ

Телевидение сўзи грекча  
«теле» – узоқ ва лотинча «видео» –  
кўраман сўзларининг биримасидан  
яралган. Рус инженери К.Д.Перский  
Парижда ўтказилган ҳалқаро кон-  
грессда «Электр телевидение»  
ҳақидаги маърузасида илк бор шу  
атамани қўллаган. Пойдеворсиз  
иморат қурилмаслиги бу – аксиома,  
телевидение деган «иморат»нинг  
пойдевори вазифасини бажариш-  
да XX аср охириларида физика ва  
кимё фанлари соҳасида қилинган  
ажойиб кашфиётлар ўзига хос  
тарзда асос бўлди, десак муболага  
эмас. Ҳарф босиш қурилмасини  
иҳтиро қилган Б.С.Якоби, Морзе  
алифбосининг ижодкори С.Морзе,  
телефонни кашф қилган А.Белл,  
П.М.Голубицкий, электромагнит  
телефрафни биринчи бўлиб иҳтиро  
қилган П.Л.Шиллинг, радиони кашф  
этган А.С.Поповлар ўзлари ярат-  
ган алоқа турларининг «ота»лари  
ҳисобланади. Шунингдек, 1873  
йили инглиз олимлари Ж.Мей ва  
У.Смит ёруғлика сезгир селен ёри-  
тилганда ўз электр хоссаларини  
ўзгартиришини аниқлагач, ёруғлик  
энергиясини электр энергиясига бе-  
восита ўзгартириш амалга оширил-  
гани маълум. Ёруғликни электр сиг-  
налларига айлантирувчи қурилма  
фотоэлемент бўлади. Икки хил: ҳам  
ички, ҳам ташки фотоэффектли фо-  
тоэлементлар мавжуд. Рус олими  
А.Г.Столетов 1888-1889 йилларда  
ташки фотоэффект ҳодисаларини  
текширган. Олимларнинг ва ихти-  
рочилиарнинг изчил изланишлари  
натижасида ҳосил бўлган телеви-

дение юқоридагидең, физикавий ва кимёвий қонунлар ҳосиласидир.

Телевидение ёруғлик энергиясини электр сигналларига айлантириш, ҳосил бўлган электр сигналларини олдиндан маълум масофалярга узатиш воситасида нарсалар ёки жараёнларни кузатиш усуулларини ўрганади. Телевидениенинг аниқ тизимини яратиш учун бир узатиш тармоғига электр токининг йўналишини ўзгартириш, яъни ўзгарувчи токни доимий тока айлантириш ёрдамида узатувчи ва қабул қилиб олуви манзиллар орасида содда алоқага ўтиш лозим. Шунда узатилган тасвир алоҳида элементларга ажралиши ва улар қатъий тартибда қабул нуқтасига узатилиши зарур бўлиб, қабул нуқтасида ҳам худди шу йўсинда маҳсус қабулловчи қурилмада синтез қилинган бўларди. Кўриш орғанларининг «алданувчанлиги»-инерционлиги сабабли бундай тизимни яратиш мумкин. Кўзимизнинг «алданувчанлиги»га мисоллар кўп. Қоронғида учи чўғланган чўпни жуда тез айлантирасак айланасимон яхлит силлиқ чизик ҳосил бўлади. Ярим айлана шаклидаги симни тез айлантирувчи қурилмага маҳкамлаб ҳаракатга келтирсан, шар шаклини кўзимиз кўради. Шунингдек, тўғри бурчакли учбуручакни бир катети атрофида тез айлантирилса конус, тўғри бурчакли трапецияни тўғри бурчаги ёпишган томони атрофида айлантирасак кесик конус ва ҳоказолар моделини кўрса бўлади.

1880-йилда Цюрих университети студенти П.И.Бахметьев «телефонограф» номли тизимни эълон қилди. Узатиладиган тасвирнинг ёйилиши унинг узатувчи қурилмасида кичкинагина сelen фотоэлемент ёрдамида амалга оширилиб, узатувчи ва қабул қилувчи нуқталар орасида битта алоқа тармоғи назарда тутилган эди. Бахметьев тизимида тасвирни ёйиш учун фотоэлементнинг спираль бўйлаб ҳаракатидан фойдаланган. 1884 йили Германияда кенг маълум бўлган Пауль Нипковнинг лойиҳасида фотоэлемент қўзгалимасдан, тасвирни ёйиш спираль бўйлаб тешиклари бор диск тасвир билан фотоэлемент ўртасида айланарди. Бунда тасвирнинг навбатдаги сатр бўйлаб, олдинги тешик ёйишни тугатган пайтда ҳаракатни бошларди. Фотоэлементга уланган ва картинанинг равшанилигини қараб нурланиш интенсивлигини

ўзгартирадиган ёруғлик манбаи ҳам худди шундай тешиклари бўлган диск билан ёпиларди, бу тешиклар ёруғлик манбаини элементма-элемент ва узатувчи қурилма билан синхрон (узвий) яъни мос равишда очарди. Уларнинг тавсияларидан кейин ёйиш ва тасвир элементларини навбати билан узатиш ғоялари ҳамма лойиҳаларда қўлланила бошлади.

Улардан бошқа бир неча ихтирочилар ҳам сал ўзгаришлар билан турли лойиҳаларни таклиф қилдилар. «Телеоптиканист» номли китобчани нашрдан чиқардилар. Унинг фарқи телооптиканинг узатувчи ва қабул қилувчи аппаратларида ясси шиша қиоветларни электромагнитлар яқинига жойлаштирилганлигидар. Узатувчи ва қабул қилувчи қурилмаларнинг электромагнитлари бир жуфт сим билан бириктирилган. Қиоветга мис купоросининг эритмасини куйган. Узатгич қиоветининг керосини қатламида тасвирнинг проекцияси ҳосил бўлганида, тасвир қабул қилувчи қиоветида ҳам шу тасвир ҳосил бўлган. Тажрибадан маълум бўлишича, телооптиканде ёруғлик энергияси электр энергиясига ва электр энергияси ёруғлик энергиясига айланиши кимёвий ва физикавий қонунлар асосида юз берган.

Айтиб ўтилган телевизион тизимларда тасвирларнинг механик ёйилиши асос қилиб олинган. Кашфиётчилар узатиладиган тасвирни алоҳида элементларга ажратиш учун тешикли дискларнинг, призмалар, цилиндрлар, кўзгули барабанларнинг айланишидан фойдаланишган. Бу тизимлар оддий бўлгани билан маълум даражада камчиликлари ҳам бор эди, яъни узатиладиган тасвирнинг аниқлиги жуда паст бўлган. Шунинг учун кўпгина оптик механик системалар 30-60 сатрга мўлжалланган. Аниқлигини ошириш эса қўпол ва қиммат турадиган конструкцияларнинг пайдо бўлишига олиб келарди. Ҳозирги стандарт – 625 сатргача аниқликни ошириш учун дискларда спираль бўйича жойлашган 625 тешик ўтиш лозим. Тасвирнинг ўлчами 15 см бўлса, дискининг периметри  $0,15 \times 625 / 95$  метр, диаметри 30 метр бўларди. Бундай тизимнинг келажаги йўқлиги кўриниб туриди.

Механик телевидениенинг имконият даражасини биринчи бўлиб рус олими, Петербург технология институтининг профессори Борис Львович Розинг танқидий баҳолаб, унинг кела-

жаги йўқлиги ҳақида тўғри холосага келди. У ўша даврдаги барча ихтирочилардан хабардор эди.

1897 йили немис физиги К.Ф.Брауннинг электрон нур трубкасида электронлар дастаси ҳаракат қилиб, катта тезланиш билан люминофор қопланган пластинкага йўналади, люминофор эса электронлар билан бомбардимон қилинганда нур чиқарадиган модда. Люминофорнинг электронлар дастаси уриладиган участкаси нурлана бошлади. Магнит майдонлари ёрдамида боғлам йўналишини ўзгартириш осон бўлганлигидан бу трубкада, одатда текширилаётган электр тебранишларнинг қонунига кўра эгилган нурли чизик ҳосил бўлади.

Розинг трубкасида эса электрон нур битта сатр чизмасидангина эмас, балки сатрлар наборини чизиб, экран нурланишини ҳосил қиласди. Розинг ўзининг трубкасига кўшимча электрод киргизди. Бу электродга узатгичдан сигнал келиб, электрон нурнинг интенсивлиги тасвирнинг айрим қисмларида равшанлашади. Розинг трубкаси бир йўла механик системаларнинг иккى элементи: ёйиш қурилмаси (тешикли диск) ва нурланиш манбаи (газ – ёруғлик трубкаси) ўрнини босади. У ўз тажрибаларини 1902 йили бошлаган бўлса ҳам 1907 йилдагина тутган йўлтининг тўғрилигига ишонди. Розинг Россияга, бошқа бир қанча мамлакатларга талабнома беради.

1908 йил оддий тасвирларни узатишга ва уларни ўзи ихтиро қилган трубкада қайта тасвирлашга ҳаракат қилди. 1911 йил 22 майда қора фондаги тўртта ёруғ полосадан иборат тасвирни қабул қилишни намойиш қилиб кўрсатди. Электрон нур кинескопининг намунасини яратди. Натижада механик телевидениенинг кучли рақиби электрон телевидение пайдо бўлди. Бутун дунёда Б.Л.Розингни электрон телевидениенинг асосчиси деб атайдилар. Электрон телевидение тасвирларни қабул қилишнинг телевизион кўрсатувларда кенг тарқалган усулидир. Чор Россияси даврида ихтирочилар ўз маблаги ҳисобидан тажрибалар ўтказарди. Давлат ёрдам бермасди. Илмга, яратишга иштиёқи зўр бўлган ихтирочи олимлар оғир шароитларда телевидениенинг тараққиётига улкан ҳисса кўшдилар.

(Давоми бор)

## ANNOTATION

**P**rofessor K.Karabaev congratulates with the emergence, the light output of the magazine of editorial office of the magazine «Tamaddun Nuri».

**Q**uotes of the book of President Islam Karimov «The motherland and the people live forever,» sound like aphorisms required by life.

**A**bu Rayhan Beruni Artwork «Geodesy» was published, translated from Farsi. The passage of the «Geodesy» the reader will be able to acquire more knowledge in many fields of science and life.

**T**he Karakalpak epics often found images of women - warriors, women bogatyrs. The origin of these images became the subject of analysis of the article «Women bogatyrs Karakalpak tales.»

**I**n the article «History of al-Biruni's homeland» given new scientific, historical information about the history of our country – the Republic of Uzbekistan.

**F**olk storytelling is the source for the creation of new works of literature. So masterpiece is an impromptu contest between pevtsami- «Bakhshi» Ajiniyaz and kizMengesh.

**T**his article gives us unique information that we can learn about the great poem “Lisanut-Tair” of Great Alisher Navoi in a new conception.

**T**ranslated from the German story «gray cloak» is about feelings, experiences that concern all of humanity.

**I**n the article «Oinai Jahon» the reader will be able to learn new information about the opening of the TV.

**F**or planning sex of the child which must comply with the parents? This article and says «Boy or girl?»